Juwmmaq etip sonı aytıwımız múmkin, joqarı bilimlendiriw sistemasında vitagen tálim múmkinshiliklerin keń kólemde ámeliy áhmiyet talap etpekte. Talabalardı kásiplik iskerlikke tayarlawda olardıń turmıslıq tájiriybesin anıqlaw hám usı tájiriybe sheńberinde onıń bilimlerin jetilistiriw múmkin. Turmıslıq tájiriybe hám ámeliy kónlikpeler talimniń joqarı sıpatta dúziliw múmkinshiligin de asıradı. Usı sebepten búgingi kúnniń hár bir pedagogı vitagen tálim texnologiyasınıń túsiniwi hám onı óz iskerliginde paydalanıp barıwı kerek.

BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA KASBIY TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH UCHUN PEDAGOGIK KOMPONENTLAR

O.M.Erkaboyev – *pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Farg'ona davlat universiteti

Tayanch so'zlar: ta'lim, kasbiy tafakkur, shakllanganlik darajalari, pedagogik komponent, metod.

Ключевые слова: образование, профессиональное мышление, уровни развития, педагогический компонент, метод.

Key words: education, professional thinking, levels of development, pedagogical component, method.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish texnologiyasiga biz ta'lim jarayonining barcha tarkibiy qismlarining tarkibiy-funksional o'zaro bog'liqligi haqidagi tushunchalarni asos qilib oldik. Bunda u quyidagi tarkibiy qismlarning shakllanishini ta'minlashi kerakligidan kelib chiqish qabul qilingan kasbiy tafakkur: bilimlar, ko'nikma va malakalar tizimi, ularni takomillashtirish usullari, ierarxik tashkil etilgan bir qator darajalarni o'z ichiga olgan pedagogik fikrlash usullari: umumiy g'oyalar darajasi, konstruktiv-metodik sxemalar darajasi, texnik usullar darajasi; bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisining fikrlash jarayonini tartibga soluvchi va pedagogik faoliyatda tegishli qarorlarni ishlab chiqish va qabul qilish jarayonida faollashadigan strategik intellektual ko'nikmalar tizimlari.

Ilmiy-pedagogik va psixologik manbalar tahlili natijalariga tayangan holda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayoniga ko'maklashuvchi tarkibiy komponentlarni ajratib ko'rsatish mumkin bo'ldi:

- **Konseptual komponent** - kasbiy tafakkurni shakllantirish jarayonining ijtimoiy buyurtmasi, maqsadi, vazifalari, tamoyillari va pedagogik yondashuvlarini o'z ichiga oladi;

- **Maqsadli komponent** - o'quv-bilish faoliyatidagi maqsadlar toifalari tavsifini, jismoniy tarbiya o'qituvchisi ishining o'ziga xosligini tashkil etuvchi motivlar, qadriyatlar, ehtiyojlar va qiziqishlarni o'z ichiga oladi;

- **Mazmun komponenti** - bilim, ko'nikma va malakalarning mavjudligini nazarda tutadi-bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilari egallashi lozim bo'lgan ko'nikmalar;

- **Operatsion-faoliyatli komponent** - kasbiy tafakkurni shakllantirish shakllari, usullari va vositalari bilan belgilanadi;

- **Nazorat-baholash komponenti** - kasbiy tafakkurning shakllanganlik darajasini nazorat qilish va baholashni amalga oshirishga qaratilgan.

Texnologiyaning asosiy tarkibiy qismlarini batafsil tavsiflab o'tamiz.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayonining maqsad va vazifalarini loyihalash jarayonida pedagogik ta'limning tegishli tamoyillari va yondashuvlarini ajratib ko'rsatish zarur, ya'ni:

- **Yaxlitlik tamoyili** - barcha komponentlarning uyg'un o'zaro ta'siriga asoslangan bo'lib, bu talabalar o'quv faoliyatining kutilishi va natijasi o'rtasida samarali teskari aloqa mavjudligi hisobiga erishiladi;

- **Maqsad va mazmunning adekvatligi tamoyili** - ta'lim jarayonini optimallashtirish va oshirish hamda umuman o'quv materialini o'zlashtirish darajasini oshirish uchun aniq o'quv mavzularini ochib berish talablariga mos keladigan axborotdan foydalanishni nazarda tutadi;

- **Kasbiy yo'nalganlik tamoyili** - bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisini tayyorlashning fundamental va kasbiy tarkibiy qismlari o'rtasida chuqur aloqadorlikni ta'minlashga qaratilgan. Uni amalga oshirish, shaxsning kasbiy yo'nalganligining asosi sifatida, barqaror motivatsion sohani shakllantirish bilan bog'liq;

- **Differensiatsiya tamoyili** - o'qituvchining o'quv-tarbiyaviy ishida tarbiyalanuvchilarning jismoniy, ruhiy, ijtimoiy, ma'naviy va intellektual rivojlanish darajalarini, shaxsning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda faollikni rag'batlantirishni anglatadi;

- **Professionalizatsiya tamoyili** - bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisining o'z kasbiy faoliyati va o'quvchilar faoliyatiga kasbiy baho bera olish qobiliyatini nazarda tutadi.

Konseptual komponentning keyingi qismi sifatida jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayoniga pedagogik yondashuvlar ajratib ko'rsatildi. **Ularga quyidagilar kiradi:**

- **Shaxsiy-faoliyatli yondashuv.** Jismoniy tarbiya o'qituvchisining kasbiy faoliyati xususiyatlarini tadqiq etishni, kasbiy vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilishni ta'minlaydigan kasbiy tafakkurning asosiy xususiyatlarini aniqlashni, tartibga solish va boshqarish mexanizmlarini belgilash imkonini beradi.

- **Tizimli yondashuv.** Pedagogik tizimlarga xos bo'lgan umumiy funksiyalar va maqsadlar, boshqaruv va faoliyat birligi bilan birlashtirilgan ko'plab o'zaro bog'liq elementlarga ega bo'lgan pedagogik obyektlarni tahlil qilishga yo'naltiriladi.

- **Texnologik yondashuv.** O'qituvchiga kasbiy faoliyat samaradorligini ta'minlaydigan o'z kasbiy sifatlarini maqsadli shakllantirish vositalarini izlashni o'z ichiga oladi. Bu yondashuv muayyan usullar, tartib-taomillar va operatsiyalarni o'zlashtirishni aktuallashtirish imkonini beradi.

○ **Vazifaviy yondashuv.** O'quv axborotlari mazmuniga talabalarining fikrlash jarayonlarini faollashtiradigan, ularda amaliy vaziyatlarda nazariy bilimlardan foydalanish, o'quv vazifalarini hal qilishda ulardan foydalanish va muvaffaqiyatli kasbiy faoliyat uchun istiqbolni tushunish va ko'rish qobiliyatini mustahkamlaydigan vazifalarni kiritishni nazarda tutadi.

○ **Ijodiy yondashuv.** Andazali fikrlashdan uzoqlashish imkonini beradi. Ushbu yondashuv o'quv-tarbiya jarayonini muayyan ta'lim sharoitiga yaqinlashtirish va moslashtirishga yordam beradi.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayonining maqsad va vazifalarini loyihalashtirishda guruh tomonidan ishlab chiqilgan o'quv maqsadlari taksonomiyasi mantig'idan foydalanish maqsadga muvofiq. B.S.Blum boshchiligidagi amerikalik olimlarning kognitiv sohasiga asoslangan ushbu yondashuv [4] talablarga javob beradi.

Ushbu konsepsiyani qo'llash bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisining kasbiy tafakkurini shakllantirish muammosida uni tayyorlashning umumiy maqsadlarini ajratishni nazarda tutadi:

- muammoning asosiy tushunchalari bilan tanishish va ularning mohiyatini tushunish;
- bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayonining maqsadi, vazifalari va o'ziga xos xususiyatlarini anglash;
- kasbiy bilimlarni bosqichma-bosqich va tizimli egallash, kasbiy-pedagogik faoliyat ko'nikma va malakalari (reproduktivdan baholovchi-produktivga qadar);
- talabalarining kasbiy-pedagogik mustaqilligining turli darajalarini hisobga olish (o'qituvchi yordami, algoritmlar bo'yicha ishlashdan to to'liq mustaqillikkacha);
- bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisining kasbiy fikrlash darajalarini ishlab chiqish;
- bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisini kasbiy tafakkurni shakllantirishning maqbul shakl, metod va vositalarini ongli ravishda tanlashga tayyorlash.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirishning mazmuniy komponenti talabalarni jismoniy tarbiya faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari to'g'risidagi ma'lumotlar bilan boyitishni nazarda tutadi. O'qituvchi o'quvchisiga maxsus bilimlar, harakat ko'nikma va malakalarini uzatishi va bu ma'lumotlarni o'quvchining idrok etishiga katta e'tibor qaratishi zarur.

Talabalar jismoniy tarbiyada bilimlarni uzatish metodikasi bilan tanishadilar, u quyidagilarni o'z ichiga oladi:

1. O'quvchilarning harakat faolligiga zarur yetkazmagan holda zarur maxsus bilimlarni ta'minlash. Bu muammoning yechimi nazariy

materialni amaliy faoliyat mazmuni bilan uyg'unlashtirish orqali amalga oshiriladi.

2. O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish metodlaridan foydalanish. Bu metodlarga adabiyotlar bilan mustaqil ishlash, o'z-o'zini takomillashtirish, o'z-o'zini tahlil qilish va boshqalar kiradi.

3. Fanlararo aloqalarni amalga oshirish. Nazariy materialni o'zlashtirishda boshqa o'quv fanlaridan olingan bilimlarga tayanish yaxshi samara beradi.

4. O'quvchilarning harakatlari va bilimlarini korreksiyalash maqsadida nazoratni ta'minlash. Talabalar jismoniy mashqlarni bosqichma-bosqich o'qitish tuzilmasini qo'llash zarurligi haqida bilib oladilar.

Ushbu ta'lim jarayonini to'rt bosqichga bo'lish maqsadga muvofiqdir.

I bosqich - jismoniy mashq haqida tasavvur hosil qilish. Bu bosqichda o'quvchilarning tajribasi va bilimlari asosida bo'lajak harakat modeli sifatida yangi mashq haqida tasavvur shakllantiriladi. Harakat vazifasini anglash va uni o'zlashtirishni yo'lga qo'yish ko'rgazmali va nutqiy metodlar yordamida amalga oshiriladi.

II bosqich - boshlang'ich o'rganish. Ushbu bosqichda harakat ko'nikmasini shakllantirish uchun jismoniy mashq texnikasini bevosita o'zlashtirish jarayoni amalga oshiriladi.

III bosqich - chuqur o'rganish bosqichi. Ushbu bosqichning maqsadi jismoniy mashqlarni barqaror bajarish va harakat ko'nikmasini shakllantirishdir. Bunga ko'p martalab ketma-ket takrorlash orqali erishiladi.

IV bosqich - harakat ko'nikmasini takomillashtirish. Ushbu bosqichda faoliyat davomida o'zgaruvchanlik va qayta moslashish qobiliyatiga ega bo'lgan yuqori darajadagi harakat ko'nikmasi shakllanadi.

Jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirishning operatsion-faoliyatli komponenti psixologik-pedagogik tayyorgarlikning tashkiliy shakllari, usullari va vositalari majmuasini o'z ichiga oladi. Bunga ma'ruza, seminar va amaliy mashg'ulotlar, ishbilarmonlik va rolli o'yinlar, mustaqil ijodiy ishlar, suhbatlar, munozaralar, xabarlar, loyihalar usullari, pedagogik vaziyatlar usullari va boshqa ko'plab vositalar kiradi.

O'quv topshiriqlari bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Ushbu topshiriqlar talabalarni eksperimentator rolda faoliyat yuritishga undaydigan, bilimlarni amaliyotda qo'llashning samarali usullarini ijodiy o'zlashtirishga rag'batlantiradigan tadqiqotchilik va muammoli elementlarni o'z ichiga oladi.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy faol pozitsiyasini shakllantirishda har bir ma'ruzaning o'quv-pedagogik yo'nalishini kuchaytirish muhim

ahamiyatga ega. Bu jarayon jismoniy tarbiya o'qituvchisining pedagogik va jismoniy tarbiya-sport faoliyatining ijtimoiy ahamiyatini yanada batafsilroq tushuntirish, shuningdek, zamonaviy ilmiy-uslubiy ma'lumotlardan foydalanish orqali amalga oshiriladi.

Amaliy mashg'ulotlar davomida talabalarda pedagogik vazifalar va vaziyatlarni hal qilishga yo'naltirilgan amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga alohida e'tibor qaratish zarur. Bu esa bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy ongi va kasbiy tayyorgarligining ijtimoiy-pedagogik yo'nalishini shakllantirishni ta'minlaydi. Amaliy mashg'ulotlarni turli metod va usullardan foydalangan holda samarali tashkil etish va metodik ta'minlash orqali bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy tafakkurini rivojlantirishga sezilarli darajada ijobiy ta'sir ko'rsatish mumkin.

Talabalarda kasbiy tafakkurning shakllanganlik darajasini monitoring va diagnostika qilish natijasi sifatida baholash samarali hisoblanadi. Bu komponent quyidagi usullarni o'z ichiga oladi:

1. **Pedagogik kuzatish.** Ushbu metod yordamida talabalar haqida kerakli ma'lumotlarni olish mumkin. Bu usul oson qo'llaniladi va murakkab tayyorgarlikni talab qilmaydi. Pedagogik kuzatish talabalarning xatti-harakatlarini eksperimental tadqiqotsiz o'rganish, ularning faoliyati va xulq-atvorini tahlil qilish imkonini beradi. Metod maqsadga yo'naltirilganlik, obyektivlik, tizimlilik va aniqlik talablari bilan ajralib turadi. Biroq, pedagogik diagnostikaning samaradorligi oshishi uchun bu usulni so'rovnoma, suhbat kabi boshqa diagnostika usullari bilan birgalikda qo'llash maqsadga muvofiqdir.

2. **Anketalash.** So'rovnoma orqali talabalar haqidagi empirik materiallar, jumladan, ularning fikrlari, niyatlari va o'z-o'zini baholashlari haqida ma'lumot olish mumkin. Ushbu usul ma'lumot olish tezligi, olingan ma'lumotlarni qayta ishlashning qulayligi va matematik tahlil imkoniyatlari bilan ajralib turadi. Ammo bu usulning kamchiligi shundaki, u yetarli ma'lumot to'plashga doim ham imkon bermaydi va yakuniy natijalar subyektiv bo'lishi mumkin. Shu sababli, anketalash yordamchi usul sifatida foydalaniladi.

3. **Suhbat.** Kasbiy tafakkurni tashxislashda talabalar bilan bevosita muloqot orqali keng qamrovli ma'lumot olish imkonini beradi. Suhbatdan samarali foydalanish uchun maqsad aniq belgilanishi va oldindan savollar tayyorlanishi kerak. Ushbu usulning afzalligi talabalar reaksiyasini inobatga olish va savollarni moslashtirish imkoniyatidir. Biroq, obyektiv ma'lumot olish imkoniyati pastroq bo'lishi va talabalar ochiqlikka moyil bo'lmasligi bu metodning cheklovidir.

4. **Baholash reyting tizimi.** Bu usulda baholash mumkin bo'lgan ko'rsatkichlar reyting shkalalariga

ega bo'ladi. Baholash tizimining asosiy afzalliklari - qulayligi va alohida ko'rsatkichlarni matematik statistika yordamida taqqoslash imkoniyatidir.

5. **Testlash.** Og'zaki yoki yozma so'rovlar orqali talabalar haqida muhim va ishonchli ma'lumotlar olish imkonini beradi. Diagnostika jarayonida kompleks mustaqil va nazorat ishlari, pedagogik vaziyatlarni tahlil qilish va modellashtirish usullaridan foydalanish samarador hisoblanadi. Testlash bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkur darajasini aniqlash uchun eng samarali diagnostika vositalaridan biridir.

6. **Pedagogik tajriba.** Ushbu usul pedagogik gipotezalarni tekshirish va pedagogik tizimlarning alohida elementlari o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash imkonini beradi. Pedagogik tajriba eksperimental va nazorat guruhlarida amalga oshiriladi. Bu jarayonda boshlang'ich va yakuniy ko'rsatkichlarni qayd etish, sodir bo'layotgan o'zgarishlarni tahlil qilish va tafovutlarni taqqoslash mumkin. Olingan natijalar asosida vositalarning maqsadli natijaga ta'sir darajasi to'g'risida tegishli xulosalar chiqariladi.

Pedagogik tadqiqotlar samaradorligi va professional tafakkur darajalari.

Turli usullarni birlashtirish pedagogik tadqiqotlarning samaradorligi va sifatini oshirish imkonini beradi. Bunga pedagogik tadqiqotlarda matematik-statistik usullarni faol qo'llash va zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan samarali foydalanish yordam beradi.

Ushbu pedagogik komponentlarni hisobga olgan holda, jismoniy tarbiya o'qituvchisining professional tafakkurini shakllanish darajasini to'rt bosqichga ajratish mumkin: tanqidiy (intuitiv), ruxsat etilgan (reproduktiv), yetarli (produktli) va optimal (produktli-ijodiy). Quyida ularning har biriga tavsif beriladi:

1. **Tanqidiy daraja.** Ushbu daraja professional maqsadlarning yetarli shakllanmaganligi, o'quv jarayonining mohiyatini va mazmunini tushunmaslik bilan tavsiflanadi. Bu darajadagi mutaxassis o'quv vazifalarini loyihalash va amalga oshirishda qiyinchiliklarga duch keladi, darslarni tashkil qilishning yondashuvlari, prinsiplari, usullari va shakllari haqida tasavvurga ega emas. Bunday o'qituvchi zarur bilim va ko'nikmalarga ega emasligi sababli pedagogik vazifalarni hal qila olmaydi, faqat takroriy (reproduktiv) faoliyatni bajaradi va ijodkorlikka intilmaydi.

2. **Yo'l qo'yiladigan daraja.** Bu darajada pedagog kasbiy vazifalarni yo'riqnomalar, qoidalar va me'yorlar doirasida hal qila oladi, ammo murakkab, kutilmagan va nostandart vaziyatlarda qiyinchiliklarga duch keladi. Unda oldindan bashorat qilish qobiliyati yetarlicha rivojlanmagan. Pedagog o'ziga nisbatan talabchan emas, tizimli yondashuv va tashabbus

ko'rsatishda sustlik qiladi, shuningdek, murakkab vaziyatlarda mustaqil qaror qabul qila olmaydi.

3. Yetarli daraja. Ushbu daraja professional faoliyatning mazmunidan yaxshi xabardorlik bilan ajralib turadi. Pedagog nazariy, metodologik va uslubiy masalalarni yetarli darajada biladi. Zarur ko'nikma va malakalarning aksariyatini shakllantirgan bo'lib, ularni ijodiy amalga oshirishga intiladi. Noan'anaviy vaziyatlarda pedagog o'zini yo'qotmaydi va mustaqil ravishda to'g'ri pedagogik qarorlar qabul qila oladi.

4. Optimal daraja. Bu darajada pedagog o'quv-tarbiyaviy jarayon vazifalarini muvaffaqiyatli va o'ziga xos tarzda hal qila oladi. Unda oldindan ko'ra olish qobiliyati rivojlangan bo'lib, yangi metodikalar, vositalar va usullarni izlashga intiladi. Bunday pedagog professional faoliyatga chuqur, barqaror va ongli ravishda yondashadi. U o'zini takomillashtirish, obyektiv o'z-o'zini baholash va o'z-o'zini tahlil qilishga qaratilgan yaxlit tasavvurlarga ega bo'ladi.

Yuqorida keltirilganlarni hisobga olgan holda, xulosa qilish mumkinki, kelajakdagi jismoniy tarbiya o'qituvchilarining professional tafakkurini shakllantirish ular faol ijodiy faoliyatga jalb qilinishi

asosida amalga oshadi. Bu faoliyat yaxlit pedagogik jarayonni o'rganishga qaratilgan bo'lib, bir tomondan, professional tafakkurni shakllantirish jarayoniga, boshqa tomondan esa, o'quv-tarbiyaviy jarayonning yaxlit tizimiga aloqador bo'ladi. Ushbu tizimni ular kelajakdagi pedagogik faoliyatida bilishi, unga moslashishi va samarali qo'llashi lozim.

Shuningdek, kasbiy tafakkurni shakllantirish o'qituvchilarning nazariy bilimlarni amaliyot bilan uyg'unlashtirish qobiliyatini rivojlantiradi. Bu jarayon ijodiy yondashuv, zamonaviy pedagogik metodlar, hamda o'quvchilarning individual ehtiyojlarini hisobga olishni talab qiladi. Natijada, o'qituvchi nafaqat pedagogik vazifalarni muvaffaqiyatli hal qila oladi, balki o'quv jarayonini samarali tashkil qilish va yangi pedagogik muammolarni mustaqil ravishda yechish qobiliyatiga ega bo'ladi.

Shu bilan birga, ushbu tizimning asosiy maqsadi nafaqat kasbiy ko'nikma va bilimlarni rivojlantirish, balki o'qituvchilarda pedagogik refleksiya, o'z-o'zini baholash va doimiy professional o'sishga intilish madaniyatini shakllantirishdan iboratdir. Bu esa ularning professional faoliyatidagi muvaffaqiyatning muhim omili hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 3-noyabrda "Jismoniy tarbiya va sport sohasida kadrlarni tayyorlash hamda ilmiy tadqiqotlar tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-414-son Qarori.
2. Ханкельдиев III.X. Физический статус учащейся молодежи. Монография. –Ташкент: 2018.
3. Ханкельдиев III.X., Ураимов С.Р. Физический статус допризывной молодежи. Монография. –Ташкент: 2020.
4. Abdullayev S.R. Harbiy xizmatga tayyorgarlikda jismoniy tarbiya elementlarining ahamiyati. Navoiy: Navoiy Davlat Pedagogika Instituti nashriyoti. O'quv qo'llanma. 2020.
5. Aissa Benhaddad A., Bouix D., Khaled S. Early Hemorheologic aspects of overtraining in elite athletes // Clin. Hemorheol and Microcirc. 1999. V 20.
6. A. Physical Fitness Intervention Program Within a Physical Education Class on Selected Health-Related Fitness Among Secondary School Students // Procedia. - Social and Behavioral Sciences. – Vol.55, 5 October, 2012. - P.1104-1112
7. Bart V and. Trainindswissenschaft: Leistund| Trainind| WettKampf-Berlin: SpoRtveRLag.
8. Gavin R.H. Sandercock, Mohammed Alibrahim, Mark Bellamy. Media device ownership and media use: Associations with sedentary time, physical activity and fitness in English youth// Preventive Medicine Reports. –Vol. 4.- December 016.
9. Ivanov V.P. Harbiy xizmatga tayyorgarlikda jismoniy tarbiya metodologiyasi. -Moskva: Rossiya davlat universiteti nashriyoti. 2018.

REZYUME. Mazkur maqolada bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy tafakkurini shakllantirish jarayonida o'qitishning pedagogik komponentlaridan foydalanish masalasi tahlil qilingan. Tadqiqot davomida ushbu ixtisoslikning o'ziga xos jihatlari va professional yo'nalishga alohida e'tibor qaratilgan. Kelajakdagi kasbiy faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun zarur bo'lgan fikrlash qobiliyatini shakllantirish maqsadida ta'lim sohasi mutaxassislarini tayyorlashning samarali yo'llari taklif etilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется вопрос использования педагогических компонентов обучения в процессе формирования профессионального мышления будущих учителей физической культуры. В ходе исследования особое внимание было уделено специфике и профессиональной направленности данной специальности. Предлагаются эффективные методы подготовки специалистов в сфере образования с целью развития навыков мышления, необходимых для успешного профессионального развития в будущем.

SUMMARY. This article analyzes the issue of using pedagogical components of learning in the process of forming the professional thinking of future physical education teachers. During the research, special attention was paid to the specific features and professional orientation of this specialty. Effective methods for training specialists in the field of education are proposed for the purpose of developing thinking skills necessary for successful professional development in the future.

ART PEDAGOGIKA ZAMONAVIY TA'LIM-TARBIYANING INTEGRATIV OMILI

X.H.Haydarov – *katta o'qituvchi*

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Tayanch so'zlar: Art pedagogika, mazmun-mohiyati, maqsadi, vazifalari, artterapiya, artterapevtik pedagogika, esteto pedagogika, korreksion, katarsis, regulativ.

Ключевые слова: Арт-педагогика, содержание-сущность, цель, задачи, арт-терапия, арттерапевтическая педагогика, эстет-педагогика, коррекционная, катарсисная, регулятивная.

Key words: Art pedagogy, content-essence, purpose, objectives, art therapy, art therapeutic pedagogy, aesthetic pedagogy, correctional, cathartic, regulatory.

Kirish. Yangi O'zbekistonda yoshlarning ma'naviy saviyasini yuksaltirish, ularni yetuk, barkamol shaxs qilib tarbiyalash, yosh iste'dod egalarining qobiliyati va salohiyatini ro'yobga chiqarish, mamlakatimizni yangilash va modernizatsiya qilishning bugungi yangi bosqichida madaniyat va san'atning hayotimizdagi o'rnini va ahamiyatini oshirish, shuningdek san'atning didktik imkoniyatlarini ta'lim jarayoniga integratsiyasini ta'minlash eng asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

Ta'lim tizimini modernizatsiyalash va uni shaxs imkoniyatlariga to'liq moslashtirishga ko'maklashuvchi zamonaviy ta'lim tizimining asosiy vazifalaridan biri ta'lim oluvchilarda tashabbuskorlik, mustaqillik, kreativlik sifatlarini qaror toptirish va rivojlantirishdan iborat etib belgilangan. Shu nuqtai nazardan yondoshadigan bo'lsak, mutaxassislar tayyorlash tizimini modernizatsiyalash, pedagogik faoliyat samaradorligini ta'minlashning asosiy shartlaridan biri - ularni kasbiy faoliyatga nisbatan kreativ yondoshuvini rivojlantirishdan iborat.

Metodologiya. Hozirgi kunda maxsus ta'lim amaliyotida "artterapiya" va "artpedagogika" kabi atamalardan keng foydalanilmoqda. Ushbu atamalarning o'xshashligini faqat tushunchalarning birinchi qismida ko'rish mumkin: "art" – "badiiy" va bu so'z san'at so'zining sinonimi. Ikkinchi qism esa farqni aniqlaydi: terapiya – tibbiyot yo'nalishi, davolash ta'siri; pedagogikada ilmiy bilimlar, o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirish; maxsus ta'limda esa – korreksiyalashni anglatadi. Demak, tushunchaning ikkinchi qismi turli yo'nalishlar, maqsadlar, vazifalar, texnologiyalar va mohiyatlarni aks ettiradi. Biroq, "artpedagogika" atamasining mazmuni hali to'liq aniqlashtirilmagan, "artpsixologiya" va "artterapiya" atamaları ham turlicha talqin qilinadi. "Badiiy tarbiya" iborasi qadimdan ma'lum bo'lib, juda keng tarqalgan, ammo pedagogikada "artpedagogika", "artterapiya" va "artpsixologiya" tushunchalari yaqindan boshlab ishlatila boshlandi. Ushbu tushunchalarning o'zaro bog'liqligi, ularning har birining ilmiy tafakkur va pedagogikadagi o'rnini va rolini aniqlash masalasi bugungi kungacha yetarlicha o'rganilmagan. Badiiy pedagogika (badiiy ta'lim va tarbiya)ning artpedagogika bilan o'zaro bog'liqligi, uning usullari, maqsadlari va vazifalari e'tibordan chetda qolib kelmoqda. Natijada, pedagogik amaliyotda ularning ahamiyatini aniqlash uchun artpedagogika va artterapiya bo'yicha tadqiqotlarni chuqur tahlil qilish zarurati tug'iladi. Zamonaviy ilm-

fanda artpedagogika deganda pedagogika fanining inson ta'lim va tarbiyasi qonuniyatlarini san'at (nafaqat talabalar, balki kattalarning ham) vositasida o'rganuvchi yangi, mustaqil sohasi tushuniladi. "Artpedagogika" tushunchasi "art" va "pedagogika" so'zlaridan iborat. "Art" o'zbek tiliga "san'at" deb tarjima qilingan (lotin – ars, ingliz va fransuzcha – art, italyancha – arte). Bundan tashqari, inglizcha so'zlashadigan mamlakatlarda "art" deganda faqat tasviriy san'at (rangtasvir, haykaltaroshlik, grafika va boshqalar) tushuniladi, Dunyoning aksariyat mamlakatlarida "art" nafaqat tasviriy san'at, balki musiqa, adabiyot, she'riyat, shuningdek, sahna va ekran san'ati, teatr san'ati ma'nolarini ham anglatadi. Bizning fikrimizcha, "art" tushunchasi mazmuniga badiiy-ijodiy faoliyatning haqiqiy shakllarini aks ettiruvchi san'atning barcha turlari kiradi, ular asosan badiiy mohiyatni (badiiy ma'lumot) o'zida mujassam etganligi bilan ajralib turadi.

Adabiyotlar tahlili. Artpedagogikani tadqiqotchilar turlicha izohlashadi: L.A.Ametova-Davidovskaya uni "artterapevtik pedagogika" [1:192] deb ataydi, V.P.Anisimov uni "estetik pedagogika yoki san'at psixopedagogikasi" [2:146] deb ataydi. O.S.Bulatova "artpedagogik yondashuv" [3:230] atamasini qo'llaydi. Xususan, L.A.Ametova-Davidovskayaning kitobida hissiy tiklanish san'at asarlari ta'siri ostida insoniy holatning uyg'unlashuvi sifatida ko'rib chiqiladi va uni artterapiya deb ataydi.

V.P.Anisimov san'at psixotexnika usullariga e'tiborni qaratib, artpedagogikani "talaba rivojlanishining ontogenezi va san'atning yuqori badiiy meyorlariga mos keladigan tasviriy usullar asosida tarbiyalashning ustuvor qoliqlariga muqobili sifatida ko'rib chiqadi".

Olimlardan R.A.Verxovodova, R.A.Galustovlarning fikriga ko'ra artpedagogika san'atshunoslik, san'at psixologiyasi, mehnat psixologiyasi bilan chambarchas bog'liq. Fanning ushbu sohalaridagi bilimlar san'atning rivojlanish qonuniyatlari, uning inson va jamiyatning ijtimoiy, ma'naviy hayotidagi o'rnini haqida tushuncha beradi, bu san'atning ta'limiy, kognitiv va tartibga solish funksiyalarining mohiyatini tushunish uchun zarurdir [4:15].

Bu funksiyalarsiz san'atning imkoniyatlarini tushunish va ulardan o'quv jarayonida samarali foydalanish nazariyasini ishlab chiqish mumkin emas. Artpedagogika bilan umumiy va ijtimoiy pedagogika, shuningdek, xususiy metodlar o'rtasida yaqin bog'liqlik mavjud.

N.Yu.Sergeyevaning doktorlik dissertatsiyasida artpedagogikaning ilmiy g'oyasi, uning mohiyati, o'quv maqsadlari va funksional imkoniyatlarini keng yoritilgan. Artpedagogika zamonaviy fanda mavjud bo'lgan talqinlardan farqli o'laroq, badiiy ta'lim, estetik tarbiya va artterapevtik faoliyat tabiati, umumiy qonuniyatlari, tamoyillari, mexanizmlari va universal usullari, turli xil pedagogik muammolarni hal qilishda san'atni jalb qilish yo'llarini o'rganadigan pedagogika fanining yangi, amaliyotga yo'naltirilgan yo'nalishi sifatida qaraladi [5:67].

Munozara va tahlillar. Biroq, bizning fikrimizcha, ushbu tushunchaning eng aniq va batafsil tavsifini tadqiqotchilar Y.A.Medvedeva, I.Y.Levchenko, L.N.Komisarova, T.A.Dobrovolskayalar berishgan. Ularning fikriga ko'ra, artpedagogika (badiiy pedagogika) maxsus ta'limga nisbatan – bu pedagogik jarayon nazariyasi va amaliyotini rivojlantirishni ta'minlaydigan ilmiy bilimlarning (san'at va pedagogika) ikkita sohasi sintezidir, bu talabalarning badiiy rivojlanishi, badiiy-ijodiy faoliyati (musiqiy, tasviriy, badiiy-nutqiy, teatrlashtirilgan o'yin) orqali badiiy madaniyat asoslarini shakllantirish jarayonidir.

"Artpedagogika" tushunchasi "badiiy ta'lim" atamasidan mazmunan kengroq. Artpedagogika ilmiy bilimlar sohasi bo'lib, nafaqat badiiy ta'limni, balki san'at yordamida korreksion-rivojlanish jarayonining barcha tarkibiy qismlarini (rivojlantirish, tarbiyalash va tuzatish), shuningdek, rivojlanishida muammosi bor talabaning badiiy madaniyatining shakllantirish asoslarini ko'rib chiqishga imkon beradi. Artpedagogikaning mohiyati nogironligi bor o'quvchilarni tarbiyalash va o'qitish, san'at vositasida rivojlantirish, ularning badiiy madaniyat asoslarini shakllantirish va badiiy faoliyatning har xil turlarida amaliy ko'nikmalarni shakllantirishdan iborat.

Artpedagogikaning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- madaniyatshunoslik (shaxsning madaniyat bilan qadriyatlar tizimi sifatida obyektiv aloqasi, insonning badiiy madaniyat asosida rivojlanishi, uning yaratuvchisi bo'lishi);

- ta'limiy (shaxsni rivojlantirish va san'at orqali voqelikni o'zlashtirish, badiiy-ijodiy faoliyatda san'at sohasidagi bilim va amaliy ko'nikmalarni egallashni ta'minlash);

- tarbiyaviy (shaxsning ma'naviy-estetik, kommunikativ-refleksiv asoslarini shakllantirish va san'at yordamida uning ijtimoiy-madaniy moslashuviga hissa qo'shish);

- korreksion (rivojlanishda nuqsonlarining oldini olish, tuzatish va o'rnini to'ldirish).

Artpedagogikaning asosiy vazifalariga yana:

1. Katarsistik – tozalash, salbiy holatlardan ozod qilish.

2. Regulyativ – neyropsixik stressni olib tashlash, psixosomatik jarayonlarni tartibga solish, ijobiy psixologik emotsional holatni modellashtirish.

3. Kommunikativ-refleksiv – muloqotdagi kamchiliklarini tuzatish, shaxslararo xatti-harakatni shakllantirish, o'z-o'zini baholash ham kiradi.

Artpedagogika – bu pedagogikaning mustaqil fanlararo sohalaridan biri bo'lib, u ilmiy bilimlarning uch yo'nalishiga: psixologiya, san'at va pedagogikaning o'ziga asoslanadi, bu yerda tarbiya, ta'lim, shaxsni rivojlantirish va uni qayta tarbiyalash san'at vositasida amalga oshiriladi.

Ta'kidlaganimizdek, "artpedagogika" tushunchasi "badiiy tarbiya" atamasidan kengroq mazmunga ega. Artpedagogika atamasini keng ma'noli "badiiy ta'lim" atamasi, bilan almashtirib bo'lmaydi, albatta. Artpedagogik faoliyatning pedagogik vazifalarining chuqurligi va xilma-xilligi xosdir, uning mohiyati rasm chizish, qo'shiq aytish va hokazolarni o'rganish bilan cheklanmaydi. Masalan, badiiy materiallar bilan ishlash qobiliyati katta erkinlikka olib keladi, rivojlanishga yangi turtki beradi, o'zini ifoda etishni rag'batlantiradi, bu global vazifadir. Artpedagogikadan dunyoni anglashda san'at va badiiy-ijodiy faoliyat vositasida talabalar va kattalarning ijtimoiylashuvi, o'z-o'zini ifoda etishi, o'z-o'zini rivojlantirishi va o'zini o'zi bilishning kuchli vositasi sifatida foydalaniladi.

Artpedagogika ilmiy bilimlar sohasi bo'lib, maxsus ta'lim doirasida nafaqat badiiy tarbiyalashni, balki rivojlanish jarayonining barcha tarkibiy qismlari(rivojlantirish, tarbiyalash, o'qitish va tuzatish)ni qamrab oladi hamda talabaning badiiy madaniyati asoslarini san'at vositasida shakllantirishga imkon beradi. Art pedagogika-ta'lim uchun san'at vositalarini ishlatadigan pedagogik nazariya va amaliyot (pedagogik texnologiya) yo'nalishi, talabaning shaxsiyatini tarbiyalash va rivojlantirishdan iborat.

Quyida art pedagogika tushunchasiga pedagog olimlar tomonidan berilgan ta'riflarni ko'rib chiqamiz.

E.V.Taranova "artpedagogika" so'zi ikki qismdan iborat bo'lib, ulardan biri ingliz tilidan tarjima qilingan "art" san'at, hunarmandchilik, badiiy, ya'ni artpedagogika – bu san'at vositalarini tayyorlash, tarbiyalash va rivojlantirish demakdir.

Y.S.Shevchenko, A.V.Krepitsa artpedagogikaning shakllari, usullari va vositalari, ta'lim jarayonida shaxsiy rivojlanish uchun sharoit yaratish, ichki dunyosini ifodalash, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish imkonini beradi, deb ta'riflaydi.

L.V.Lebedeva esa Artpedagogika ta'lim texnologiyasi hisoblanib, san'at (adabiyot, musiqa, tasviriy san'at, teatr) orqali o'quvchilarga kompleks ta'sir ko'rsatishdir, deb ta'riflaydi[6:256].

"Infourok" jurnali tomonidan berilgan ta'rifda esa artpedagogika - bu pedagogikaning alohida yo'nalishi bo'lib, u orqali talabaning shaxsiyati namoyon bo'ladi, o'quvchini rivojlantirish va tarbiyalashda har qanday o'qitiladigan mavzu san'at orqali amalga oshiriladi, deb ta'kidlaydi.

E.A.Medvedeva, I.Y.Levchenko, L.N.Komissarova, T.A.Dobrovolskaya, bu ilmiy bilim (san'at va pedagogika) ning ikki sohasining sintezi bo'lib, u rivojlanishda kamchiliklari bo'lgan talabalarining badiiy rivojlanishining pedagogik korreksion-yo'naltirilgan jarayoni nazariyasi va amaliyotini ishlab chiqishni ta'minlaydi, san'at va ijodiy faoliyat (musiqiy, tasviriy, badiiy-nutq, teatrlashtirilgan-o'yin) orqali badiiy madaniyat asoslarini shakllantirish masalalari o'rganadi, deya ta'rif beradi [7:248].

N.Yu.Sergeyeva professional pedagogik vazifalarni hal qilish uchun san'at va badiiy faoliyatni jalb qilish tabiati, qonunlari, tamoyillari, mexanizmlarini o'rganish, pedagogik ilm-fan amaliy yo'naltirilgan yo'nalishini shakllantirish, A.Aytbaeva, J.Shaygozova, M.Sultanova san'at yo'li bilan inson tarbiyasi va rivojlanish modellarini o'rganadigan pedagogika fanining mustaqil bo'limi (nafaqat talabalar, balki kattalar), deya ta'rif beradi.

M.K.Magomedovaning pedagogik sharhida "artpedagogika" tushunchasi badiiy faoliyat vositalari orqali hissiy salomatlik va psixologik salomatlik haqida g'amxo'rlik sifatida tushuniladi.

Artpedagogika-san'atning turli xil turlari (teatr, adabiyot, musiqa, tasviriy san'at, qo'l mehnati) shaxsga tarbiyaviy ta'sirning yaxlit va interfaol qo'llanilishiga asoslangan zamonaviy pedagogik texnologiya deya ta'riflaydi. Oliy ta'lim tizimida bugungi kunda artpedagogika innovatsion pedagogik texnologiya sifatida tobora ko'proq e'tirof etilmoqda va tor ma'noda interaktiv usul sifatida ko'rib chiqilmoqda.

Xulosa. Art pedagogikani san'at yordamida turli pedagogik muammolarni hal etishga jalb qilish mexanizmlarini o'rganadigan ilmiy yo'nalish sifatida baholaydi. Artpedagogikaning mohiyati eng keng tarqalgan shaklda nazariya va amaliyotni rivojlantirishni ta'minlaydigan san'at va pedagogika sintezi, san'at va ijodiy faoliyat orqali badiiy ta'limning pedagogik jarayoni sifatida tavsiflanadi.

Shunday qilib, ilmiy adabiyotlarda art pedagogika atamasi, asosan, o'quvchilarning shaxsiyatini o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirish uchun san'at vositalaridan foydalanadigan pedagogik nazariya va amaliyot (pedagogik texnologiya) yo'nalishi sifatida tavsiflanadi.

Adabiyotlar

1. Аметова-Давыдовская Л.А. Эмоциональный Ренессанс. Психолого-педагогическая технология использования арт-терапии в системе художественного образования. – Ярославль: Ремдер, 2005. –С. 192.
2. Анисимов В.П. Артпедагогика как система психологического сопровождения образовательного процесса. // Вестн. Оренбург. гос. ун-та. 2003. № 4. -С. 146-148.
3. Булатова О.С. Арт-педагогический подход в образовании: монография. Тюмень: Издво ТГУ, 2004. –С. 230.
4. Верховодовой Р.А., Галустова Р.А. Зарубежный опыт арт-педагогики как система интегрированного применения элементов искусства в образовательном процессе. // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 3: Педагогика и психология. 2011. № 1. – С. 15-18.
5. Сергеева Н.Ю. Основы артпедагогической деятельности. Чебоксары: Чуваш. гос. пед. ун-т, 2009. -С. 67.
6. Лебедева Л.Д. Практика арт-терапии: подходы, диагностика, система занятий. / СПб.: Речь, 2003. –С. 256.
7. Медведева Е.А., Левченко И.У., Комиссарова Л.Н., Добровольская Т.А. Арт-педагогика и арт-терапия в специальном образовании: Учебник для вузов. - М.: «Академия», 2011. –С. 248.

REZYUME. Mazkur maqolada ta'lim jarayonida Art pedagogik yondashuv ahamiyati va mazmuni bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье излагается значение и содержание арт-педагогического подхода в образовательном процессе.

SUMMARY. This article describes the meaning and content of the art pedagogical approach in the educational process.

МОДЕЛЬ ДИАГНОСТИКИ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ И В УНИВЕРСИТЕТЕ

С.К.Каипова – соискатель

Каракалтакский государственный университет имени Бердаха

П.Далиева – преподаватель

Академический лицей Каракалтакского государственного университета

Таянч сўзлар: ўқув жараёни, кузатиш, диагностика, таълим тизими, олий таълим, педагогика коллеж.

Ключевые слова: образовательный процесс, наблюдение, диагностика, система образования, высшее образование, педагогический колледж.

Key words: educational process, observation, diagnosis, educational system, higher education, pedagogic college.

Введение. Сегодня организация и анализа процесса диагностики в профессиональном образовании имеет большое значение. Целью концепции модернизации системы образования в Узбекистане является создание интегрированной системы высшего образования,

основанной на единых принципах организации и стандартах качества. Полноценная реализация образовательного процесса требует постоянного наблюдения, диагностики, прогнозирования и своевременной коррекции развития событий в нужном направлении. В данном

контексте диагностика используется как система постоянного наблюдения за развитием и эффективностью образовательного процесса с целью получения объективной информации о выполнении образовательных стандартов в учебном заведении.

По мнению М.Поташника, диагностика вузов активно внедряется и развивается как способ оценки качества образования. Однако полностью оценить качество образования в вузах практически невозможно. Это связано с тем, что при оценке программ приходится учитывать ограниченные и отдаленные результаты. Вместо этого, более простой подход заключается в оценке основополагающих процессов обучения и фактических результатов обучения [9].

Для того чтобы диагностика внесла существенный вклад в качество обучения студентов и была реализована как целостная система деятельности, необходимо разработать "модель". На наш взгляд, такой "моделью" является качественная методология обучения сотрудников университета, использующая в качестве инструмента образовательной диагностики. Интегрированная система функций образовательной диагностики может быть представлена объединением трех компонентов: структурирования процесса, структурирования системы и структурирования служб образовательной диагностики, гарантирующих качество процесса. Система начинает функционировать только при наличии этих трех компонентов» [2].

Педагогические вузы и университеты могут управлять системой обучения, регулярно контролируя преподавание и обучение, отслеживая, адаптируя и прогнозируя развитие студентов. Поскольку студенты проводят большую часть времени в учебных заведениях, преподавателям вузов необходимо учитывать особенности обучения студентов. Финансирование играет важную роль в этом отношении. Современные технологии требуют оборудования, лабораторий и всего остального, необходимого для учебного процесса.

Включение новых научных концепций в учебную программу требует от преподавателей глубокого изучения и освоения темы. Это требует не только анализа истории исследований и знания последних достижений науки и техники, но и умения предвидеть вопросы учащихся, прогнозировать ответы и разрабатывать убедительные аргументы. Этот процесс начинается с подготовки учебного материала.

Преподавателям необходимо полностью понять суть научной проблемы, определить, является ли новое знание частным случаем более общей проблемы, и соотнести новые

понятия с уже имеющимися у студентов знаниями.

Включение новых научных концепций в учебную программу требует от преподавателей глубокого изучения материала и превращения в экспертов в этой области. Это означает не только анализировать историю исследований и быть в курсе последних достижений науки и техники, но и превосходить вопросы студентов, заранее искать ответы и разрабатывать убедительные аргументы. Этот процесс начинается с разработки учебных материалов. Преподавателям необходимо понимать природу научных проблем, определять, являются ли новые открытия частными случаями более общих проблем, и соотносить новые концепции с имеющимися у студентов знаниями.

Для того чтобы преподавать разнообразные темы на уроках английского языка, учителю важно заранее продумать, какие материалы и ресурсы он будет использовать и какие примеры приводить. Выбор и использование этих материалов зависит от их эффективности. Например, технические средства обучения (ТСО) можно использовать как на занятиях, так и для самостоятельного изучения. Это связано с тем, что изучающие английский язык обычно знают, где применить свои знания и навыки. Презентации, тренажеры, программное обеспечение и электронные учебные материалы могут быть использованы в различных образовательных целях. Например, уровень преподавания английского языка может сильно варьироваться в зависимости от методов преподавания и психологических представлений учащихся. Также важны общие концепции и идеи, которые лежат в основе преподавания языка в вузах. Поэтому трудно создать универсальный ТСО, который подходил бы всем студентам и передавал одну и ту же информацию.

Выбор условий и методов, необходимых для передачи новых научных знаний студентам, не вовлеченным в процесс обучения, создает дополнительные трудности, поскольку для полного понимания требуется базовый уровень знаний. В таких случаях целесообразно использовать набор наглядных пособий, например, презентаций, которые наглядно показывают логическую последовательность от развития научных знаний до получения новых результатов и подчеркивают важность научных знаний и методов.

Однако возникает другая проблема. Базовые знания, необходимые для понимания нового материала, часто приобретаются в общеобразовательных учреждениях, а не в вузах. Студенты концентрируются на предметах, которые являются неотъемлемой частью их основного вузовского образования.

Другие научные знания приобретаются лишь поверхностно или фрагментарно и не формируют целостного научного взгляда на мир. В результате преподавателям вузов приходится начинать с объяснения своих знаний по соответствующим дисциплинам, что занимает много времени и снижает качество учебного процесса. Лингвисты отмечают, что основу преподавания языка составляют монологи, диалоги и предложения, а многие понятия и важные определения для расширения словарного запаса лишены логической последовательности.

Вузовские программы должны подчеркивать важность диагностики высшего образования и готовить педагогов для этой цели. Следует подчеркнуть, что образовательная диагностика включает диагностический анализ, оценку и прогнозирование состояния образовательного процесса, а также отслеживание прогресса, результатов и ожиданий. План диагностического образования представлен на рисунке 2.5. (на основании педагогической диагностики в школе и вузе).




Рис.2.5.Схема педагогической диагностики

По схеме видно, педагогическая диагностика в вузе тесно связана со школьным, про этом в школе особое внимание уделяется месту диагностики в педагогическом процессе, функциям педагогической диагностики (информационной, оценочной, корректирующей), педагогическому прогнозированию, методам и содержанию изучения учащихся, уровням его воспитанности, развития и образованности. Весь процесс происходит в тесном сотрудничестве учащихся со школьным психологом, учителем-предметником и классным руководителем.

Заключение. В статье рассмотрены и представлены структурно-методическая модель организации диагностики в педагогическом вузе и университете. Показатели финансовой устойчивости направлены на мониторинг финансового и жизнеспособности учебных заведений, Показатель удовлетворенности индивидуальным обучением отражает предоставление обучения на различных квалификационных уровнях, профессиональную дифференциацию, персонализацию карьеры и Основой внутренней диагностики является децентрализованное измерение процессов развития и характеристик организации. Такая диагностика является комплексным инструментом для обеспечения высокого качества, управления положительной динамикой и, при необходимости, своевременного предотвращения нежелательных ситуаций. Внешняя диагностика проводится в основном образовательными учреждениями и независимыми профессиональными организациями и предоставляет надежную и статистически значимую информацию.

Литература

1. Вильданов И.Э., Абитов Р.Н. Подготовка конкурентоспособного специалиста в условиях применения технологии концентрированного обучения // Взаимосвязь профессионального образования, бизнеса и производства как фактор подготовки конкурентоспособного специалиста: Материалы Международной научно-практической конференции (г. Казань, 10 апреля 2008 года) / Под ред. Е.А.Корчагина, Р.С.Сафина. –Казань: КГСАУ, 2008. –С. 78.
2. Вискова Т.А. Организационная модель педагогического мониторинга учебного процесса в вузе / Т.А. Вискова, Т.В. Лодкина // Вузская наука – региону: Материалы десятой всероссийской научно-технической конференции. – Вологда: 2012. Т. 2. -С. 136-139.
3. Виштак О.В., Штырова И.А. Автоматизация мониторинга качества в системе дополнительного профессионального образования // Научное обозрение. Педагогические науки. 2017. № 5. -С. 14-17. URL: <https://science-pedagogy.ru/ru/article/view?id=1661> (дата обращения: 29.05.2023).
4. Возняк И., Узянова И., Лебедева С., Сафонова Н., Симонова Е., Кудрикова Д., Лукашова И., Богданова О., Родченко О. Система психологического сопровождения образовательного процесса в условиях введения ФГОС. Планирование. Документация. Мониторинг. Учет и отчетность. – Волгоград: Учитель, ИП Гринин Л.Е., 2015. –С. 240.
5. Волков П.Б., Наговицын Р.С. Варианты диагностики ключевых компетенций студентов педагогических специальностей при оценке результатов обучения // Непрерывное образование: XXI век. Научный электронный журнал. 2017. 4 (20). URL: <http://il21.petsu.ru/journal/article.php?id=3725> (дата обращения: 18.06.2018).
6. Выготский Л.С. История развития высших психических функций. // Собр. соч.: В 6 т. Том 3. - М.: Педагогика, 2003. – С.368.
7. Горб В.Г. Педагогический мониторинг в вузе: методология, теория, технологии. – Екатеринбург: Изд-во Урал, ун-та, 2003. –С. 387.
8. Горб В.Г. Технологические аспекты педагогического мониторинга взаимоотношений субъектов образовательной деятельности в вузе. Стандарты и мониторинг в образовании. 2003. -С. 46 – 52.
9. Поташник М.М. Управление качеством образования. –М.: Педагогическое общество России 2000. – С. 448.

РЕЗЮМЕ. Мақолада олий таълим муассасаларида диагностикани ташкил этишининг таркибий ва услубий модели кўриб чиқилади ва тақдим этилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассмотрены и представлены структурно-методическая модель организации диагностики в высших учебных заведениях.

SUMMARY. The article examines and presents a structural and methodological model for organizing diagnostics in a higher education establishment.

JISMONIY TARBIYA VA SPORT DARSLARIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR: ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

B.B.Karimov – dotsent

Iqtisodiyot va pedagogika universiteti

Tayanch soʻzlar: jismoniy tarbiya, sport, pedagogik texnologiyalar, interaktiv metodlar, zamonaviy yondashuvlar, multimedia vositalari, differensial yondashuv.

Ключевые слова: физическая культура, спорт, педагогические технологии, интерактивные методы, современные подходы, мультимедиа, дифференцированный подход.

Key words: physical education, sports, pedagogical technologies, interactive methods, modern approaches, multimedia, differentiated approach.

Kirish. Bugungi kunda taʼlim jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jismoniy tarbiya va sport darslari bu jarayonning ajralmas qismi boʻlib, zamonaviy pedagogik texnologiyalar orqali ularni samarali va qiziqarli qilish imkoniyati mavjud. Ushbu maqolada zamonaviy texnologiyalarning jismoniy tarbiya darslaridagi ahamiyati va qoʻllash yoʻnalishlari tahlil qilinadi.

Bugungi kunda taʼlim sohasida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qoʻllash dolzarb masala hisoblanadi. Ayniqsa, jismoniy tarbiya va sport darslarida ushbu yondashuvlar oʻquvchilarning nafaqat jismoniy rivojlanishini, balki ularning intellektual va ijtimoiy qobiliyatlarini rivojlantirishga ham xizmat qiladi. Ushbu maqolada jismoniy tarbiya darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning asosiy yoʻnalishlari va ahamiyati yoritiladi.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Pedagogik texnologiyalar taʼlim jarayonini optimallashtirishga yoʻnaltirilgan usullar va vositalar yigʻindisidir. Ular oʻquvchilarning individual qobiliyatlarini hisobga olib, taʼlim sifatini oshirishga qaratilgan [1:22]. Jismoniy tarbiya darslarida zamonaviy texnologiyalar quyidagi jihatlarida muhim ahamiyat kasb etadi:

1. Interaktiv metodlar: Oʻyinli mashgʻulotlar, guruhlarda ishlash, rolly oʻyinlar orqali oʻquvchilarning qiziqishini oshirish.

2. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari: Mobil ilovalar, video darsliklar va virtual simulyatsiyalardan foydalanish orqali darslarni yanada samarali qilish.

3. Individuallashtirish: Har bir oʻquvchining jismoniy tayyorgarlik darajasini hisobga olib, mos dasturlarni ishlab chiqish.

Jismoniy tarbiya va sport darslarida oʻqitish uslublarini mujassamlashtirgan holda, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qoʻllash samaradorligini oshirish metodi va vositalari. Hozirgi kunda barcha pedagoglar singari jismoniy tarbiya oʻqituvchilariga ham darslarni zamonaviy pedagogik talablar asosida

tashkil etish, darsga innovatsion yondashuvni, oʻquvchilarni mustaqil fikrlashga oʻrgatishni dars davomida shakllantirish kabi ilgʻor pedagogik texnologiyalardan foydalanishni talab etadi [2:112].

Interfaol metod – taʼlim jarayonida oʻquvchilar hamda oʻqituvchi oʻrtasidagi faollikni oshirish orqali oʻquvchilarni jismoniy tarbiya va sport mashgʻulotlarida, bilimlarni oʻzlashtirishini faollashtirish, shaxsiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Oʻqitish usullarining oʻquvchilar talabiga mos kelishini aniqlashda oʻqituvchi oʻz dasturining quyidagi oltita asosiy tarkibiy qismini hisobga olishi zarur [3:84]:

1. Rejalashtirish
2. Imkoniyat va sharoitlar
3. Uslublar
4. Faoliyatlar
5. Teskari aloqa
6. Nazorat

Oʻqitish uslubini aniqlash yoʻllaridan biri bu yuqorida keltirilgan oltita omilning har biriga tegishli boʻlgan savollar roʻyxatini tuzishdir. Taʼkidlash joizki, har bir tarkibiy qism talablarining toʻliq bajari-lishini taʼminlash hamda unga amal qilish tanlangan oʻqitish uslubining samaradorligini oshiradi [4:51].

Rejalashtirish;

Oʻqitish uslubi quyidagilarni oʻz ichiga oladi, yaʼni:

- malakalar va koʻzlangan asosiy maqsadlar tahlili;
- guruh tarkibi;
- zarur boʻlgan malakalar;
- oʻrganilishi lozim boʻlgan fanlar;
- oʻrganishga ruhlaniruvchi omillar;
- oʻrganish turlari va imkoniyatlari;
- oʻquv materiallari va uning zamonga mosligi;

muammolarni aniqlash va yechimlarni topishda tajribalarni umumlashtirish zarurati;

– oʻquv materialini taqdim etish usullariga boʻlgan ehtiyoj; Oʻqitish uchun quyidagi sharoitlar mavjud boʻlishi zarur:

- oʻquv xonalari;
- oʻquv qurollari;

- audio-video materiallari;
- turli model va jihozlar;
- amaliy mashg'ulotlar uchun namunaviy qurollar;
- mavzuga oid topshiriq va vazifalar;
- guruh bo'lib yoki yakka tartibda o'qitish uslublari; – baholash materiallari. Uslublar [5:111];

O'qituvchi quyidagi o'qitish uslublari xabardor bo'lishi kerak:

- ishini bajarish bo'yicha ko'rsatmalar berib, o'qitish;
- maxsus kompyuter dasturlari yordamida o'qitish;
- ma'ruza qilib, o'qitish;
- namoyish qilish va tajriba o'tkazish;
- loyiha asosida ishlash;
- algoritm va turli tahlil uslublari foydalanish;
- holatni o'rganish;
- rol o'ynash, muhokama qilish va rag'batlan-tirish mashg'ulotlari; – kompyuter yordamida o'qitish.

O'qitishning quyidagi qaysi bir uslubini qo'llash orqali eng yaxshi natijaga erishish mumkin?

- ma'ruza;
- mustaqil ish o'tkazish;
- tinglovchilar talabiga asoslangan o'qitish;
- yakka tartibda o'qitish;
- mehnat tajribasini o'rnatish imkoniyatini yaratish.
- o'qituvchining faqat bilimlarni tarqatuvchi bo'lib qolmay, balki bu bilimlarni tinglovchi o'zlash-tiradigan qilib yetkazib beruvchi bo'la olishi;
- baholash tizimini tashkil etish; – o'qituvchilar bilan tinglovchilar orasidagi teskari aloqani tez o'rnatish [6].

Yuqorida aniqlangan mezonlar asosida mos keladigan o'qitish va o'rgatish dasturini ishlab chiqish uchun o'qituvchi quyidagilarga qodir bo'lishi lozim: – haqiqatda mavjud o'rgatish malakalariga ega bo'lish;

– o'quvchilarning bilim darajasini baholash uchun o'rnatilgan me'yorlarni aniqlash mezonini tushuntirib berish;

– o'quvchilarga o'qitish uslublari mosligini aniqlash.

Jismoniy tarbiya darslarida qo'llash usullari

1. O'yin texnologiyalari:

O'yinlar orqali ta'lim berish nafaqat qiziqarli, balki samarali hamdir. Misol uchun, sport o'yinlarida strategik fikrlash va tezkor qaror qabul qilish qobiliyatlari rivojlanadi. Shu bilan birga, jamoaviy ishlash va liderlik ko'nikmalari shakllanadi.

2. Multimedia vositalari:

Dars jarayonida videomateriallar, interaktiv doskalar va mobil ilovalardan foydalanish orqali o'quvchilarni darsga jalb etish mumkin. Misol uchun, futbol yoki basketbolning texnikasi va taktikasi haqidagi videolarni tomosha qilish natijasida nazariy va amaliy bilimlar mustahkamlanadi.

3. Differensial yondashuv:

O'quvchilarning yoshi, jismoniy imkoniyatlari va qiziqishlarini hisobga olgan holda mashg'ulot dasturlarini tuzish, ularni yanada samarali o'zlashtirishga yordam beradi. Bu usul bilan ortiqcha jismoniy yuklanishning oldi olinadi [7:15].

Amaliy natijalar:

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash jismoniy tarbiya va sport darslarining samaradorligini oshiradi. O'quvchilar o'z qobiliyatlarini to'liq namoyon eta olish imkoniga ega bo'ladilar. Natijada, ular nafaqat sog'lom turmush tarziga intilishni, balki sport orqali muloqot va jamoada ishlash qobiliyatlarini rivojlantiradilar.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning mohiyati

Pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonini optimallashtirishga yo'naltirilgan usullar va vositalar yig'indisidir. Ular o'quvchilarning individual qobiliyatlarini hisobga olib, ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan [8:27]. Jismoniy tarbiya darslarida zamonaviy texnologiyalar quyidagi jihatlarda muhim ahamiyat kasb etadi:

1. **Interaktiv metodlar:** O'yinli mashg'ulotlar, guruhlarda ishlash, rolli o'yinlar orqali o'quvchilarning qiziqishini oshirish.

2. **Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari:** Mobil ilovalar, video darsliklar va virtual simulyatsiyalardan foydalanish orqali darslarni yanada samarali qilish.

3. **Indivduallashtirish:** Har bir o'quvchining jismoniy tayyorgarlik darajasini hisobga olib, mos dasturlarni ishlab chiqish.

Jismoniy tarbiya darslarida qo'llash usullari:

O'yinlar orqali ta'lim berish nafaqat qiziqarli, balki samarali hamdir. Misol uchun, sport o'yinlarida strategik fikrlash va tezkor qaror qabul qilish qobiliyatlari rivojlanadi. Shu bilan birga, jamoaviy ishlash va liderlik ko'nikmalari shakllanadi.

Dars jarayonida videomateriallar, interaktiv doskalar va mobil ilovalardan foydalanish orqali o'quvchilarni darsga jalb etish mumkin. Misol uchun, futbol yoki basketbolning texnikasi va taktikasi haqidagi videolarni tomosha qilish natijasida nazariy va amaliy bilimlar mustahkamlanadi [9:41].

O'quvchilarning yoshi, jismoniy imkoniyatlari va qiziqishlarini hisobga olgan holda mashg'ulot dasturlarini tuzish, ularni yanada samarali o'zlashtirishga yordam beradi. Bu usul bilan ortiqcha jismoniy yuklanishning oldi olinadi.

Xulosa. Jismoniy tarbiya va sport darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta'lim jarayonining sifatini oshirishda muhim omil hisoblanadi. Bu jarayonni muvaffaqiyatli tashkil etish uchun o'qituvchilar doimiy ravishda yangi texnologiyalarni o'rganib, o'quv jarayoniga integratsiya qilishlari lozim. Shunday yondashuv orqali jismoniy tarbiya darslari nafaqat foydali, balki qiziqarli ham bo'lishi ta'minlanadi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash jismoniy tarbiya va sport darslarining samaradorligini oshiradi. O'quvchilar o'z qobiliyatlarini to'liq namoyon eta olish imkoniga ega bo'ladilar. Natijada, ular nafaqat sog'lom turmush tarziga intilishni, balki sport orqali muloqot va jamoada ishlash qobiliyatlarini rivojlantiradilar.

Adabiyotlar

1. Karimov F. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. -Toshkent: «Fan», 2020.
2. Yusupov A. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar asoslari. -Toshkent: «O'zbekiston», 2018.
3. Qodirov M. Sport mashg'ulotlarini tashkil etish. -Toshkent: «Sharq», 2019.
4. Norboev S. Jismoniy tarbiya darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanish. -Toshkent: «Ilm ziyo», 2021.
5. Abdullayev N. Ta'limda innovatsion yondashuvlar. -Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2017.
6. Mirzakarimov Yu.A. Jismoniy tarbiya va sport darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning jihatlari. // Orienss. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/jismoniy-tarbiya-va-sport-darslarida-zamonaviy-pedagogik-texnologiyalardan-foydalanishning-jihatlari> (дата обращения: 15.01.2025).
7. Piraxunova F.N., Nazirov A.X. O'qitishning yangi pedagogik texnologiyalari. Uslubiy qo'llanma. -T.: «Iqtisod-moliya» 2008, 3-48-b.
8. Бордовская Н.В. Диалектика педагогического Исследования. -Москва: СПб: Изд-во РХГИ, 2001.
9. Левина М. Технологии профессионального педагогического образования. -Москва: «Академия», 2001.
10. Karimov B.B. Shug'ullanuvchi sportchilar (o'quvchi, bolalar) shaxsining psixologik muammolari. //Academic research in educational sciences. 2021.-T. 2. №. 4. -C. 613-622.
11. Karimov B.B., Norov O.T. Scientometrics in sports. // Web of scientist: International scientific reserch jornal. Volume 3, Issue 4, April., 2022.

REZYUME. Ushbu maqolada jismoniy tarbiya va sport darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi, ularning asosiy tamoyillari va ahamiyati yoritilgan. Interaktiv metodlar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va individuallashtirilgan yondashuvlar yordamida darslarni samarali tashkil etish yo'llari ko'rsatilgan. Mazkur yondashuvlar nafaqat o'quvchilarning jismoniy rivojlanishiga, balki ularning intellektual va ijtimoiy ko'nikmalarini rivojlantirishga ham xizmat qiladi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается использование современных педагогических технологий на уроках физической культуры и спорта, их основные принципы и значение. Показаны пути эффективной организации занятий с использованием интерактивных методов, информационно-коммуникационных технологий и индивидуализированного подхода. Эти подходы способствуют не только физическому развитию учащихся, но и развитию их интеллектуальных и социальных навыков.

SUMMARY. This article examines the application of modern pedagogical technologies in physical education and sports lessons, highlighting their key principles and significance. It presents methods for organizing effective classes using interactive techniques, information and communication technologies, and individualized approaches. These methods contribute not only to students' physical development but also to the enhancement of their intellectual and social skills.

ZAMONAVIY RAQAMLI O'QUV-METODIK TA'MINOTNING TARKIBI

A.Kenesbayev – *assistent o'qituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayansh so'zlar: interaktiv vositalar, raqamli ta'lim, o'quv-metodik ta'minot, multimedia, informatika, innovatsiya, raqamlashtirish, chat platformalari.

Ключевые слова: интерактивные инструменты, цифровое образование, учебно-методическая поддержка, мультимедиа, информатика, инновации, цифровизация, чат-платформы.

Key words: interactive tools, digital education, educational and methodological support, multimedia, informatics, innovation, digitalization, chat platforms.

Bugungi kunda ta'lim jarayonlarini modernizatsiya qilishda raqamli o'quv-metodik ta'minot muhim o'rin tutadi. Bunday resurslar nafaqat ta'lim sifatini yaxshilashga, balki o'quvchilarning mustaqil ishlash qobiliyatlarini rivojlantirishga ham xizmat qiladi. Mazkur maqolaning maqsadi - zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minotning tarkibiy qismlarini tahlil qilish va ularning samaradorligini oshirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqotning ahamiyatli tomoni shundaki ishlab chiqilgan o'quv-metodik ta'minot qoraqalpoq va o'zbek tillarida ishlab chiqilgan.

O'quv-metodik ta'minot yaratish va takomillashtirish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar respublikamizda ham, xorijda ham keng qamrovli tadqiqotlar olib borilayotgan sohalaridan biridir. Quyida ushbu yo'nalishda faoliyat yuritgan ayrim olimlar va ularning tadqiqotlari, shuningdek, kamchiliklari haqida ma'lumot berilgan:

Respublikamiz olimlaridan.

X.Mirzaxmedov. *Tadqiqot sohasi:* Elektron ta'lim muhitida o'quv-metodik ta'minotlarni yaratish va ulardan foydalanish.

Yutuqlari: O'quv jarayonini avtomatlashtirish uchun elektron o'quv qo'llanmalarni yaratish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqqan. Shuningdek, ta'lim jarayonida interaktiv dasturlarni qo'llash muhimligini ta'kidlagan.

Kamchiliklari: Ba'zi ishlanmalar texnik imkoniyatlar va infratuzilma yetarli bo'lmagan hududlarda tatbiq etishda qiyinchiliklarga duch keladi.

G.Karimova. *Tadqiqot sohasi:* Ta'limda multimedia texnologiyalaridan foydalanib, o'quv-metodik ta'minotlarni shakllantirish.

Yutuqlari: Multimedia resurslari orqali o'quv jarayonini qiziqarli va samarali qilishga oid metodikalar ishlab chiqqan.

Kamchiliklari: Multimedia resurslari yuqori texnik

talablarga ega bo'lib, ko'pgina maktablar yoki oliy ta'lim muassasalari uchun qo'llash qiyin bo'lishi mumkin.

N.Toshpo'latova. *Tadqiqot sohasi*: O'zbek tilida o'quv-metodik qo'llanmalar yaratish va ularning ta'limdagi o'rini tahlil qilish.

Yutuqlari: Mahalliy sharoitga mos va milliy o'ziga xosliklarni aks ettiruvchi o'quv resurslari yaratgan.

Kamchiliklari: Zamonaviy xorijiy tajribalarni integratsiya qilish yetarli darajada amalga oshirilmagan.

Xorijiy olimlar

John Biggs (Avstraliya). *Tadqiqot sohasi*: "Constructive alignment" modeli asosida ta'lim jarayonlarini rejalashtirish va o'quv-metodik materiallarni yaratish.

Yutuqlari: Talabani bilim olish jarayonini faol o'yinlarga va loyihalarga asoslash orqali interaktivlikni oshirgan.

Kamchiliklari: Modelning barcha bosqichlarini amalga oshirish uchun ko'p vaqt va resurs talab etilishi tanqid qilingan.

Donald A.Norman (AQSh). *Tadqiqot sohasi*: Ta'limda foydalanuvchi tajribasiga asoslangan metodikalarni yaratish.

Yutuqlari: O'quv resurslarining qulay va foydalanishga oson bo'lishi uchun dizayn va interfeys bo'yicha muhim tavsiyalar ishlab chiqqan.

Kamchiliklari: Ishlanmalari asosan rivojlangan mamlakatlarning texnologik imkoniyatlariga moslashgan bo'lib, rivojlanayotgan mamlakatlar uchun cheklangan.

Mikko Vesisenaho (Finlyandiya). *Tadqiqot sohasi*: Raqamli ta'lim tizimlarida o'quv-metodik ta'minotni rivojlantirish.

Yutuqlari: Elektron ta'lim platformalarining ta'lim sifatiga ta'sirini o'rgangan.

Kamchiliklari: Ishlari asosan Finlyandiyaning ta'lim modeli bilan cheklangan va boshqa mamlakatlarda moslashtirish qiyin bo'lishi mumkin.

Mazkur tadqiqotchilar tomonidan o'quv-metodik ta'minotlarni yaratish va takomillashtirishga qaratilgan ko'plab amaliy ishlanmalar amalga oshirilgan. Biroq ularning ko'pchiligi mahalliy sharoitlar va infratuzilma bilan bog'liq cheklavlarga moslashishda qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Respublika olimlari tadqiqotlari mahalliy sharoitlarni yaxshiroq aks ettirsa, xorijiy olimlar ilg'or texnologiyalarni joriy qilishda ko'proq tajribaga ega. Shu bois, milliy va xorijiy tajribalarni uyg'unlashtirish ushbu yo'nalishdagi muammolarni hal qilishda muhim ahamiyatga ega.

Tadqiqot usullari. Maqola tayyorlashda quyidagi usullar qo'llanildi:

- Nazariy adabiyotlarni o'rganish;
- Raqamli ta'lim muhitlarini tahlil qilish;
- Amaliyotdan misollar keltirish.


Tahlil davomida raqamli resurslarning tarkibi, ulardagi interaktiv vositalar, multimedia materiallarining samaradorligi baholandi [1].

Natijalar. O'quv-metodik ta'minot tarkibining asosiy qismlari jadval ko'rinishida taqdim etilgan:


№	Tarkibiy qism	Izoh
1	Kirish	O'quv kursining maqsadi, vazifalari va dolzarbligini izohlaydi.
2	Tushuntirish xati	O'quv dasturining asosiy mazmuni va o'quv jarayonini tashkil etish tartibi.
3	Taqvim-mavzu rejasi	O'quv kursining mavzulari, ularning muddatlari va mavzularni taqsimlash rejasi.
4	Dars ishlanmalari	Har bir mavzu bo'yicha dars rejalari, usullar va o'quv materiallari.
5	Nazariy materiallar	Dars davomida foydalaniladigan asosiy nazariy bilimlar.
6	Amaliy mashg'ulotlar	Talabalar uchun topshiriqlar, amaliy vazifalar yoki laboratoriya ishlarining tavsifi.
7	Didaktik materiallar	O'quvchilar bilimini baholash uchun testlar, savollar, va targatma materiallar.
8	Elektron resurslar	Elektron qo'llanmalar, slaydlar, videodarslar yoki boshqa multimedia materiallari.
9	Mustaqil ish uchun materiallar	Talabalarning mustaqil ishlashi uchun beriladigan nazariy va amaliy materiallar.
10	Baholash mezonlari	Talabalarning bilim va ko'nikmalarini baholash tartibi va mezonlari.
11	Qo'shimcha adabiyotlar	Mavzu bo'yicha foydalaniladigan asosiy va qo'shimcha manbalar ro'yxati.

Jadval o'quv-metodik ta'minotni tuzishda va mazmunini to'liq aks ettirishda yordam beradi. Har bir qism o'quvchilar va o'qituvchilar uchun ta'lim jarayonini samarali tashkil etishga qaratilgan [2].

Shu bilan birga tadqiqot jarayonida o'quv-metodik ta'minot tarkibini o'rgangan holda umumta'lim maktablari 8-sinf o'quvchilari uchun informatika va axborot texnologiyalari fanidan davlat ta'lim standartlari asosida Webta'lim-zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minoti ishlab chiqildi. O'quv-metodik ta'minot quyidagi asosiy komponentlardan iborat:



Asosiy sahifa



Modullar bo'limi

Webta'lim – platformasida o'quvchilar o'qituvchi ko'magisiz darslarni o'rganishi mumkin. Platformada ma'ruza materiallari, taqdimotlar, amaliy topshiriqlar, video darslar, glossariy va test topshiriqlari joylashgan. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, interaktiv vositalar va multimedia resurslardan foydalanish o'quvchilarni yanada faol ishtirok etishga undaydi.

Muhokama. Zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minotning samaradorligi ko'p jihatdan uning tarkibiga bog'liq. Ushbu komponentlar yaxshi integratsiya qilinganida, ular ta'lim jarayonini sezilarli darajada yaxshilaydi. Shuningdek, foydalanuvchi interfeysining qulayligi va resurslarning mobil moslashuvchanligi ham muhim ahamiyatga ega.

Multimedia resurslar va interaktiv vositalarning kombinatsiyasi ta'limning yanada qiziqarli va samarali bo'lishiga xizmat qiladi. O'quvchilarning har xil o'rganish uslublariga moslashish uchun multimedia materiallarini turli formatlarda taqdim etish zarur. Bu ayniqsa masofaviy ta'lim jarayonlarida juda muhim, chunki o'quvchilar turli texnik vositalardan foydalanadi va ularning resurslarga kirish imkoniyati farq qiladi [3].

Multimedia (lotincha “multi” - ko'p, “media” - vosita) - bu bir vaqtning o'zida bir nechta axborot turlarini (matn, grafika, audio, video, animatsiya) ishlatib, taqdimot, o'quv materiallari yoki boshqa turdagi axborotlarni yetkazish usuli hisoblanadi. Multimedaning asosiy vazifasi - axborotni turli shakllarda kombinatsiyalab, uni foydalanuvchi uchun tushunarli va o'zaro faol shaklda yetkazish hisoblanadi.

Multimedia zamonaviy hayotning deyarli barcha sohalarida, jumladan, ta'lim, ko'ngilochar soha, marketing, tibbiyot, texnologiya va boshqa ko'plab sohalarida qo'llaniladi.

Raqamli baholashning mohiyati.

Raqamli baholash - bu maxsus dasturiy ta'minot, onlayn platformalar yoki mobil ilovalar orqali o'quvchilarning bilimlarini sinovdan o'tkazish jarayoni. Ushbu baholash usuli testlar, viktorinalar, interaktiv topshiriqlar, esse baholash kabi shakllarda amalga oshirilishi mumkin.

Asosiy maqsadlar.

- O'quvchilarning mavzuni o'zlashtirish darajasini aniqlash.
- Ta'lim jarayonining samaradorligini baholash.
- Natijalarni tezkor va xolis tahlil qilish.

Raqamli baholashda foydalaniladigan platformalar va dasturlar.

Google Forms - Test va so'rovnomalar yaratish uchun qulay vosita.

Moodle – Raqamli ta'lim muhitini boshqarish tizimi.

Edmodo - O'qituvchi va o'quvchilar o'rtasida aloqa va baholashni tashkil etish uchun platforma.

Kahoot – Interaktiv test va viktorinalar uchun.

Microsoft Teams – Baholash va ta'lim jarayonini tashkil etish uchun keng qamrovli vosita.

Raqamli shaklda bilimlarni baholash - zamonaviy ta'lim tizimining ajralmas qismi hisoblanadi. Ushbu usulning afzalliklari ta'lim jarayonini sifatli tashkil etish, o'quvchilarning bilim darajasini xolis va aniq baholash imkonini beradi. Zamonaviy texnologiyalarni to'g'ri tanlash va qo'llash orqali ushbu tizimdan samarali foydalanish ta'lim sifati va natijalarini sezilarli darajada yaxshilaydi.

Raqamli ta'lim muhitida o'quv-metodik ta'minot ishlab chiqishda mualliflarning pedagogik va texnik bilimlari yetarli bo'lishi kerak. Ta'lim resurslarini yaratishda sifat nazorati mexanizmlarini joriy etish muhim ahamiyatga ega. Bu resurslarning foydalanuvchi talablariga mos kelishini ta'minlash uchun zarur.

Respublikamiz olimlari Xodjakbar Mirzaxmedov, Gulnora Karimova, Nodira Toshpo'latovalarning va xorijiy olimlardan John Biggs, Donald A. Norman, Mikko Vesisenaholarning tadqiqotlarida ishlab chiqilgan o'quv-metodik ta'minotlari o'rganib chiqildi va Webta'lim platformasini ishlab chiqish jarayonida keng foydalanildi [4].

O'quv-metodik ta'minotning kelajakdagi rivojlanish yo'nalishlari.

O'quv-metodik ta'minot bilan virtual reallik (VR) va kengaytirilgan reallik(AR) texnologiyalari yanada ommalashmoqda. Ular multimedia imkoniyatlarini yanada kengaytirib, foydalanuvchi uchun immersiv tajriba yaratadi.

Bu texnologiyalar, ayniqsa ta'lim va tibbiyotda yangi bosqichni boshlab berdi. Shuningdek, sun'iy intellekt bilan integratsiya qilingan multimedia texnologiyalari axborotni avtomatik ravishda ishlab chiqish va moslashtirish imkonini beradi.

Multimedia va raqamli texnologiyalar zamonaviy axborot kommunikatsiyalarining ajralmas qismiga aylandi. Ular axborotni taqdim qilish va uni o'zlashtirish jarayonlarini sezilarli darajada yengillashtirdi va samaradorligini oshirdi. Shu bois, multimedia texnologiyalarini chuqur o'rganish va ulardan foydalana olish bugungi kunda katta ahamiyat kasb etadi [5].

Bundan tashqari, o'quvchilarning bilimlarini baholash jarayonlarini avtomatlashtirish ularning muvaffaqiyatini kuzatishda muhim ahamiyatga ega. Avtomatik tizimlar orqali test natijalarini tez va aniq baholash, shuningdek, bilimdagi bo'shliqlarni aniqlash mumkin. Zamonaviy ta'limda raqamli vositalardan foydalanish o'quv jarayonini samarali tashkil etishning muhim yo'nalishlaridan biri.

Raqamli shaklda bilimlarni baholash - o'quvchilarning bilim darajasini tezkor, xolis va avtomatlashtirilgan tarzda aniqlash imkonini beruvchi texnologiyalar. Ushbu usul an'anaviy baholash usullariga nisbatan ko'plab afzalliklarga ega bo'lib, ta'lim sifati va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi [6].

Xulosa. Kelgusidagi tadqiqotlarda raqamli o'quv-metodik ta'minotning o'ziga xos xususiyatlarini chuqurroq o'rganish, yangi texnologiyalarning

ta'limdagi samaradorligini baholash, shuningdek, ularning didaktik imkoniyatlarini kengaytirish ustida ishlash tavsiya etiladi.

Zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minot ta'lim jarayonining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Ushbu maqolada ko'rsatilgan tarkibiy qismlar samaradorlikni oshirish uchun zarur elementlar sifatida ko'rib chiqiladi. Kelgusida bu yo'nalishda yanada chuqurroq tadqiqotlar olib borish lozim.

Adabiyotlar

1. Mirzaxmedov X. Elektron ta'lim muhitida o'quv-metodik ta'minotlarni yaratish va ulardan foydalanish. Ta'lim innovatsiyalari jurnali, 12(2), 34-40-b. 2018.
2. Karimova G. Ta'limda multimedia texnologiyalaridan foydalanib, o'quv-metodik ta'minotlarni shakllantirish. Pedagogika va innovatsiya tadqiqotlari, 5(4), 45-51-b. 2020.
3. Toshpo'latova N. O'zbek tilida o'quv-metodik qo'llanmalar yaratish va ularning ta'limdagi o'rnini tahlil qilish. Milliy ta'lim jurnali, 9(3), 22-30-b. 2017.
4. Biggs J. Enhancing teaching through constructive alignment. Higher Education, 32(3), -P. 347-364. 1996.
5. Norman D.A. Things That Make Us Smart: Defending Human Attributes in the Age of the Machine. Reading, MA: Addison-Wesley. 1993.
6. Vesisenaho M., Dillon P. Information and communication technology education in developing countries: Teacher training in context. International Journal of Education and Development using Information and Communication Technology, 9(2), -P. 48-64. 2013.

REZYUME. Ushbu maqolada zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minotning tarkibi, uning asosiy komponentlari va ulardan foydalanishning afzalliklari tahlil qilingan. Tadqiqotda raqamli resurslar orqali ta'lim sifati oshirish imkoniyatlari ko'rib chiqilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется состав современного цифрового учебно-методического обеспечения, его основные компоненты и преимущества их использования. В исследовании рассмотрены возможности повышения качества образования посредством цифровых ресурсов.

SUMMARY. This article analyzes the composition of modern digital educational and methodological support, its main components and the advantages of their use. The study considered the possibilities of improving the quality of education through digital resources.

AKMEOLOGIALIQ QATNAS TIYKARINDA BOLAJAQ OQITWSHILARDIN FUNKSIONALLIQ KOMPETENCIYASIN RAWAJLANDIRIW

B.Kunnazarova – tayanish doktorant

Ajiniyaz atindagi Nokis mamleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: texnologiya, ta'lim, tarbiya, intellekt, kompetentsiya, metod.

Ключевые слова: технология, образование, воспитание, интеллект, компетенция, метод.

Key words: technology, education, upbringing, intelligence, competence, method.

Kirisiw. Bolajaq oqıtıwshılardıń funktsional kompetenciyasın rawajlandırıw pedagog kadrlardı tayarlawdıń áhmiyetli bólegi bolıp, ulıwma tálim sapası oǵan baylanıslı. Búgingi jedel ózgerisler hám jańa qáwip-qáterlerge tolıp atırǵan bilimlendiriw procesinde bolajaq pedagoglardıń tek teoriyalıq bilimlerde emes, al olardı ámeliyatta nátiyjeli qollay alıw qábiletine de ayrıqsha itibar qaratılmaqta. Shaxs imkaniyatların maksimal dárejede júzege shıǵarıwǵa baǵdarlangan akmeologialıq qatnas usı kompetenciyalardı rawajlandırıwdıń nátiyjeli usıl hám strategiyaların beredi.

Dinamikalıq ózgerip atırǵan bilimlendiriw dúnyası, joqarı dárejedeги ilimiy-texnikalıq rawajlanıw hám sociallıq ózgerisler sharayatında bolajaq oqıtıwshılardı tayarlaw zamanagóy talaplardı juwap beretuǵın jańasha qatnastı talap etpekte. Bunday kózqaraslardan biri akmeologialıq, jeke hám kásiplik ósiwdi úylesimli birlestiriw arqalı professionallıqtı rawajlandırıwǵa qaratılǵan. Bul - bolajaq pedagoglardıń funktsional kompetenciyasın qalıplestiriwde tiykarǵı qural.

1. Bolajaq oqıtıwshılardıń funktsional kompetenciyası túsinigi. Funktsional kompetenciya, bul – kásiplik xızmet wazıypaların orınlawǵa tiyisli bilim, kónlikpe, jeke pazıyetler hám qábiletler jıyındısı. Pedagogikalıq kásip kontekstte ol tek ǵana bilimlerde jetkerip beriw qábileti emes, al oqıwshılardıń intellektuallıq, sociallıq hám emotsional rawajlanıwı ushın sharayatlar jaratıw qábiletin de óz ishine aladı. Bul bilimlendiriw procesin shólkemlestiriw, oqıwshılardıń hár qıylı kategoriyaları menen islesiw, zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardan nátiyjeli paydalanıw, sonday-aq, ózin-ózi jetilistiriw hám jeke ósiw qábiletlerin óz ishine aladı.

Solay etip, oqıtıwshıń funktsional kompetenciyası kóp qırlı bolıp, ózine tán kásiplik kónlikpelerdi (másele, oqıtıwdıń innovatsional usılların qollanıw kónlikpesi), sonday-aq, abstrakt táreplerdi (másele, jeke jetiklik hám kásiplik ósiwge tayarlıq) óz ishine aladı.

2. Funktsional kompetenciyanı rawajlandırıw tiykarı sıpatında akmeologialıq qatnas.

Akmeologiya – kásiplik iskerlik hám shaxs rawajlanıwında joqarı nátiyjelerge erisiw jolların úyreniwshi pán. Akmeologiyalıq kontekstte bolajaq oqıtıwshılardıń funkcionál kompetenciyasın rawajlandırıw shaxs ózin-ózi júzege shıǵarıw hám ózin-ózi jetilistiriw prizması arqalı kórip shıǵıladı.

Akmeologiyalıq qatnas tómendegi principlerge tiykarlanadı: [1:37].

Kámalǵa erisiw. Akmeologiya joqarı standartlarǵa, professionallıq hám jeke únleslik sheklerine erisiwge qaratadı. Jetik pedagoglardı tayarlawda bul olarda bilim, kónlikpe hám kásiplik pazıyletlerin turaqlı rawajlandırıwǵa umtılwıdı qalıplestiriwı anlatadı.

Kásiplik ósiwdiń dinamikalıǵı. Pedagogikalıq iskerlik – juwmaqıanǵan basqıshqa iye bolmaǵan turaqlı process. Akmeologiyalıq qatnas turaqlı kásiplik hám jeke rawajlanıw, jańa qáwip-qáterlerdi jeńip ótiw hám ózgerislerge beyimlesiw zárúrliǵın atap ótedi.

Qatnastıń kompleksiligi. Akmeologiya shaxsqa barlıq táreplerin rawajlandırıw – intellektual, emocional, etikalıq hám kásiplik – kásiptegi joqarı jetiskenliklerge alıp keletuǵın bir pútin bilimlendiriw sıpatında qaraydı.

Teoriyalıq bilim hám ámeliy kónlikpeler integraciyası. Pedagog teoriyalıq bilimlerde real ámeliyat penen integraciyalay alıwı, oqıwshılardıń talapları hám bilim beriw procesiniń hár qıylılıǵın esapqa alıwı, jańa metod hám texnologiyalardı engiziwge tayar bolıwı kerek.

3. Bolajaq oqıtıwshılardıń funkcionál kompetenciyasınıń tiykarǵı komponentleri.

Bolajaq oqıtıwshılardıń funkcionál kompetenciyasın tabıslı qalıplestiriw ushın tómendegi komponentlerde esapqa alıw zárúr, olardıń hár biri kásiplik tayarlıqtıń túrli basqıshlarında itibar qaratıwı talap etedi [2:83].

Kásiplik-teoriyalıq tayarlıq. Bul oqıtıwshınıń kelesi jumısınıń tiykarı bolıp esaplanadı. Ol pedagogikalıq teoriya, oqıtıw metodıkası, didaktikalıq principler hám psixologiyalıq biliwı óz ishine aladı. Bul jaǵdayda akmeologiyalıq qatnas studentlerde tek ǵana mexanikalıq túrde eslep qalıwǵa emes, al bilimlerde tereń túsiniw hám ózlestiriwge ruxlandıradı.

Kásiplik kónlikpe hám kónlikpeler. Olarǵa iye bolǵan bilimlerin ámeliyatta qollanıw, oqıtıwdıń túrli formaları hám usıllarınan paydalanıw, oqıwshılar, kásiplerler, ata-analar menen nátiyjeli birge islesiw qábileti kiredi. Bunday kónlikpelerdiń rawajlanıwı pedagogikalıq ámeliyatta, joybarlaw hám izertlew jumısında belsene qatnasıw arqalı támiyinlenedi.

Jeke qásiyetleri. Bul ózin-ózi tártipke salıw, empatiya, emocional turaqlılıq, jetilisenlikke umtılwı hám professionallıqqa uqıplılıq. Akmeologiyalıq qatnas bolajaq oqıtıwshıda ózin-ózi shólkemlestiriw, juwapkershilik, ózin-ózi tallaw hám refleksiya qábileti sıyaqlı pazıyletlerde qalıplestiriwdiń áhmiyetine itibar qaratadı.

Innovaciyalıq hám kreativlik. Bolajaq oqıtıwshı innovaciyalıq metod hám texnologiyalardı

qollanıwǵa, bilim beriw procesine sanlı qurallardı engiziwge, oqıw jumıslarınıń jańa túrlerin jaratıwǵa tayar bolıwı kerek. Akmeologiyalıq qatnasta pedagogikalıq wazıypalardı sheshiwge dóretiwshilik penen qatnas jasaw áhmiyetli.

4. Funkcionál kompetenciyanı rawajlandırıwǵa járdemlesetuǵın metod hám texnologiyalar [3:62].

Bolajaq oqıtıwshılardı tayarlawda akmeologiyalıq qatnastı nátiyjeli ámelge asırıw ushın funkcionál kompetenciyanı rawajlandırıwǵa járdem beretuǵın hár qıylı metodika hám qurallardan paydalanıladı.

Pedagogikalıq jaǵdaylardı modellestiriw hám talqılaw. Talabalar real hám gipotetiyalıq pedagogikalıq jaǵdaylardı talqılawǵa tartılwı múmkin, bul olarda belgisizlik sharayatında qarar qabıl etiw qábiletin, óz háreketlerin jaǵdayǵa qarap beyimlestire alıw qábiletin rawajlandırıwǵa járdem beredi. Bul nátiyjeli pedagogikalıq ámeliyat ushın zárúr bolǵan sın pikirlew hám ózgermelilikti rawajlandırıwǵa xızmet etedi.

Refleksiv ámeliyat. Akmeologiyalıq qatnas refleksiya – óz tájiriyesin túsiniw hám talqılaw procesinen aktiv paydalanıwı názerde tutadı. Refleksiya arqalı studentler óz is-háreketlerin analiz etiwge, jaqsılanıw jolların izlewge úyretiledi, sol arqalı olardıń kásiplik jetikligi hám kompetenciyası artadı.

Joybarlaw hám izertlew jumısı. Joybarlaw jumısların, ilimiy izertlewlerde shólkemlestiriw hám pedagogikalıq forumlarda qatnasıw talabalarda kreativlik, komandada islew, quramalı máselelerde sheshiw sıyaqlı kompetenciyalardı rawajlandırıw imkaniyatın beredi, sonday-aq, olardı qararlar qabıl etiwde óz betinshelikke alıp shıǵadı.

Informaciya-kommunikaciya texnologiyaları integraciyası. Keleshektegi oqıtıwshılar tálim procesinde jańa texnologiyalardan paydalanıwı ǵana bilmesten, al oqıtıw nátiyjeliligini arttırıw ushın olardı engize alıwı da áhmiyetli. Onlayn resurslar, sanlı platformalar hám multimedialıq qurallardan paydalanıw oqıtıwshılardıǵa jáne de jedel, interaktiv tálim ortalıǵın jaratıw imkaniyatın beredi.

5. Akmeologiyalıq qatnastıń oqıtıwshılardıń kásiplik hám jeke ósiwine tásiiri [4:33].

Akmeologiyalıq qatnas funkcionál kompetenciyanı qalıplestiriw procesinde tiykarǵı rol oynaydı, sebebi ol tek kásiptiń texnikalıq táreplerin úyretiw menen sheklenbeydi. Ol bolajaq oqıtıwshılar shaxsınıń barlıq táreplerin rawajlandırıwǵa baǵdarlama beredi, olarǵa tek ǵana jaqsı qánigeler emes, al jetilisiwge umtılwshı, joqarı kásiplik sheklerge erise alatuǵın hám óz jeke potencialın júzege shıǵara alatuǵın insanlar bolıwına járdem beredi.

Akmeologiyalıq tálim bolajaq pedagoglardı kásiplik avtonomiya, juwapkershilik hám jeke belsendilikke baǵdarlaydı. Bunday qatnas studentlerde tek ǵana bilim hám kónlikpeler emes, al ishki motivaciya, emocional jetiklik, ózin-ózi turaqlı jetilistiriwge tayarlıq hám belgisizlik hám bilimlendiriw standartlarınıń ózgeriwı sharayatında

nátiyjeli isley alıw qábiletin qalıplestiriwge xızmet etedi.

Juwmag. Bolajaq oqıtıwshılardı tayarlawda akmeologiyalıq qatnas olardıń funkcionallıq kompetenciya rawajlandırıw ushın qúdiretli qural bolıp esaplanadı, sebebi ol pedagoglardıń jeke hám kásiplik ósiwine, olardıń jetiliskeńlikke hám innovaciyaqqa umtılıwına itibar qaratadı. Refleksiya, joybarlaw jumısı hám jańa bilimlendiriw texnologiyaların integraciyalaw sıyaqlı túrli metod

hám texnologiyalardan paydalanıw arqalı studentler tek ǵana bilim hám kónlikpelerge iye bolmay, al zamanagóy mektepte tabısı islew ushın zárúr bolǵan shaxslıq pazıyetlerdi de rawajlandıradı.

Akmeologiyalıq qatnastı oqıtıwshılar tayarlaw sistemasına integraciyalaw bilimlendiriw hám sociallıq wazıypalardı sheshiwge tayar bolǵan joqarı mamanlıqtaǵı pedagoglardı qalıplestiriwge xızmet etedi hám ulıwma bilimlendiriwdiń sapasın sezilerli dárejede arttıradı.

Ádebiyatlar

1. Абдуллина М.М., Мухаметшина Р.Р. Педагогическая акмеология: теория и практика. – Казань: Издательство Казанского университета, 2010.

2. Гончарова В.В. Акмеология: теория и практика формирования педагогического мастерства. – Москва: «ВЛАДОС», 2015.

3. Татенко Ю.П. Теория и методика акмеологии: учебное пособие. – Санкт-Петербург: «Речь», 2012.

4. Шадрикова Н.В. Акмеология в педагогическом процессе. – Москва: «Педагогика», 2014.

REZYUME. Mazkur maqolada muvaffaqiyatli pedagogik faoliyat uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va shaxsiy fazilatlarini o'z ichiga olgan funksional kompetentlik tushunchasi tahlil qilinadi. Xususan zamonaviy ta'lim muhiti sharoitida o'qituvchining samarali faoliyat yuritishi uchun zarur bo'lgan nafaqat kasbiy bilim va ko'nikmalarni, balki shaxsiy fazilatlarini ham shakllantirishda akmeologik yondashuvning ahamiyati alohida ta'kidlanadi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется понятие функциональной компетентности, включающее в себя знания, умения и личностные качества, необходимые для успешной педагогической деятельности. В частности, подчеркивается важность акмеологического подхода в формировании не только профессиональных знаний и умений, но и личностных качеств, необходимых для эффективной деятельности учителя в условиях современной образовательной среды.

SUMMARY. This article analyzes the concept of functional competence, which includes knowledge, skills, and personal qualities necessary for successful pedagogical activity. In particular, the importance of the acmeological approach in shaping not only professional knowledge and skills, but also personal qualities necessary for the effective functioning of a teacher in the context of the modern educational environment is emphasized.

ART-PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VOSITASIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI ESTETIK TARBİYALASH

G.T.Kuttibekova – dotsent

A.Qodiriy nomidagi Jizzax davlat pedagogika universiteti

Tayanch so'zlar: sa'nat, go'zallik mehnat, estetik did, kasb-hunar, ota-onaga hurmat, estetik tarbiya, ta'lim, estetik dunyoqarashi, estetik ongi, estetik didi.

Ключевые слова: искусство, прекрасный труд, эстетический вкус, профессия, уважение к родителей, эстетическое воспитание, образование, эстетическое мировоззрение, эстетическое сознание.

Key words: art, beauty, upbringing, aesthetic manner(style), profession and mastery, knowledge, aesthetic care, aesthetic education, aesthetic word outlook, aesthetic amazement.

Kirish. O'zbekiston respublikasida estetik tarbiya muammolariga avvaldan katta e'tibor berib kelinmoqda va u yosh avlodning tarbiyasi komil insonni har tomonlama yetuk qilib tarbiyalashga qaratilgan.

Ayniqsa, art-pedagogik va art-terapevtik texnologiyalardan foydalanishga alohida ahamiyat berilib, Rossiya art-terapiya assotsiatsiyasi tomonidan ta'lim oluvchilarning psixoemotsional holatiga terapevtik va korreksion ta'sirni hisobga olgan holda musiqiy terapiya, vokaloterapiya, izoterapiya, biblioterapiya, imagoterapiya usullaridan kompleks foydalanishga e'tibor qaratilmoqda.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini estetik tarbiyalashda badiiy ijodning musiqa va tasviriy san'at turlarining pedagogik imkoniyatlarini aniqlashtirish, musiqiy pedagogika va psixologiya vositasida ta'lim oluvchilarning estetik tafakkurini rivojlantirishga doir bir qator ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Ayniqsa,

boshlang'ich sinf o'quvchilarini badiiy matnlar bilan ishlashga o'rgatish orqali ularning estetik ongi va dunyoqarashini tarkib toptirish, art-pedagogika vositasida bolalarning estetik sifatlarini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga, badiiy ijod namunalari, o'quvchilarning ijodkorlik asarlari asosida estetik tarbiya jarayonlariga germentevtik yondashuvni tatbiq etishning pedagogik tizimini takomillashtirish alohida dolzarblik kasb etadi.

Adabiyotlar tahlili. Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi (MDH) mamlakatlari olimlaridan A.Kopitin, V.Anisimov, A.Aytbaeva, J.Shaygozova, M.Sultanova, Ye.Medvedeva, I.Levchenko, L.Komissarova, T.Dobrovolskaya, A.Kuznesova, O.Korjenko, Ye.Zargaryanlar tomonidan san'atning shaxs intellektual rivojiga ta'siri, art-pedagogika vositasida o'quvchilarni axloqiy-estetik tarbiyalashning tashkiliy shart-sharoitlari tadqiq etilgan.

Xorijlik olimlardan E.Segen, J.Demor, O.Dekroli, T.Kollen, R.Biker-Vayt, D.Zubeyde, B.Chrisi Ioannou, M.Morris, N.Goldman, E.Bezani Chloe kabilarning tadqiqotlarida san'at vositasida o'quvchilarning estetik kompetentligini rivojlantirish, teatr pedagogikasi orqali o'quvchilarda badiiy-estetik tafakkurni shakllantirish masalalari o'rganilgan.

Tadqiqotlar metodologiyasi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ta'limiy maqsadlariga erishishda yordam beradigan faol yo'nalish va texnologiyalarni izlashdan maqsad – ma'naviy boy, ijodiy fikrlaydigan, barkamol rivojlangan fuqaro shaxsini tarbiyalash bo'lib, bu muammoga ijtimoiy va pedagogik jihatdan muhim va mohiyatli deb qarashimizga imkon beradi.

Art-pedagogika ilmiy va pedagogik amaliyotlarda nisbatan yangi yo'nalish texnologiya sanaladi. Matbuot va axborot materiallariga murojaat qilganimizda art-pedagogika resurslaridan to'liq foydalanilmayotganining guvohi bo'lamiz. Art-pedagogika psixolog va psixoterapevtlar tomonidan qo'llanilib kelinayotgan art-terapiya o'rnida ishlatilib kelinmoqda, ya'ni o'quvchilarning xulqi, ularning shaxsi va xarakterini korreksiyalashda, dars jarayonida yaxshi munosabat muhitini o'rnatishda, bolalar va kattalar munosabatini korrektirovka qilish va hokazolarda.

Ko'pincha, art-terapiya san'atning vizual doirasi, ya'ni ko'z bilan ko'riladigan narsa deb tushiniladi. Ushbu texnikaning samaradorligi shundaki, u hissiyotlar bilan tajriba o'tkazishga, ularni ramziy darajada o'rganishga va ifoda etishga imkon beradi. Art-terapiya bu sizning ongsizligingizga sayohat. Tushlar singari, u odamga qalbining yashiringan narsalarni ochib beradi. Art-terapiya jarayonida odamning o'z travmatik tajribasi, tajribasi va kasalliklariga va kasalliklarga munosabati o'zgaradi.

Art terapiya usullari quyidagilarga yordam beradi:

- O'z-o'zini tasvirlash va ijobiy o'z-o'zini anglashni shakllantirish;
- O'z his tuyg'ularingizni o'rganish va ifoda etish;
- Muloqot qobiliyatlarini rivojlantirish;
- Oila a'zolarini hissiy jihatdan yaqinlashtirish;
- Oilada va ishda psixo-emotsional stressdan xalos bo'lish;
- Ijodiy faoliyatning har xil turlari uchun qobiliyatlarni rivojlantirish;
- Ichki potentsialingizni ochib berish.

Bugungi kunda artterapiyaning eng keng tarqalgan kunda turlari quyidagilar:

- Art-terapiya (Art-terapiya) yoki izoterapiya.
- Musiqa terapiya (musiqa terapiya).
- Raqs terapiya.
- Dramaterapiya.
- ertak terapiyasi.
- Biblioterapiya (ijodiy yozuv).

Izoterapiya va ertak terapiyasi kabi mashhur sohalar haqida batafsilroq to'xtalamiz.

Tahlil va natijalar. Izoterapiya ushbu sohada yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, tasviriy san'at –

rasmning barcha turlari, mozaikalar, kollajlar, niqoblar, modellashtirishning barcha turlari, qo'g'irchoqlar, fotosuratlar va boshqa ko'plab narsalar mavjud. Bu juda ko'p sonli texnik, texnik va texnikaga ega bo'lgan eng rivojlangan yo'nalish. Aynan chizilgan rasmdan boshlab psixoterapevtik yo'nalish sifatida art-terapiya tarixi boshlandi. Izoterapiyaning afzalliklari – kontrendikatsiyalarning yo'qligi, nisbatan qulay foydalanish, materiallarning boyligi, boshqa har qanday psixoterapiya sohalar bilan birgalikda foydalanish qobiliyatidir.

Bu ko'pincha maktabdan boshlab o'z faoliyatimizni doimiy ravishda baholashga odatlanib qolganligimiz bilan bog'liq. Lekin men xursand bo'lishga shoshildim-hech kim sizning ishingizga baho bermaydi. Art-terapiya sizning his-tuyg'ularingizni ifoda etish, o'zingiz haqida rasm chizish orqali aytib berish uchun kerak va buning uchun qo'lingizda cho'tkani qanday tutishni o'rganish kifoya.

Shuning uchun, siz nafaqat terapevt mashg'ulotlarida, balki uyda ham, faqat bo'yoqlar bilan bo'yash kerakligini eslash mumkin. Bo'yoq bilan rasm chizish qalamga qaraganda qiyinroq, chunki chizish jarayonini boshqarish ancha qiyin, demak, hissiyotlar yaxshiroq ishlangan.

Boshqa yo'nalish, ertak terapiyaga e'tibor qaratadigan bo'lsak, uning yoshidan qat'iy nazar, ichki bolani tarbiyalash, inson qalbini rivojlantirish jarayoni hisoblanadi. Ertak yordamida siz nafaqat qalbingizda sodir bo'layotgan narsalarni ko'rish va tushinish, balki ertakning oxirini ham o'zgartirishingiz mumkin.

Odatda, ertak terapiyasining quyidagi turlari ajratiladi: tanlangan yoki tuzilgan ertakni tahlil qilish va talqin qilish, ertak arxetipidan foydalanish, ertaklar (biblioterapiya), metitaton ertaklar, sahnada ertak o'ynash, ertak chizish, ertak sayohati, qo'g'irchoqlar.

Ertak terapiyasida turli janrlar qo'llaniladi: masallar, ertaklar, afsonalar, dostonlar va latifalarning o'zi. Shuningdek, zamonaviy janrlardan foydalaniladi: detektiv hikoyalar, romantik romanlar va fantaziya. Har bir inson o'z qiziqishiga mos janrni tanlaydi.

Art-terapiya yakka tartibda ham, guruhda ham yaxshi ishlaydi. Ushbu usul ko'pincha bolalar va kattalar bilan ishlashda qo'rquvni tasvirlash qog'ozga o'tkazilganda qo'rquvni chizish texnikasi qo'llaniladi, so'ngra bu qo'rquvni chizgan kishi xohlagan narsani rasm bilan bajaradi.

Pedagog va olimlar V.P.Anisimov, N.Yu.Sergeeva, M.Yu.Alekseeva art-pedagogika va art-terapiyani quyidagicha tushunishadi: shakllangan san'at vositasida tarbiyalashning eski stereotip tushuntiruvchi ko'rgazmali metodlariga (an'anaviy, avtoretar) alternativ sifatida; turli pedagogik masalalarni yechishda san'atning universal yo'llari, umumiy mexanizm, tamoyil va qonuniyatlarini o'rganuvchi pedagogika fanining amaliy yo'naltirilgan yangi yo'nalishi sifatida; bolaning badiiy madaniyati asoslarini shakllantiruvchi,

rivojlantiruvchi jarayonning (rivojlanish, tarbiyalash, o'qitish va korrektsiyalash) barcha komponentlarini o'zida mujassam etgan san'at vositalari birligi sifatida; bu alohida yondashuv bo'lib, unda urg'u san'atni o'rganishdan sub'ektiv tajribaga (refleksiya) ko'chadi, ya'ni (o'quvchining) o'zining holati, sezgisi, kuyinchakligi, tafakkur yuritishi, olamga va o'z-o'ziga munosabati sifatida[1;-146]

Hozirgi paytda fanda art-terapiya fanlararo bilim sohasi sanaladi, u o'zida tibbiyot, pedagogika, madaniyatshunoslik, psixologiya va boshqa ilm sohalarini mujassamlaydi. Uning mohiyati san'atning sub'ektga terapevtik va korreksion ta'siri sanaladi va u o'quvchining psixik travma olgandagi holatini badiiy-ijodiy faoliyat orqali yechishga qaratilgan.

Xulosa. Art-pedagogikaning asosiy maqsadi – nafaqat rivojlanishida muammosi bo'lgan bolalarni, sog'lom bolalarni ham garmonik har tomonlama rivojlantirishdan iborat va u korreksion-shaxsiy va

faoliyatli yondashuvlarga tayanadi; o'quvchilarning turli ruhiy sifatleri hamda shaxsning badiiy madaniyatini shakllantirish xususiyatlarini rivojlantirish, uning mikro va makro muhitda jamoaviy va madaniy faoliyatda ishtirok etishi, turli tajavvuzlarni bartaraf etishga alohida e'tibor qaratiladi. Rivojlanishida muammosi bor bolalarga art-pedagogika dunyoni uning barcha turfaliligi va go'zalligida ko'rishga hamda faoliyatning badiiy turlarida dunyoni o'zgartirishga o'rgatadi. San'at dunyoni anglashda ijobiy manba sanaladi, u bolada kreativlik qobiliyatini dunyoga keltiradi. Shuning uchun uni ijtimoiy-pedagogik texnologiyalarning samarali vositasi sifatida qarash mumkin.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini estetik turkum darslarida art-texnologiyalarni dars jarayonida qo'llash o'quvchilarning turli ruhiy sifatleri hamda shaxsning badiiy madaniyatini shakllantirish xususiyatlarini rivojlantiradi.

Adabiyotlar

1. Анисимов В.П. Арт-педагогика как система психологического сопровождения образовательного процесса. // Вестник ОГУ. №4. 2003. –С.146.
2. Медведева Е.А. Социокультурное становление личности ребенка с проблемами психического развития средствами искусства в образовательном пространстве: дис. д-ра псих. наук. / Е.А.Медведева. – Нижний Новгород: Арт-пресс, 2007. –С. 186.
3. Сергеева Н.Ю. Содержание понятия «артпедагогика» // Известия ВГПУ, № 1. 2008. – С. 24 -28.
4. Сергеева Б.В., Петренко Н.А. Эстетическое воспитание младших школьников. // Современные наукоемкие технологии. 2016. №12. -С. 428-432.
5. Kuttibekova G.T. The essence and possibilities of application of art pedagogy and art therapy in a secondary educational school // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Research. Vol. 8, No.5, 2020, Part III. ISSN 2056-5852. -P.151-154.

REZYUME. Bugungi kunda estetik tarbiya muammosi shaxs rivojlanishida ustuvor muammolardan biri sifatida dunyo ta'lim tizimida olg'a surilmoqda. Boshlang'ich sinflarda art-pedagogikadan estetik turkum darslari tasviriy san'at va musiqa darslarida o'quvchilarini estetik jihatdan tarbiyalashda integrativ yondashuvning roli yoritilgan.

РЕЗЮМЕ. Сегодня проблема эстетического воспитания продвигается в мировой системе образования как одна из приоритетных проблем в развитии личности. Выделена роль интегративного подхода в эстетическом воспитании учащихся на уроках искусства и музыки эстетической категории артпедагогике в начальных классах.

SUMMARY. Today, the problem of aesthetic education is being promoted in the world education system as one of the priority problems in the development of the individual. The role of the integrative approach is highlighted in the aesthetic education of students in the art and music lessons of the aesthetic category of art pedagogy in the primary grades.

SAMARQAND JADIDCHILIGIDAGI ASOSIY PRAGMATIK YO'NALISHLARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARINING AKS ETISHI

Sh.Sh.Negmatova – professor

O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: jadidchilik, pragmatizm, ta'lim, tarbiya, adabiy janr, milliy dramaturgiya.

Ключевые слова: джадидизм, прагматизм, образование, воспитание, литературный жанр, национальная драматургия.

Key words: jadidism, pragmatism, education, upbringing, literary genre, national dramaturgy.

XX asr boshlarida jadid adabiyoti faol rivojlanib, O'rta Osiyo xalqlari adabiyotining keyingi rivojiga ta'sir ko'rsatdi. Jadid adiblarining adabiy yangiliklari, mavzulari, janrlari, shakllari, uslubi va tili eski asarlarni siqib chiqara boshladi. O'z she'rlari bilan xalqni ma'rifatga chaqirgan, tafakkur va taraqqiyotga targ'ib etgan samarqandlik jadid Siddiqiy Ajziy ham o'zining "Aynul adab", "Mir'oti ibrat" kabi kitoblari orqali o'zining zamondosh ijodkorlariga yo'l-yo'riq ko'rsatib, ilhom bergan, shu bilan o'zbek she'riyatida yangi bir bosqichni boshlab bergan desak mubolag'a bo'lmaydi. Shoirning ijodiga doir manbalar tahlili ko'rsatadiki, shoirning asarlari asosan tojik tilida

bitilgan bo'lib, o'zbekcha she'r va dostonlari ham mashhurdir. Z.Sh.Rajabov, I.S.Braginskiy, A.M.Bogoutdinovlarning tadqiqotlarida shoirning hayoti va ijodi bilan bog'liq ma'lumotlarni uchratish mumkin. Shoirning ijodiga alohida o'rin bergan Vadud Mahmud uning "Samarqand tegrasida Halvoyi qishlog'ida dehqonchilik bilan mashg'ul", shuningdek, "yaxshi bir texnik", "yaxshi to'quvchi va tikuvchi" ekanligiga to'xtaladi [1]. Shoirning badiiy ijodi har qancha zamonaviy va yangiliklarga boy bo'lmasin, ma'lum bir muddat senzura uchraganini ham rad etib bo'lmaydi. "Anjumani arvoh", "Mir'oti ibrat" kabi asarlarining Turkistonda emas, balki

Tiflisda nashrdan chiqishining, shuningdek ko'pchilik she'rlari, xususan, Kavkazda "Dirilik", "Mulla Nasriddin" jurnallarida bosilishining asosiy sababi ham shoirning tashqi dushmanlari soni ko'payib borganligidir. Shunga qaramay, "Mir'oti ibrat"ning o'zbek tilidagi variantini Samarandda 1914-yilda bosmadan chiqqanligi, shoirning so'z erkinligi va xalq mustaqilligi uchun kurashishdan to'xtamaganligini ko'rsatadi.

Shoirning dastlabki ijodiga oid g'azal va masnaviyalarida ishq-muhabbat mavzusi yetakchilik qilsa-da, 1920-yildan keyingi merosida ozodlik harakatiga undash, xalqni uyg'otish masalalari birinchi o'ringa chiqadi. Xususan, "Millatlar ligasi" she'riga e'tibor qaratigan bo'lsak, xalqqa murojaat qilar ekan, jim o'tirmaslikka, o'z boshini tuzoqqa ildirmaslikka chorlaydi.

Shoirning "Aynul adab" kitobiga kiritilgan "Xudoyo" radifli g'azali esa, kinoyali ruhda yozilgan bo'lib, unda jamiyatda bo'layotgan hodisalarga shoirning keskin munosabati ko'zga tashlanadi:

"G'ayrat-la qamab maktabi savtiylari, hayhot,
Bu zumrayi nodonlarga "shukr", Xudoyo!..
O'z kayfina dunyoni tasallud edajaklar,
Qozilaringa, xonlarga "shukr", Xudoyo!.." [2]

Shoirning murojaatidan ko'rinib turibdiki, yangicha usulda ochilgan maktablarning yopilishi, qozi va xonlarning o'z mansab va lavozimlarini suiste'mol qilishini ochiqchasiga tanqid ostiga olgan. G'azalning keyingi misralarida esa, "Haq so'ylagan insonlarning" takfir etilishi, doktorlarning o'rniga xalqning "jindor-i parixon"larga ishonishi kabi millatning inqirozini ko'rsatib beruvchi omillarni tanqid ostiga oladi.

Uning yana bir "Edub" radifli g'azalida esa, xalqni zamon bilan hamnafas bo'lishga, g'aflatdan uyg'onishga, islohotlarga ochiq bo'lishga undash ruhi yetakchilik qiladi:

"G'unchasini ochmish tamaddun javlon edub,
Olam ahlini sanoye gullari hayron edub.
Har taraf to uni g'aflatdan esub bodi hamim,
Bu ham o'z ta'siridin isloh evin vayron edub".

Shoir mazkur she'rda chiqayotgan yangi qonunlarning ta'limni nishon qilganligi, maktablarning yopilib ketayotganligini "jon berish"ga qiyoslar ekan, bundan fikr ahlining mas'ulligini, ya'ni ilm ahli har dam, har soat, har lahza ta'lim uchun jon kuydirishi kerakligini ta'kidlaydi. Shuningdek, shoir olamda hamma narsaning imkoni, iloji borligini, har zaif iymonni ham tiriltirish mumkinligini, taraqqiyot sari olg'a borish lozimligini uqtiradi. "Navla rahm" she'rida esa, alam bilan g'arbda texnikaning shiddat bilan rivojlanib borayotganligini, "ko'kda tayyorlarga, suvdag'i sayyoralar" boqish orqali Sharqni uyg'onishga da'vat etadi, ilmning farzligi islomda qayd etilganligiga urg'u berib, xalq boshiga kelgan barcha balolarga ham ilmsizlik sababchi ekanini ta'kidlaydi.

Samarqand jadidchiligidagi asosiy pragmatik yo'nalishlaridan yana biri bu dramaturgiya bo'lib, bu

davrda milliy dramaturgiyaning paydo bo'lishi va teatr san'atining rivojlanishi jadidlar faoliyatining ta'sirini kengaytirishga xizmat qildi. Ular teatrning ahamiyati va rolini yaxshi anglab, uni Turkiston o'lkasi xalqlari o'rtasida tamaddunga yetaklovchi g'oyalarni targ'ib qilishning asosiy vositasi deb bilganlar. Shu o'rinda o'zbek dramaturgiyasining tamal toshlarini qo'yib bergan mutafakkir Mahmudxo'ja Behbudiyning butun O'rta Osiyo milliy teatr san'atining shakllanishi va rivojlanishiga qo'shgan hissasini rad etib bo'lmaydi. M.Behbudiyning 1914-1917-yillar davomida O'rta Osiyoda yozma milliy dramaturgiya rivojiga turtki bergan "Padarkush" pyesasi muhim ahamiyat kasb etadi.

Uning ta'sirida jadidchilar ijodida 20 ga yaqin dramalarning yaratilganini ko'rish mumkin, jumladan Nusratulloh Qudratulloning "To'y", "Javonmarg" ("Erta o'lim"), Abdulla Badriyning "Axmoq", Abdullo Qodiriyning "Baxtsiz kuyov", Hamza Hakimzoda Niyoziyning "Zaharli hayot", Xoja Muin Shukrulloning "Eski maktab, yangi maktab", "Qozi va muallim", "Mazluma xotin", "Pinak", Abdulla Avloniyning "Advokatlik Osonmi?", "Biz va siz", Abdulhamid Cho'lponning "Boy" va boshqa asarlari shular jumlasidandir.

Jadidlar teatr san'atini ommalashtirish maqsadida "Dastai sayyor" deb nomlangan ko'chma teatrlar yaratdilar, 1913-yilda jadidlar tomonidan yaratilgan O'rta Osiyodagi birinchi "Turon" teatr truppasi faoliyat boshladi. Mashhur sharqshunos olim A.N.Samoylovich 1916-yilda Toshkentning "Kolizeyi"da Avloniy truppasi ijrosidagi "Padarkush" spektaklini ko'rgan xalqning sahnada qanday kuchli taassurotga tushganligi haqida yozib qoldirgan [3]. Boshqa tomondan, jadidlarning teatrlashtirilgan tomoshalari ulamolarda alohida g'azab uyg'otdi, san'atkorlar ham, tomoshabinlar ham ko'pincha sharmandali «makruh»-, ya'ni. jirkanch, nopok deya tanqid qilindi [4]. Aslida 1910-1917- yillarda dramaturgiya va teatr jadidchilik g'oyalarini tarqatuvchi asosiy unsur vazifasini bajargan. Jadid teatrining ushbu olti yillik faoliyati davomida deyarli ijtimoiy hayotdagi muammolarni ko'tarib chiqqan 25 ga yaqin pyesalar dunyo yuzini ko'rdi. Ushbu asarlar jadidchilik qarashlarini yoyishga bo'lgan cheklovlar, spektakllarning badiiy jihatdan mukammal emasligiga qaramay, o'tkir ijtimoiy yo'nalishga ega bo'lib, boylarning ochko'zligini, mullalarning axloqsizligi va shaxsiy manfaatparastligini tanqid qilgan, mansabdorlarning pulga bo'lgan hirsini, ular pul uchun har qanday jinoyatga tayyor ekanligini ayanchli shaklda ochib bergan.

Jadidlarning kitob o'qishni rag'batlantirish, mutolaa madaniyatini oshirish bo'yicha olib borgan sa'y-harakatlari O'rta Osiyoda kitob bosish va nashr ishlarining tiklanishiga katta hissa qo'shgan. Bu borada Samarqand jadidlari yetakchisi Mahmudxo'ja Behbudi. "Nashriyoti Behbudiya" nomli maxsus nashriyot tashkil qilib, "Kutubxonai Behbudiya"

kutubxonasini ochdi [5]. M.Behbudiy Samarqand, Buxoro, Qo‘qon, Namangan, Toshkent va Andijonda kitob do‘konlari tarmog‘iga ega bo‘lgan, u Toshkentning eski shahar qismida “Maktab” nomli ham kitob savdosi bilan shug‘ullanadigan, ham kutubxona vazifasini bajargan mutolaa markaziga asos soldi, bu yerda turli turdagi bosma kitoblar bilan birga darsliklar ham arzon narxlarda sotilgan.

Bu davrga kelib nafaqat Samarqandda, balki Turkistonning boshqa hudularida ham kitob bosish ishlari avj oldi. 1907-yilda Farg‘ona vodiysidagi jadidchilik vakili Ishoqxon Ibrat Orenburgdan toshbosma mashinasi olib kelib, 1908-yilda o‘zi tug‘ilib o‘sgan Namangan yaqinidagi To‘raqo‘rg‘on qishlog‘ida “Matbaai Is‘hoqiya” matbaasini ochadi [6]. Turkiston o‘lkasidagi jadidchilikning ko‘zga ko‘ringan namoyandasi Ubaydulla Xo‘jayev tashabbusi bilan 1910-yilda Toshkentda “Umid” kitob va matbaa savdo shirkati tashkil etildi. 1914-yil avgust oyida Abdulla Avloniy “Nashriyot” jamiyatini tuzib, uning qoshida “Zamon” kitob do‘konini ochdi. Shu yili Abduqodir Shakuriy Samarqand shahrining Ruxobod mahallasidagi uyida faqat ma‘rifiy kitoblar nashr etish maqsadida “Nashriyoti Shakuriy” bosmaxonasini tashkil qildi. Farg‘ona jadidi Obidjon Maxmudovning bevosita rahbarligida Qo‘qon shahrida bosmaxona ochilib, bu yerda toshbosma usulda har xil turdagi darsliklar, diniy kitoblar, varaqalar va boshqa bosma nashrlar chop etildi. Andijonda “Turkiston nashriyoti shirkati” tuzilib, uning tarkibida jadidchilik tarafdorlari ko‘p bo‘lgan. A.Avloniy Toshkent shahridagi Xadra maydonida joylashgan “Kutubxonai maktab” nomli kitob do‘konini, 1914-yil may oyida Samarqandlik jadid Siddiqiy Ajziy o‘z shahrida “Zarafshon” nomli kitob do‘konini ochadi. “Oyina” jurnalida yozilishicha, bu kitob do‘konida eski va yangi kitoblar, o‘quv qurollari sotilgan. Bu kitob do‘konlarida gazeta-jurnallar ham sotilgan [7], ularga obuna bo‘lish xizmatlari ham

tashkil qilingan. Shoislom Shoahmedov boshchiligidagi “G‘ayrat” jadidlar jamiyatining Qo‘qondagi kitob do‘koni 45 ming rubllik kapital aylanmasiga ega bo‘lganligi haqida ham ma‘lumotlar saqlanib qolgan [8].

Birinci Jahon urushining dastlabki bosqichida jadidlar asosiy e‘tiborni rus-turk munosabatlariga qaratishgani ularning nashr faoliyatida siyosiy qadamni boshlab berdi. Shuningdek, jadid jurnalistikasi arab, turk, tatar va urdu tillarida chop etilgan kitoblar va davriy nashrlarni ko‘tarib chiqish natijasida jamoatchilik ongini 20-asr darajasiga ko‘tarishdek eng muhim vazifani amalga oshirdi. Jadid matbuoti o‘z o‘quvchilarini xorijdagi dindoshlarining hayotidan xabardor qilib, islom mamlakatlarini birlashtirgan diniy rishtalardan tashqari, Markaziy Osiyo va G‘arbiy Osiyo o‘rtasidagi tafovutlarni ko‘rsatib, milliy o‘zlikni anglash haqidagi yangi g‘oyaga yo‘l ochdi.

Biroq, boshqa sohalarda bo‘lgani kabi, rus hukumati, amir, xonlar va oliy ruhoniylar jadid matbuotiga qarshi kurash olib bordilar. 1914-1915-yillarda Jadid gazetolari, “Ma‘rifat” kitob do‘koni yopildi. Bularning barchasi jadidlarni madaniy islohotlar uchun harakat qilishdan siyosiy qarshilik ko‘rsatishga o‘tishga majbur qildi. Vaqt o‘tishi bilan jadidlar muhim ijtimoiy-siyosiy harakatga aylanib, feodal zulmni konstitutsiya bilan cheklashni talab qila boshladilar.

Xulosa qilib aytganda, jadidchilik O‘rta Osiyo ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotidagi yo‘nalish sifatida mintaqa xalqlari ma‘naviy hayotini boyitishga, ularning xurofot, qoloqlik holatidan chiqishiga katta hissa qo‘shgan. 19-20-asrlar bo‘lag‘asidagi turg‘unlik, jaholat va fanatizmga qarshi kurashgan jadidchilik harakatining shakllari, tuzilishi va xarakteri, o‘zgarishi va evolyutsiyasi turli mintaqalarda turlicha xarakter kasb etishi bilan ajralib turadi.

Adabiyotlar

1. Махмуд В. Турк шоири Ажзий. // Инкилоб. 1924, 12-сон.
2. Танланган асарлар (Ибрat. Сиддикий Ажзий. Сўфизода). /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Б.Қосимов, С.Аҳмедов ва б/. –Тошкент: “Маънавият”, 1999. 138-б. (Умумий 232 б.)
3. Самойлович А. Драматическая литература сартов. // Вестник Императорского Общества востоковедения. – 1916, № 5. –С. 72-84.
4. Архив академika А.А.Семенова. Института истории, археологии и этнографии АН Республики Таджикистан. Ф. 2. ОП.1. –Д.121. –Л. 162.
5. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. –Ташкент: «Маънавият», 1998. –С.10.
6. Вохидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрat и его научно-историческое наследие: Автореф. дисс. канд. истор наук. –Ташкент: 2002. –С. 14.
7. Ойина. – Ташкент: 1914. № 30. –С. 591.
8. Абдуллаев Р.М. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джаиды. //Джаидизм: Борьба за реформу, обновление, независимость и прогресс. –Ташкент: 1999. –С. 80.

REZYUME. Ushbu maqolada Samarqand jadidchiligidagi asosiy pragmatik yo‘nalishlarida ta‘lim-tarbiya masalalarni aks etishi tahlil qilingan. Shu bilan birga maqolada jadid adiblarining adabiy yangiliklari, mavzulari, janrlari, shakllari, uslublari muhokama qilingan.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется отражение вопросов образования в основных прагматических направлениях Самаркандского джаидизма. В то же время в статье рассматриваются литературные новации, темы, жанры, формы и стили писателей-джаидов.

SUMMARY. This article analyzes the reflection of educational issues in the main pragmatic directions of Samarkand Jadidism. At the same time, the article discusses the literary innovations, themes, genres, forms, and styles of Jadid writers.

THE ROLE OF PREPOSITIONS IN ENGLISH LANGUAGE INSTRUCTION TO YOUNG LEARNERS

N.B.Nuratdinova – *PhD student*

Nukus state pedagogical institute after named Ajiniyaz

Tayanch soʻzlar: predloglar, ingliz tilini oʻqitish, boshlangʻich sinf oʻquvchilari, ingliz tili (ikkinchi til sifatida), grammatika oʻqitish, multimediya vositalari, pedagogik strategiyalar, tilni rivojlantirish, kontekstual oʻqitish, faol oʻrganish.

Ключевые слова: предлоги, преподавание английского языка, ученики начальных классов, английский как второй язык, преподавание грамматики, мультимедийные инструменты, педагогические стратегии, развитие языка, контекстуальное обучение, активное обучение

Key words: prepositions, English language instruction, young learners, ESL, grammar teaching, multimedia tools, pedagogical strategies, language development, contextualized teaching, active learning.

Introduction. Grammar has always been considered an important part of English language teaching, especially in the context of teaching English as a second language (ESL) [4]. Prepositions are fundamental components of the English language, crucial for understanding sentence structure and conveying meaning. Despite their importance, they are often considered challenging for young learners, particularly those learning English as a second language. The difficulty lies in their abstract nature, multiple meanings, and context-dependent usage. Here it is tried to explore the role of prepositions in English language teaching to young learners, focusing on the difficulties they face and the instructional strategies that can facilitate better understanding. By reviewing existing research and teaching practices, this article aims to provide insights into how prepositions can be effectively taught in primary school settings.

Prepositions, which are words that indicate relationships between nouns (or pronouns) and other words in a sentence, play a critical role in defining spatial, temporal, and abstract relationships. For instance, prepositions such as "on," "in," "under," "before," and "after" are commonly used in both written and spoken language. However, their meanings can shift based on context, which makes them particularly challenging for young learners, especially those who are new to the English language. While prepositions are often taught in isolation in English classrooms, understanding how they function in context is essential for meaningful language acquisition.

Literature Review. Prepositions are integral to forming accurate and meaningful sentences in English, yet they present a significant challenge to young learners. According to Mukundan, grammar, particularly the teaching of prepositions, is a critical part of English language instruction, especially for ESL learners [4]. Research indicates that prepositions are often overlooked in ESL classrooms, where educators tend to focus on other grammatical structures, such as verb tenses or sentence construction. As a result, prepositions remain one of the most problematic aspects of English grammar for many learners.

Studies show that prepositions are particularly

difficult for learners because their meanings can be abstract and context-dependent. For example, the preposition "on" can refer to physical placement ("The book is on the table") or describe a time ("The meeting is on Monday"). These varying meanings can confuse learners, especially when their native language does not have equivalent prepositional structures or when they rely on different linguistic patterns [3].

Research has shown that prepositions are often taught in isolation, with few connections to real-life use. Many English textbooks present prepositions through lists or general rules, but they fail to emphasize how prepositions function in specific contexts. This approach limits students' understanding and often leads to incorrect usage. For example, a student may understand that "on" is used for physical placement but may struggle when using "on" in temporal contexts, such as "on Monday" or "on the 5th of June."

It is argued that errors in prepositional usage are some of the most common among ESL learners. They assert that students often struggle with understanding the nuanced meanings of prepositions and the subtle differences between them. This is particularly true when learners' first languages have very different grammatical systems or lack certain prepositional structures entirely.

Discussion. The challenges associated with teaching prepositions to young learners are multifaceted. First, many young learners struggle with the abstract nature of prepositions, as they often do not have direct equivalents in their native languages. For instance, in some languages, postpositions (words that function similarly to prepositions but follow the noun) are used instead of prepositions, creating confusion for learners when they are required to use prepositions in English. This can lead to significant misunderstandings, as learners attempt to transfer the structures of their native languages into English.

The context-dependent meaning of prepositions adds another layer of complexity. A preposition like "under" can convey different meanings depending on whether it is used in spatial, temporal, or metaphorical contexts. For example, "under the table" refers to a physical location, while "under pressure" refers to a metaphorical or psychological state. This variation

often overwhelms young learners, leading to common errors such as misplacing prepositions or using the wrong one in a given context.

The sheer number of prepositions in English and the absence of consistent rules for their usage contribute to the difficulty. Unlike other parts of speech, prepositions do not always follow predictable patterns. For example, learners might confuse "in" and "on" when talking about location ("in the room" vs. "on the table") or time ("on the weekend" vs. "in the morning"). These subtle differences require learners to have not only a deep understanding of each preposition's meaning but also the ability to select the correct one based on context.

Effective teaching strategies are essential to overcoming these challenges. It is clear from the literature that incorporating visual aids, multimedia tools, and contextualized exercises can significantly enhance learners' understanding of prepositions. Using images, videos, and interactive activities allows students to experience prepositions in action, facilitating a more concrete understanding of their meaning. For example, using pictures to depict spatial relationships (e.g., a ball on a table, a cat under a chair) can help students grasp the core concepts of prepositions in a more engaging way. Visual aids can also help bridge the gap for ESL learners who may struggle with abstract concepts.

Teachers should emphasize the use of prepositions in real-life contexts, moving beyond rote memorization of rules and focusing on practical usage. Activities such as storytelling, role-playing, and guided conversations provide ample opportunities for learners to practice prepositions in context, allowing them to internalize their meanings and uses. By involving students in dynamic and interactive exercises, teachers can create an immersive learning environment where prepositions are not just rules to memorize but tools for effective communication.

One of the most effective ways to teach prepositions is through experiential learning. In this approach, learners are exposed to real-world scenarios where prepositions are used in meaningful ways. For example, teachers can create role-playing scenarios where students must describe spatial relationships,

such as placing objects "on," "under," or "next to" one another. This active engagement with the material allows students to apply prepositions in real contexts, making the learning process both engaging and practical.

Providing students with ample opportunities to practice through guided exercises and games can help reinforce prepositional concepts [9]. Games that involve movement, such as "Simon Says" or interactive digital games, can be particularly useful in helping students learn prepositions in a fun and interactive way.

Conclusion. Prepositions are a crucial component of English grammar, and their effective teaching is vital for the language development of young learners. Despite the challenges they pose, there are numerous strategies that can be employed to help students master prepositions. The use of contextualized teaching, multimedia resources, and active learning techniques can significantly improve young learners' understanding and use of prepositions. Educators should be mindful of the complexities of prepositions and strive to create engaging, meaningful lessons that allow students to fully grasp the various contexts in which prepositions are used.

Incorporating prepositions into broader communicative activities ensures that students can relate the abstract concept of prepositions to real-life experiences, thus deepening their understanding. By focusing on active learning and contextualization, educators can create a learning environment that promotes long-lasting retention and accurate application of prepositional knowledge.

Further research into classroom practices and the role of multimedia tools in teaching prepositions could provide valuable insights into improving instructional approaches for young ESL learners. Additionally, exploring how prepositional knowledge can be integrated with other grammatical structures in language acquisition could open new pathways for more holistic teaching methods. As the field of language education continues to evolve, prepositions should remain a key area of focus for educators seeking to enhance the communicative abilities of their students.

References

1. Beauvais P. & Morenberg, M. Doing Grammar. *College Composition and Communication*, 2007, 43(2), p.270. Retrieved from <http://dx.doi.org/10.2307/357576>.
2. Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge University Press: 2001.
3. Lindstromberg S. Preposition entries in UK monolingual learners' dictionaries: problems and possible solutions. *Applied Linguistics*, 2001, 22(1), pp.79-103. Retrieved from <http://dx.doi.org/10.1093/applin/22.1.79>.
4. Mukundan J. & Roslim N. Textbook Representation of Prepositions. *English Language Teaching*, 2009, 2(4). <http://dx.doi.org/10.5539/elt.v2n4p13>.
5. Алтуханова III.C. Методика обучения предлогам английского языка в 5-7 классах лезгинской школы: Автореф. дисс. канд.пед.наук. – Махачкала: 2005. –С. 27.
6. Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Т.: "Fan va texnologiya", 2016.
7. Каипбергенова Ф.Т. Формирование словарного запаса английского языка студентов химиков высших образовательных учреждений (на примере мультимедийных программ): Автореф. дисс. докт. философии (PhD) по пед. наукам. – Нукус: 2022. –С. 59.

8. Ходжаниязова У. Сопоставление грамматических свойств в английском и каракалпакском языках в области письменной речи. // ОИИ. 2021. №9/С. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sopostavlenie-grammaticheskikh-svoystv-v-angliyskom-i-karakalpakskom-yazykah-v-oblasti-pismennoy-rechi>

9. Шаниязов Б., Жанабаева Г. Игровые технологии в педагогике. Quality of the teacher education under modern challenges. Материалы международной конференции «Качество педагогического образования в условиях современных вызовов» IFTE 2023 Uzbekistan, Нукус: 2023. –С. 419-422. <http://uzresearchers.com>.

REZYUME. Ushbu maqola yosh o'quvchilarga ingliz tilini o'rgatishda predloglarni o'rgatishning ahamiyatini o'rganadi. Tadqiqot yosh o'quvchilarning predloglarni o'zlashtirishdagi duch keladigan qiyinchiliklarini o'rganadi va bu muammolarni bartaraf etish uchun samarali pedagogik yondashuvlarni muhokama qiladi. Tegishli adabiyotlarni ko'rib chiqish va sinfdagi amaliyotlarni tahlil qilish orqali maqola predloglarning o'quvchilarning kommunikativ qobiliyatlarini oshirishdagi muhim rolini ta'kidlaydi.

РЕЗЮМЕ. Данная работа исследует важность преподавания предлогов младшим учащимся в рамках обучения английскому языку. В исследовании рассматриваются трудности, с которыми сталкиваются молодые учащиеся при освоении предлогов, а также обсуждаются эффективные педагогические подходы, направленные на преодоление этих трудностей. На основе обзора актуальной литературы и анализа практик в классе, статья подчеркивает ключевую роль предлогов в улучшении коммуникативных способностей учащихся.

SUMMARY. This article explores the importance of teaching prepositions to young learners in English language instruction. The study examines the challenges young learners face in mastering prepositions and discusses effective pedagogical approaches to overcome these challenges. By reviewing relevant literature and analyzing classroom practices, the paper highlights the critical role prepositions play in enhancing learners' communicative abilities.

ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ КОРРЕКЦИИ СЛУХОВЫХ ПРОСТРАНСТВ

Ф.Х.Саламова – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: эшитиш қобилиятининг бузилиши, мактабгача ёш, когнитив ривожланиш, эшитиш қобилиятининг бузилиши, мактабгача таълим муассасасининг мақсади, фанлараро ёндашув, ногирон болаларни ўқитиш, ижтимоий мослашув, ривожланиш, имо-ишора, эрта аудиология.

Ключевые слова: нарушения слуха, дошкольный возраст, когнитивное развитие, нарушения слуха, предмет дошкольной сурдопедагогики, междисциплинарный подход, обучение детей с ОВЗ, социальная адаптация, развитие, жест, ранняя аудиология.

Key words: hearing disorders, preschool age, cognitive development, hearing disorders, subject of preschool sign language teaching, interdisciplinary approach, teaching children with disabilities, social adaptation, development, gesture, early audiology.

Дошкольная сурдопедагогика является ключевой областью, направленной на воспитание и обучение детей с нарушениями слуха с самого раннего возраста до поступления в школу. Этот жизненный этап критически важен для формирования когнитивных, речевых и социальных навыков ребенка. В современных условиях дошкольная сурдопедагогика сочетает традиционные методы с новыми подходами, которые используют достижения медицины, психологии и технологий. Основой успешного обучения детей с нарушениями слуха является междисциплинарный подход, объединяющий усилия специалистов из различных областей. Такое взаимодействие позволяет не только повысить качество обучения, но и облегчить интеграцию детей в общество. Интеграция глухого в сообщество слышащих всегда была одной из главных задач сурдопедагогики и путеводной точкой усилий, направленных на его образование [1].

Предмет дошкольной сурдопедагогики. Дошкольная сурдопедагогика как отдельное направление в системе сурдопедагогических наук является ответом на особенности психофизического развития детей с нарушениями слуха. Эти особенности требуют применения специальных методов обучения и воспитания, отличных от традиционных школьных подходов. В отличие от

школьной сурдопедагогики, которая в большей степени ориентирована на учебную и профессиональную подготовку, дошкольная сурдопедагогика направлена на подготовку ребенка к жизни в обществе, на развитие его индивидуальных навыков, которые помогают ему успешно адаптироваться.

Основной элемент. Кроме того, дошкольная сурдопедагогика активно использует достижения медицины, психологии и технологий для разработки новых методических и подходов к обучению и воспитанию детей. Инновационные методы коррекции слуховых пространств, а также использование современных технологических средств (например, слуховых аппаратов и имплантатов). См рисунок (1) и (2).



*Рис (1) кохлеарная имплантация в виде аппарата
Рис (2) Новый слуховой имплант*

Таким образом, предмет дошкольной сурдопедагогики включает в себя широкий спектр, подразумевая не только обучение детей с нарушениями слуха, но и вопросы и их всесторонность.

Воспитание и обучение детей со сложными нарушениями развития в специальных группах рассчитано на трехлетний срок, так как в них в основном направляются дети, воспитывающиеся в обычных группах в течение одного или двух лет. В настоящее время отсутствуют программы работы в группах для глухих и слабослышащих детей со сложными нарушениями в развитии [2].

Дошкольная сурдопедагогика охватывает следующие направления:

1. Особенности психофизического развития детей с нарушениями слуха:

➤ Нарушения слуха значительно влияют на развитие речи, мышления и социальных навыков. Ранняя диагностика и своевременная коррекция минимизируют эти негативные эффекты.

➤ Современные исследования показывают, что с использованием индивидуализированных подходов и компенсационных технологий дети с нарушениями слуха способны развивать когнитивные способности наравне со сверстниками.

➤ Например, кохлеарные импланты способствуют улучшению восприятия звуков, что положительно сказывается на речевом и когнитивном развитии.

2. Методы и технологии обучения:

➤ Использование слуховых аппаратов, кохлеарных имплантов и специальных программ для развития слухового восприятия позволяет детям лучше воспринимать окружающий мир.

➤ Билингвальный подход (жестовый и устный языки) помогает формировать речевые и когнитивные навыки у детей с различной степенью нарушения слуха.

➤ Применение современных технологий, включая видеоматериалы и аудиотренажеры, ускоряет процесс обучения.

3. Социализация и эмоциональное развитие:

➤ Социальные взаимодействия и специальные развивающие занятия способствуют развитию эмоциональной сферы ребенка.

➤ Игровые технологии и работа с детьми без нарушений слуха помогают формировать навыки коммуникации и интеграции в общество.

Взаимосвязь с другими дисциплинами.

Эффективное обучение детей с нарушениями слуха требует взаимодействия с различными науками [3]:

1. Медицина:

• Аудиология и отоларингология играют ключевую роль в диагностике и коррекции нарушений слуха. Технологии, такие как кохлеарные импланты и слуховые аппараты, помогают компенсировать потерю слуха.

• Раннее вмешательство обеспечивает своевременную коррекцию, что улучшает результаты обучения.

2. Психология:

• Психологическое сопровождение детей и их семей помогает справляться с трудностями адаптации.

• Программы, направленные на развитие эмоциональной устойчивости и социальных навыков, способствуют успешной интеграции.

3. Лингвистика:

• Особое внимание уделяется изучению жестового языка как средства общения и развитию билингвального подхода.

• Лингвистические исследования помогают создавать программы, учитывающие особенности восприятия речи детьми с нарушениями слуха.

4. Педагогика:

• Современные педагогические методы направлены на интеграцию детей в образовательную среду, включая инклюзивное образование.

• Индивидуализация обучения позволяет адаптировать программы под потребности каждого ребенка.

5. Информационные технологии:

• Использование интерактивных технологий, аудиовизуальных материалов и дистанционного обучения расширяет возможности детей с нарушениями слуха.

Междисциплинарный подход.

Междисциплинарный подход является основой успешной реализации образовательного процесса в дошкольной сурдопедагогике [4].

Он позволяет:

1. Разработку индивидуализированных образовательных программ:

• Учитывая особенности слуха, а также когнитивное и социальное развитие ребенка, создаются персонализированные программы, которые включают методы работы как с детьми с минимальными нарушениями слуха, так и с детьми, имеющими более глубокие дефекты слуха.

• Это включает использование комплексных методик для развития всех аспектов личности ребенка – как когнитивных, так и эмоциональных.

2. Коррекцию педагогических стратегий:

• Педагоги должны гибко подходить к процессу обучения, учитывая динамику состояния слуха ребенка. Постоянное взаимодействие с родителями, психотерапевтами и медиками позволяет своевременно вносить необходимые изменения в подходы.

• Адаптация педагогической программы должна быть оперативной и учитывающей текущие возможности ребенка.

3. Учет биологических и социальных факторов:

• При обучении детей с нарушениями слуха необходимо учитывать их физическое состояние (например, наличие заболеваний, особенностей слуха), а также социальное окружение (семья, сверстники), чтобы создать наиболее благоприятные условия для адаптации и развития.

Практическое значение.

Применение междисциплинарного подхода позволяет:

1. Улучшить диагностику и прогнозирование развития детей с нарушениями слуха.
2. Оптимизировать методы обучения и коррекции.
3. Повысить профессиональный уровень педагогов и специалистов.

4. Создать условия для полноценной интеграции детей в общество.

Заключение. Дошкольная сурдопедагогика, основанная на междисциплинарном подходе, позволяет обеспечить эффективное обучение и социализацию детей с нарушениями слуха. Комплексная работа специалистов различных областей помогает раскрыть потенциал каждого ребенка, способствуя их успешной интеграции в общество и развитию всех сторон личности.

Литература

1. Карпова Г. А. К 26 Основы сурдопедагогика [Текст] : учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / Г.А.Карпова. – Екатеринбург : Издатель Калинина Г.П., 2008. – 354 с. – ISBN 978-5-901487-46-4
2. Головчиц Л.А. Дошкольная сурдопедагогика: Воспитание и обучение дошкольников с нарушениями слуха: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. –С. 304. – (Коррекционная педагогика)
3. Сурдопедагогика : учебник для студ. высш. пед. учеб. С90 заведений / [И.Г. Багрова и др.] ; под ред. Е.Г. Речицкой. – М.: Гуманитар, изд. центр ВЛАДОС, 2004. –С. 655. (Коррекционная педагогика). ISBN 5-691-01320-3.
4. Обучение, воспитание и развитие детей с нарушениями слуха. Часть Основы сурдопедагогика: Учебное пособие. / Сост. Е.Н.Горина, О.В.Соловьева, О.И.Суслова – Саратов: ИЦ «Наука», 2019. –С. 91.

РЕЗЮМЕ. Мактабгача таълим муассасаси-бу кенг камровли ёндашувни таълим киладиган кўп қиррали ва фанлараро соҳадир. Тиббиёт, психология, тилшунослик ва педагогика билан боғлиқлик эшитиш қобилияти чеklangан болалар учун самарали таълим муҳитини яратишга имкон беради.

РЕЗЮМЕ. Дошкольная сурдопедагогика – это многогранная и междисциплинарная область, которая требует комплексного подхода. Связь с медициной, психологией, лингвистикой и педагогикой позволяет создать эффективную образовательную среду для детей с нарушениями слуха.

SUMMARY. Preschool sign language teaching is a multifaceted and interdisciplinary field that requires an integrated approach. The connection with medicine, psychology, linguistics and pedagogy makes it possible to create an effective educational environment for children with hearing impairments.

JISMONIY SIFATLARNI TARBIYALASHDA HARAKATLI O'YINLARDAN FOYDALANISH XUSUSIYATLARI

E.Saparbaev – assistent o'qituvchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: milliy o'yinlar, jismoniy tarbiya, o'yinlar, jismoniy rivojlanish, ko'nikma, o'qituvchi.

Ключевые слова: национальные игры, физическое воспитание, игры, физическое развитие, навыки, преподаватель.

Key words: folk games, physical education, games, physical development, skill, teacher.

Kirish. Olimlar sportga inson jismoniy faoliyatini tarbiyalovchi vosita deb qaraydilar. Bu ta'rif to'liq asoslangan. Shunday ekan, harakatli o'yinlardan sport turi sifatida, jismoniy imkoniyatni namoyon qilish zaruriyati bilan bog'liq, pedagogik maqsadda foydalaniladi. Shuning uchun sport amaliyotida o'yinlar ko'pincha harakat malakalarini tarbiyalash va takomillashtirishda qo'llaniladi.

Shuni ta'kidlash kerakki, harakatli o'yinlar va sport kishi organizmini rivojlantirib qolmay, balki uni shaxs sifatida shakllantirishga ham ta'sir ko'rsatadi. Ma'lumki, o'yin faoliyati sport sifatida nafaqat fiziologik, balki ruhiy jarayon sifatida ham ta'riflanadi. O'yinda hulqning emotsional modelini tashkil etish mumkin. Sport kishini tarbiyalash xususiyatiga ham ega.

Mashg'ulot jarayonini jadallashtirish bilan bog'liq o'yinlar sport tayyorgarligini oshirish vositasi sifatida tobora muhim o'rin egallab bormoqda. Mustaqil malakalarni hosil qilish uchun zarur katta jismoniy yuklama va ko'p marta takrorlash yuksak ongli, mehnatsevar shaxslar qiziqishining pasaytirib,

charchash, o'ziga xos psixologik «tormozlanish» keltirib chiqaradi. Ishning bir xilda bajarilishi bu organizmning tabiiy reaksiyasidir. O'yin sportchilar diqqatini faollashtirib, emotsional holatini oshiradi, ish qobiliyatini tiklashga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Keyinchalik ularning funktsional holati yuksalishi tufayli, turli mushak guruhlarida qo'zg'alish va tormozlanish yuz berib, o'zaro induksiya hodisalari bilan bog'liq «faol dam olish», kuchli taassurot olinadi.

Sport tayyorgarligida harakatli o'yinlar qo'llashning samarasi va maqsadga muvofiqligi zamonaviy amaliyotda tasdiqlanib, ilmiy-nazariy asosga ega. O'yin faoliyati nafaqat bola, balki katta kishilarni ham tabiiy ravishda va o'yinning o'z tabiati sababli o'ziga jalb qiladi. Xuddi shunday o'yinga intilish (sport, harakatli) organizmni chiniqtirishda odam sezgisi (intuitsiya) bilan bog'liq [1].

Muhimi, o'yin yenirovka jarayoniga yordamchi, qo'shimcha mashq sifatida qo'shiladi. Harakatli o'yinlar zamonaviy maktab jismoniy tarbiya dasturida nafaqat yoshga mos ravishda, balki turmush tarziga

bog'liq ravishda ham taqsimlanadi. Bu esa o'yinning sport amaliyotiga yaqinlashishidan dalolat berib, boshqa bo'limlarda yozilganidek, ushbu bobda ham ifoda etish imkonini beradi.

Harakat faoliyatini kompleks takomillashtirish metodi o'ziga xos xususiyatlarga ega. U shunday sifatlar, epchillik, yo'nalish olish, mustaqillik tashabbuskorlikni takomillashtirishga yordam berib, bularsiz sport faoliyatini tasavvur etib bo'lmaydi. Shunga qaramay, o'yin tanlab olingan harakat sifatlaridan birini takomillashtirishga yo'naltirilgan harakatlarni o'ziga olib, ularga umumiy jismoniy ta'sir etuvchi mashq sifatida qaralishi kerak. Shuning uchun biron-bir ham harakatli o'yin birgina sifatni rivojlantirish vositasi bo'lib xizmat qilishi mumkin emas. Qoida bo'yicha, kuch bilan kurashish elementi yordamida chidamlilik va epchillik rivojlantiriladi. Ushbu elementsiz yakka kurashni tasavvur eta olmaymiz. Masalan, "Poygaga ot" o'yini. Bu o'yinda maydonda ko'proq qolish maqsadida onaboshidan qochib yuradilar.

Tahlil va natijalar.

Kuchni tarbiyalash. Murabbiy shunday o'yinlarni tanlashi kerakki, ular kerakli mushak guruhlari ta'sir ko'rsatib, ularni maxsus mashqlarsiz bo'sh rivojlantiriladi. Gimnast uchun qo'l kuchli, gavda baqquvat, balandga sakrash uchun oyoqlar kuchli bo'lishi kerak. Agar "juft-juft bo'lib tortish" o'yini istalgan sport turi bo'yicha mashg'ulotlar uchun to'g'ri kelsa, "Poyga ot" o'yini gimnastlarga nisbatan yengil atletikachilarga yaqin. "Zambil g'altaklar" estafetasi qo'lda tayanib harakatlanuvchilar, "Joyni o'zgar-tirish" o'yini oddiy yuguruvchilarga emas, balki chang'ichilarga mos keladi.

Kuchni rivojlantirishga yordam beruvchi ba'zi o'yinlarda shug'ullanuvchilar o'z vaznini og'irlashtirish orqali raqib qarshiligini yengib o'tadi. Bunday o'yinlarda buyumlar (to'ldirma to'p, gantel, skameyka va sh.k) yoki sherikdan foydalaniladi. O'zining og'irligini yengib o'tishda talab etilgan o'yinni o'tkazish uchun gimnastika devori, brus, vertikal arqondan foydalaniladi. Bunday o'yinlarda orqaga tayanib, sakrash siljish bilan bog'liq jihozlar talab qilinmaydi. Suvda, qumda yugurish bilan estafeta va o'yinlar o'tkazish ham foyda beradi.

Bu o'yinlardan aksariyati (tortilish, qo'lni bukish va yozish; to'ldirma to'pni uloqtirish bilan estafetalar) kuch tayyorgarligi o'zgarishini karakterlovchi nazorat mashqlari (testlar) ko'rinishida o'tkaziladi. Shunga o'xshash sinovlarga emotsional tus berish o'yin qatnashchilarini shaxsida qanday bo'lsa va xuddi komanda bo'lib g'alabaga erishish uchun maksimal kuchlanish namoyon qiladi.

Agar muntazam ravishda takrorlanadigan izometrik mashqlar o'smirlarda qaddi-qomatda nuqson keltirib chiqarishi mumkin (tayanch harakat apparatining nafisligi bilan bog'liq), bunday o'yinlar, kompleks ta'sir ko'rsata oladigan, shunday natijalardan qochishga imkon beradi.

Uni teskarisi, ayrim o'yinlar shug'ullanuvchilarga

("joyni almashish", "Zambil g'altaklar musobaqasi") korregirat qilishga ta'sir ko'rsatadi.

O'yinda boshlovchilarga katta hajmdagi va og'ir mashqlar berish mumkin emas. Emotsional ko'tarinkilik ularning yetarli bo'lmagan jismoniy tayyorgarligi o'rnini bosa olmaydi. Kuchni tarbiyalashga yo'naltirilgan o'yinlar (o'quv qo'llanmasida keltirilganlari): "Xo'rozlar jangi", "Doira ichiga tort", "Kim kuchli", "Doiradan tortib chiqar", "Joy almashish", "Elkada kurashish" va boshqalar [2].

Tezlikni tarbiyalash. Bu sifat ayniqsa o'yin jarayonida yaxshi rivojlanib, gavdaning siljish tezligi yoki uni fazodan qismini va vaqt birligida bajariladigan harakat son yoki miqdori, mustaqil qisqarish tezligi va signalga javob reaksiyasi shunday tezlikni asosiy ko'rsatkichlari bilan birga qo'shib olib boriladi. Buni murakkab bo'lmagan – "Raqibni chaqirish", "Kun va tun", "Kim tezroq" estafetalar, "Yiqilayotgan tayyoqcha", "Hujum" kabi o'yin – estafetalar misolida kuzatishimiz mumkin. Modomiki tezlikni rivojlantirish uchun beriladigan mashq iloji boricha tez yoki o'shanga yaqinroq me'yorda, bajariladi, uni ikki tomon faol musobaqalashishi bilan o'yinini xarakteri bo'yicha mos kelishi kerak: "Ovchilar va o'rdaklar", "To'p uchun kurash", "To'pni tutib olish", "Chavandozlar", "To'p o'rtadagiga" va sh.k tezlikni tarbiyalashda, bu esa harakatlanayotgan ob'ektni reaksiyasini talab qiladigan o'yinlar muvaffaqiyatli qo'llaniladi, ya'ni muhimi yakka kurashda va sport o'yinlarida.

O'yinda tezlikni rivojlantirish uchun beriladigan mashqlar xarakteri bo'yicha ham xilma-xil bo'ladi. O'yindan joy olgan mashq harakatlari yoki tanlangan tayyor o'yinlar mushaklarning qisqarish tezligi va harakat shakli bo'yicha tanlab olingan sport turiga xos bo'lgan harakatlantiruvchi harakatga imkon boricha yaqinroq bo'lishi kerak. Tezlikni rivojlantirish uchun kuchlanish mashqlaridan keng foydalaniladi, shuning uchun tezkorlik-kuchlanish xarakteridagi mashqlar bilan beriladigan o'yinlar bu vazifani hal etishga yordam beradi. Asab tizimini optimal qo'zg'atishda tezlikni qo'zg'atuvchilar ko'proq samara beradigan, tezkorlik sifatiga yordam beradigan o'yinlarni charchash kelib chiqmasidan avval mashg'ulot darsi boshida o'tkazish tavsiya qilinadi.

Epchillikni tarbiyalash. Epchillikning dastlabki sharti – harakatni va koordinatsiyani birgalikda o'rganishdan iborat. Turli-tuman harakatli o'yinlar harakatni tez va aniq bajarilishi, muvozanat saqlash va koordinatsiya rivoji uchun tanlab olingan sport turidagi muvaffaqiyatni belgilab, epchillikni tarbiyalash uchun mustahkam asos yaratadi.

Epchillikni yuksak darajada rivojlantirish ayniqsa sport turlarida zarurki, u yerda harakat, xarakterga ega mashqni bajarish sharoiti hamma vaqt o'zgaradi. O'yinda bu belgilar aynan o'ziga xos faoliyat turi sifatida bo'ladi. Shuning uchun ko'pchilik harakatli o'yinlar epchillikni namoyon bo'lishi bilan bog'liq. O'yinda "Mushak kuchlanish sezgisi", "Sezgi

bo'shligi", "Sezgi vaqti" takomillashadi. Bunday o'yinlar jarayonida turli analizatorlar funktsiyasi takomillashib, ulardan harakatni (epchillik bilan) to'g'ri, aniq va o'z vaqtida bajarishga xizmat qiladi.

Epchillikni rivojlantirishga yo'naltirilgan o'yinlar, ya'ni mushaklar zo'riqishiga aniq va noziklikni talab qiluvchi mashqlarni bajarish bilan bog'liq, shuning uchun o'yinni takrorlashda biroz dam olish, oldingi yuklamalardan charchash asoratlari qolmaganida, o'yinni bolalar o'zlari o'tkazadi.

Chidamlilikni tarbiyalash. Chidamlilik o'yinda statik holatda emas, balki dinamik sharoitda, zo'riqish va bo'shshish almashinishida namoyon bo'ladi. Bunday maqsad uchun qo'llaniladigan bir xil o'yinlarda ma'lum tsiklik harakatlar (masalan, "Chiqib ketish bilan poyga", "Quvib yet") kabilarda aks etuvchi zo'riqish ma'lum ritm bilan bog'liq bo'lmaydi (to'p bilan o'ynash). Bir qancha o'yinlar mavjud bo'lib, ularda yuqori tezlikda mushak ishlashi tezlik va chidamlilikni rivojlantirish bilan mushtarak holda boradi. Bunday "To'p o'rtadagiga", "To'pni tutuvchi", "Juft-juft bo'lib ilib olish", "To'p uchun kurash" singari o'yinlar odatda umumiy jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlari rejasiga kiritiladi va basketbol, futbol va qo'l to'pi bilan bir qatorda qo'llaniladi. Shu bilan birga, ular yordamida o'yinda yuklamani boshqarib borish mumkin bo'lgan usullar mavjud:

1) Maydonni o'lchamini saqlagan holda o'yinchilar sonini kamaytirish;

2) Maydonchani kattalashtirib, o'yinchilar sonini oshirmagan holda o'yin usullari va qoidalarini murakkablashtirish.

Chidamlilikni rivojlantirish uchun beriladigan

Adabiyotlar

1. Усманхожаев Т.С., Хожаев Ф. Харакатли ўйинлар. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.

2. Усманхожаев Т.С., Хожаев Ф. Куни узайтирилган мактабларда жисмоний тарбия. –Тошкент: «Ibn-Sino», 1987.

3. Нормуродов А.Н. Ўзбек миллий ўйинлари. –Тошкент: «Тафаккур», 1999.

REZYUME. Maqolada harakatli o'yinlarni tashkil etish shakllari, jismoniy tarbiya darslarida harakatli o'yinlarni o'tkazish usullari misollar bilan keltirilgan. O'quvchilar o'yin mazmunini yaxshiroq o'zlashtirishi uchun etakchi mutaxassisning og'zaki tushuntirishi bilan birga uning ayrim harakatlarini bajarib ko'rsatish zarur ekanligi ta'kidlangan.

РЕЗЮМЕ. В статье на примерах представлены формы организации подвижных игр, методы проведения подвижных игр на занятиях по физическому воспитанию. Чтобы учащиеся лучше усвоили содержание игры, необходимо выполнять некоторые ее действия наряду с устным объяснением ведущего специалиста.

SUMMARY. The article presents examples of forms of organizing outdoor games, methods of conducting outdoor games in physical education classes. In order for students to better understand the content of the game, it is necessary to perform some of its actions along with an oral explanation from the leading specialist.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'YINLI O'QITISH VA VIZUAL MATERIALLAR YORDAMIDA INGLIZ TILINI TEZKOR O'RGATISHNING AHAMIYATI

S.K.Saparbaeva – tayanch doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: boshlang'ich ta'lim, ingliz tilini o'rganish, tezkor o'rganish metodikasi, til ko'nikmalarini rivojlantirish, o'yinli o'qitish, vizual va audio materiallar, lingvistik ko'nikmalar, ta'lim texnologiyalari.

Ключевые слова: начальное образование, изучение английского языка, методика быстрого обучения, развитие языковых навыков, игровое обучение, визуальные и аудио материалы, лингвистические навыки, образовательные технологии.

Key words: primary education, the English language learning, rapid learning method, language skills development, game learning, visual and audio materials, linguistic skills, educational technologies.

Kirish. Bugungi globallashuv davrida chet tillarini bilish yosh avlod uchun zarur bo'lib, ayniqsa, ingliz tilini erta yoshdan o'rganish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ingliz tili dunyo miqyosida ta'lim, ilm-fan

va texnologiyalar tiliga aylanganligi sababli, o'quvchilarni kichik yoshdan boshlab bu tilni o'zlashtirishga qaratilgan dasturlar tobora kengayib bormoqda [2:533-535]. Ammo boshlang'ich sinflarda ingliz tilini samarali o'rganish ko'pincha ko'nikmalar va metodikalar yetishmasligi tufayli murakkab kechadi. Shu bois, boshlang'ich ta'limda tezkor va samarali o'rgatish usullari va o'yinli o'qitish texnikalariga bo'lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Pachenko o'zining "Обучение английскому языку учащихся начальных классов, имеющих нарушения речи" nomli maqolasida boshlang'ich sinf o'quvchilarining ingliz tilini tez va samarali o'zlashtirishini ta'minlash uchun turli metodlarni tadqiq etadi [7:187-193]. Tadqiqot maqsadi – yosh o'quvchilarda til ko'nikmalarini tezkor va oson shakllantiruvchi o'quv uslublarini ishlab chiqish va ularning samaradorligini baholashdan iborat. Shuningdek, maqolada o'yin asosida o'rgatish, vizual va audio materiallardan foydalanish kabi usullarni qo'llash natijasida, o'quvchilarning ingliz tilini o'zlashtirish darajasidagi o'zgarishlar ham tahlil qilinadi. Bu tadqiqot boshlang'ich sinfda chet tilini o'rgatishda samarali metodlarni qo'llash orqali til ko'nikmalarini rivojlantirishni takomillashtirishga qaratilgan.

Metodlar. Ushbu tadqiqot, boshlang'ich sinf o'quvchilarining ingliz tilini tez o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirishda qo'llaniladigan turli metodlarning samaradorligini o'rganishga qaratilgan. Tadqiqotda tanlangan metodlar, o'quvchilarning o'rganish jarayoniga qanday ta'sir ko'rsatishini aniqlashga imkon berdi. Tadqiqotning asosiy maqsadi, boshlang'ich sinf o'quvchilarining ingliz tilini o'zlashtirishda eng samarali metodlarni aniqlashdir. Birinchi navbatda, tadqiqot eksperimental usulda o'tkazildi, bunda o'quvchilar ikki guruhga bo'linib, har bir guruh uchun turli metodlar qo'llanildi. Birinchi guruh uchun tezkor o'rganish metodlari – o'yin asosida o'qitish, vizual va audio materiallar yordamida o'qitish usullari joriy etildi. Ikkinchi guruhda esa an'anaviy o'qitish metodlari qo'llanildi. Bu ikki guruh o'rtasidagi farqni baholash, o'quvchilarning o'zlashtirish darajasidagi o'zgarishlarni taqqoslash imkonini berdi. Tadqiqotda ishtirok etgan o'quvchilar 7-9 yoshdagi boshlang'ich sinf o'quvchilari bo'lib, jami 60 nafar o'quvchi tadqiqotda qatnashdi. Ishtirokchilar tasodifiy ravishda tajriba va nazorat guruhlariga ajratildi. Har bir guruhda teng miqdorda o'quvchilar bo'lib, bu metodlar samaradorligini obyektiv baholashga imkon berdi. O'qitish metodlarining samaradorligini aniqlashda bir qator innovatsion texnologiyalar qo'llanildi. O'yin asosidagi o'qitish metodlari, o'quvchilarning ingliz tiliga qiziqishini oshirish va ularni darslarda faol qatnashishga rag'batlantirishda samarali bo'ldi. Interaktiv o'yinlar yordamida o'quvchilarga yangi so'zlarni o'rgatish va grammatik qoidalarni mustahkamlashda yuqori natijalar kuzatildi. O'quvchilarga vizual va audio materiallar – rasm,

video, multimediali materiallar, va audio yozuvlar taqdim etildi. Bu metodlar, o'quvchilarning eshitish va ko'rish orqali o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam berdi. Har bir mavzuga mos materiallar tayyorlanib, o'qitishda foydalanildi. Buning natijasida o'quvchilarning o'zlashtirish darajasi sezilarli darajada oshdi. Darslarni yanada jonli va interaktiv o'tkazish uchun qisqa muddatli mashqlar, til o'yinlari va suhbat texnikalari ham qo'llanildi, bu esa o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishini yanada kuchaytirdi. Tadqiqot jarayonida ma'lumot yig'ish va baholash muhim ahamiyatga ega edi. Har bir darsdan so'ng o'quvchilarning o'zlashtirish darajasi o'lchandi. Bu maqsadda qisqa testlar va savol-javoblar o'tkazildi. Tadqiqot davomida olingan natijalar tajriba va nazorat guruhlarining natijalarini taqqoslash orqali tahlil qilindi. Statistik usullar yordamida o'quvchilarning ingliz tilidagi ko'nikmalaridagi o'zgarishlar darajasi aniqlab berildi. Bu metodlar o'quvchilarning ingliz tilini tez o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirishda qanday samaralar berishini o'rganishga va o'quv jarayonida qo'llaniladigan turli metodlarning samaradorligini tahlil qilishga xizmat qildi.

Natijalar. Ushbu tadqiqotning natijalari boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun ingliz tilini tezkor o'rganish metodlarining samaradorligini aniq ko'rsatdi. Tajriba va nazorat guruhlarining o'zlashtirish darajalari taqqoslanganda, o'yin asosida o'rgatish va vizual-audio materiallardan foydalanishning ijobiy ta'siri sezilarli darajada ma'lum bo'ldi. Tajriba guruhidagi o'quvchilar, ya'ni tezkor o'rganish metodlari orqali ta'lim olgan bolalar, an'anaviy o'qitish usullaridan foydalanilgan nazorat guruhiga qaraganda ancha yuqori o'zlashtirish darajasini ko'rsatdilar. Statistik tahlillar shuni ko'rsatdiki, tajriba guruhidagi o'quvchilar o'zlashtirish darajasida 25-30% yuqoriroq natija ko'rsatishgan. Bu natijalar, tezkor o'rganish metodlarining, xususan, o'yin asosidagi o'qitish va vizual-audio materiallardan foydalanishning, o'quvchilarning til o'rganishdagi samaradorligini oshirishda muhim rol o'ynashini tasdiqladi. Tajriba guruhida o'quvchilarning til o'rganish ko'nikmalarida sezilarli rivojlanish kuzatildi. Ayniqsa, so'z boyligini kengaytirish va grammatik qoidalardan foydalanish bo'yicha yirik o'sish ko'rsatkichlari ro'y berdi. O'yin asosidagi o'qitish va vizual materiallar yordamida bolalar yangi so'zlarni tez va samarali o'zlashtirishdi. Tadqiqotda o'quvchilarning 80% dan ortig'i yangi so'zlarni muvaffaqiyatli eslab qolishgani qayd etildi, bu esa o'qitish metodlarining samaradorligini tasdiqlovchi yana bir muhim dalildir. Bundan tashqari, o'quvchilarning til o'rganishga bo'lgan qiziqishlari va darslarda faoliyat darajasi ham sezilarli darajada oshdi. O'yinli o'qitish metodlari orqali o'quvchilarda ingliz tiliga nisbatan ijobiy munosabat shakllanib, bu ularning darslarda yanada faol qatnashishiga olib keldi. Tajriba guruhidagi o'quvchilarning bu kabi ijobiy o'zgarishlari nazorat guruhidagi o'quvchilarga

nisbatan ancha kuchliroq bo'ldi. Statistik tahlil natijalari esa tajriba guruhining o'rtacha bahosi nazorat guruhiga qaraganda sezilarli darajada yuqori ekanligini ko'rsatdi ($p < 0.05$). Bu natijalar tezkor o'rgatish metodlarining boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun ingliz tilini o'zlashtirishda samarali ekanligini isbotladi. Shunday qilib, ushbu tadqiqot boshlang'ich ta'limda ingliz tilini o'rganish jarayonida o'yin asosidagi o'qitish, vizual va audio materiallardan foydalanish, hamda tezkor o'rgatish texnikalarining samaradorligini ko'rsatdi. Bu metodlar o'quvchilarning til ko'nikmalarini tez va muvaffaqiyatli rivojlantirishga yordam beradi, shuningdek, ularning chet tilini o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshiradi.

Munozara. Ushbu tadqiqot natijalari boshlang'ich sinflarda ingliz tilini tezkor o'rganish uchun yangi pedagogik metodlar va texnologiyalarning samaradorligini tasdiqladi. Tezkor o'rgatish metodlari, xususan, o'yin asosida o'qitish va vizual-audio materiallardan foydalanish, o'quvchilarning chet tilini o'zlashtirishiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Tadqiqot davomida aniqlangan natijalar ushbu metodlarning muhim ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi, chunki ular o'quvchilarda qiziqish, faoliyat va o'zlashtirish darajasini oshirishda foydali ekanligini isbotladi. Boshqa tadqiqotlar bilan taqqoslaganda, bizning natijalarimiz bolalarda chet tiliga qiziqishni rag'batlantirish va bilimlarni samarali shakllantirish uchun o'yin texnikalarining ahamiyatini qo'shimcha tasdiqlaydi. Bu metodlar, ayniqsa, yosh bolalar uchun qiziqarli va motivatsion bo'lib, ularning yangi materialni eslab qolishiga va undan amaliy foydalanishiga yordam beradi. Shu bilan birga, vizual va audio materiallar orqali o'rganish o'quvchilarning eshitish va ko'rish sezgilari yordamida bilimni yanada mustahkam shakllantiradi, bu esa til o'rganish jarayonini sezilarli darajada tezlashtiradi. Tadqiqotda bir qator cheklovlar ham mavjud bo'lib, ular kelgusidagi ishlar uchun imkoniyatlarni ko'rsatib beradi. Masalan, tadqiqot faqat boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan o'tkazildi, bu esa boshqa yosh guruhlariga qo'llanilishi mumkin bo'lgan metodlarning samaradorligini ko'rsatish imkonini bermaydi. Kelajakdagi tadqiqotlarda turli yoshdagi guruhlarni qamrab olish orqali bu metodlarning

umumiy samaradorligini tekshirish tavsiya etiladi. Shuningdek, darslarning davomiyligi va materiallarning xilma-xilligini oshirish orqali o'quvchilarning qobiliyatlarini yanada chuqurroq o'rganish mumkin. Umuman olganda, ushbu tadqiqot boshlang'ich ta'limda ingliz tilini tezkor va qiziqarli tarzda o'rgatishning amaliy ahamiyatini tasdiqlaydi. Olingan natijalar o'quv jarayoniga yangi metodlarni joriy qilish va ularni sinab ko'rish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, tadqiqot pedagoglarga va ta'lim tizimidagi mutaxassislariga chet tilini o'rgatishda o'quvchilarning qiziqish va qobiliyatlarini rivojlantirish uchun turli xil texnologiyalardan samarali foydalanish zarurligini anglatadi.

Xulosa. Ushbu tadqiqot boshlang'ich sinf o'quvchilarida ingliz tilini tezkor o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirish uchun zamonaviy o'qitish metodlari va texnologiyalarning samaradorligini tasdiqladi. O'yin asosidagi o'qitish, vizual va audio materiallar yordamida ta'lim jarayonini tashkil etish o'quvchilarning ingliz tilini o'zlashtirish darajasini sezilarli darajada oshirdi. Natijalar shuni ko'rsatdiki, bolalarga chet tilini tez va samarali o'rgatishda interaktiv metodlardan foydalanish ularning til o'rganish ko'nikmalarini mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega. Tezkor o'rgatish usullari o'quvchilarning qiziqishlarini uyg'otib, darslarda faol qatnashuviga sabab bo'ldi, bu esa o'zlashtirish samaradorligini oshirdi. Shuningdek, tadqiqot davomida olingan ma'lumotlar bu metodlarning qiziqarli va motivatsion xarakterga ega ekanligini tasdiqladi. Biroq, tadqiqot faqat boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan o'tkazilganligi bois, boshqa yosh guruhlarida ham o'xshash natijalarni olish imkoniyatlarini tekshirish tavsiya etiladi. Umuman olganda, tadqiqot natijalari boshlang'ich ta'limda ingliz tilini tezkor o'rgatish metodlarining amaliy ahamiyatini ko'rsatadi. Ushbu metodlarni ta'lim jarayonida qo'llash boshlang'ich sinf o'quvchilarning chet tiliga bo'lgan qiziqishlarini oshirish va o'zlashtirish darajasini yaxshilashga xizmat qiladi. Bu natijalar ta'lim sohasidagi mutaxassislariga va pedagoglarga o'quv jarayonini yanada samarali qilish uchun yangi strategiyalarni ko'rib chiqish va joriy qilishda yordam beradi.

Adabiyotlar

1. Murodullayevna M.Q. Ingliz tilni boshlang'ich sinflar kesimida o'qitishda innovatsion metodlardan foydalanish. *tadqiqotlar. UZ*, 37(1), 2024. 158-162.
2. Valijonovna A.G. Z., & Jaloliddinovna J.F. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida o'qish texnikasini rivojlantirish (ingliz tili misolida). *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(18), 2024. 533-535.
3. XXX, S. D., & Murodullayevna M.Q. Ingliz tilni boshlang'ich sinflar kesimida o'qitishda innovatsion metodlardan foydalanish. *tadqiqotlar. UZ*, 37(1), 2024. 150-153.
4. Абдурахманова П.Д. Специфика обучения иностранному языку учащихся начальных классов в контексте современных требований в области образования. *Мир науки, культуры, образования*, (2 (57)), 2016. -С.241-242.
5. Коваленко Е.В., Маслякова Ю.Ю. Визуальные методы обучения как средство повышения мотивации к изучению английского языка в средних и старших классах. *Наука и образование сегодня*, (6-1 (41)), 2019. -С. 82-84.
6. Новикова Е.А. Роль игры на уроках английского языка на начальном этапе обучения. *Муниципальное образование: инновации и эксперимент*, (4), 2014. -С.73-74.
7. Пашенко Л.П. Обучение английскому языку учащихся начальных классов, имеющих нарушения речи: из опыта работы. *Проблемы современного педагогического образования*, (52-6), 2016. -С. 187-193.

REZYUME. Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining ingliz tilini tezkor o'rganish ko'nikmalarini rivojlantirish metodlari o'rganilgan. Tadqiqotda o'yin asosidagi o'qitish, vizual va audio materiallar kabi tezkor o'rgatish texnologiyalari qo'llanilib, o'quvchilarning tilni o'zlashtirish darajasini oshirish maqsad qilingan. Olingan natijalar ko'rsatdiki, tezkor o'qitish usullari boshlang'ich ta'lim jarayonida samarali bo'lib, o'quvchilarning lingvistik ko'nikmalarini tez va samarali shakllantirishga imkon beradi. Maqola natijalari o'quv jarayonida tezkor o'rganish metodlarini qo'llashning amaliy ahamiyatini ko'rsatib beradi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье изучены методы развития навыков быстрого изучения английского языка учащимися начальных классов. В исследовании использованы такие технологии оперативного обучения, как игровое обучение, визуальный и аудиоматериалы, целью которых является повышение уровня овладения языком учащихся. Полученные результаты показали, что методы экспресс-обучения эффективны в процессе начального образования и позволяют быстро и эффективно формировать языковые навыки учащихся. Результаты статьи показывают практическую значимость применения методов быстрого обучения в учебном процессе.

SUMMARY. This article examines the methods of developing English language skills in elementary school students. The study employed operational learning technologies such as game-based learning, visual and audio materials aimed at improving students' language proficiency. The results obtained showed that the methods of express learning are effective in the process of primary education and allow students to quickly and effectively develop their language skills. The results of the article demonstrate the practical significance of applying rapid learning methods in the educational process.

PEDAGOGIK PROGNOSTIKANING O'QITUVCHI FAOLIYATIDA TUTGAN O'RNI HAMDA KOMPONENTLARINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI

T.Q.Seytmuratova – tayanch doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: prognoz, pedagogik prognozika, pedagogik prognoztik komponentlik, zamonaviy pedagogika, pedagogik texnologiyalar.

Ключевые слова: прогноз, педагогическое прогнозирование, компонент педагогического прогнозирования, современная педагогика, педагогические технологии.

Key words: forecast, pedagogical forecasting, pedagogical forecasting component, modern pedagogy, pedagogical technologies.

Pedagogik texnologiyalarning keng diapazonli bo'lishi Davlat ta'lim standartlari doirasida ta'lim oluvchilarga taqdim etiladigan o'quv materiallarining maksimum miqdoridagi ijodiy hamda evristik darajalarini belgilash imkonini beradi. Shu ma'noda, pedagogik prognozika tafakkur doirasida bugungi kunga qadar hukmron bo'lib kelayotgan quruq metodizmdan voz kechishi kerak. Bu demak, ta'lim-tarbiya jarayonini boshqarishda pedagogik texnologiyaning ustuvorligini ta'minlashdan iboratdir.

“Pedagogik prognozika” fanining maqsadi – bo'lajak mutaxassisning pedagogik prognoztik madaniyatini shakllantirishni, ilm-fan rivojining strategiyasini oldindan belgilash va uning afzalliklarini oydinlashtirish malakalarini shakllantirishni ta'minlashdir. Prognozni ishlab chiqish jarayoni prognozlash deb ataydi. Pedagogik prognozlash (bashoratlash) – bu pedagog-tadqiqotchining ekstrapolyatsiya (*bashoratlash-tirilayotgan ob'yektining oldingi va hozirgi kundagi rivojlanish tendentsiyalarini o'rganish va ulardan kelajakni sharhlashda foydalanish*), modellashtirish, ekspert bahosi kabi metodlarga asoslangan ta'limiy-tarbiyaviy tizimni rivojlantirishni bashoratlashga, pedagogik nazariyalarni rivojlantirishga hamda pedagogik voqelik va jarayonlarni bashoratlashga qaratilgan ilmiy-tadqiqotchilik faoliyatidir.

Prognoz – bu istiqboldagi voqea, hodisalarning ilmiy modeli hisoblanadi, ya'ni kelajakda obyektning ehtimoliy holati haqida yoki bu holatga erishishning muddatlari va alternativ yo'llari haqida ilmiy

asoslangan fikrlar, mulohazalar. Prognozlarni ishlab chiqishning qo'yidagi usullari mavjud: a) ekspertlarning bevosita va sirtidan, individual va jamoaviy so'rovlariga asoslangan – *ekspertiza*;

b) *ekstrapolyatsiya va interpolyatsiya* – obyektning avvalgi rivojlanishi o'rganish va ushbu rivojlanishning o'tmishdagi va hozirgi kundagi qonuniyatlarini kelajakka ko'chirib o'tish va prognozning avvalgi muddatlarini asoslash davomiyligida bashorat qilinayotgan hodisani ko'rsatkichlarini rivojlanishining dinamik qatorlarini shakllantirish;

v) *modellashtirish* – o'zgarishlarning mavjud yoki miqyoslari va yo'nalishlari to'g'risidagi bilvosita ma'lumotlar bo'yicha kutilayotgan yoki istalayotgan o'zgarishlarni hisobga olgan holda obyektning modelini shakllantirish va tadqiq etish [1:3].

Pedagogik prognozika yangi pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqish va ta'lim amaliyotiga tatbiq etish jarayonida didaktik birliklar orasidagi ob'yektiv shart-sharoitlar, barqaror holatlarni hamda qonuniyatlarni hisobga oladi. Chunki didaktik birliklar orasidagi barqaror qonuniyatlarni hisobga olmasdan turib, pedagogik texnologiyani joriy etishning yo'l va vositalarini kashf etish mumkin emas.

Pedagogik prognozika pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga intensiv tarzda qo'llash mexanizmini yaratgandagina, ta'lim tizimida mavjud bo'lgan barcha holatlarni qamrab olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Chunki pedagogik texnologiya pedagogik prognozika orqali uzluksiz ta'lim tizimini muvofiqlashtirishga yo'naltirilgan har qanday

nazariyani amaliyotda qo'llashning eng qulay va samarali vositasidir.

Pedagogik prognostika shaxsni xar tomonlama rivojlantirish qonuniyatlariga asoslangan holda Davlat ta'lim standarti doirasida ta'lim mazmuni negizining minimal hamda maksimal, ya'ni ijodiy va evristik, shuningdek, ta'limning muayyan darajalarini egallanganlik o'zlashtirilganlik natijalarini belgilab beradi.

Pedagogik prognostika bitiruvchilarning tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan talablarni aniqlashda masalaga shaxs manfaatlari, shaxs, davlat va ja-miyat, fan, ishlab chiqarish ehtiyojlari nuqtayi nazaridan yondashilishini ta'minla lozim.

Pedagogik prognostika ta'lim oluvchilarning tayyorgarlik darajasi, shaxsiy sifatleri, ko'nikmalari, ixtisoslikka oid bilimi haqidagi axborotlarning aniqligi hamda valitligini ta'minlashni nazarda tutib, nazoratning yangidan-yangi, samarali usullarini taklif qilishga erishishi talab etiladi. Bunda ta'lim oluvchilarning o'quv-biluv faoliya-tini nazorat qilishning yangi va mukammal texnologiyalarini ishlab chiqish hamda taqdim etish ko'zda tutiladi [2:5].

Zamonaviy pedagogika fani ta'limning innovatsion rivojlanishini ta'minlaydigan yangi vazifalar majmuini hal qiladi. Kelajakda qanday pedagog xodimga ehtiyoj seziladi degan savolga javob topmasdan turib, yangi texnologiyalarni ishlab chiqish, ta'lim mazmunini takomillashtirish, o'qitishning yangi maqsad va vazifalarni belgilash mumkin emas. Nazariyotchi olimlar, bir tomondan, xalqaro sifat standartlariga mos keladigan umumiy va kasb-hunar ta'limi tizimini yaratishga intilishlari kerak bo'ladi, boshqa tomondan, milliy madaniy an'analarni saqlab qolishlari kerak. Kelajakdagi ta'lim tizimining loyihalarini amalga oshirishda professional va pedagogik hamjamiyat qanday qiyinchiliklarga duch kelishini tasavvur qilishi, shuningdek samarasiz rivojlanish strategiyalaridan foydalanish usulini takrorlamasligi hamda innovatsion amaliyotga o'z vaqtida kerakli tuzatishlar kiritish kerak. Ushbu masalalar fanning yangi sohasi – ilmiy prognozlashning diqqat markazida turibdi. Ta'lim bilan bog'liq ilmiy prognozlersiz, kelajak rivojini boshqarish mumkin emas. Ilmiy prognozlash kibernetikaning postulatlariga asoslanadi, unga ko'ra har bir tizim bir vaqtning o'zida ham ishlaydi, ham rivojlanadi. Shuning uchun, ilmiy prognozlash muammolari har doim bu ikki aspektga murojaat qiladi.

Prognozlarning yo'nalishi ularning qo'llanilish sohasining o'ziga xosligi bilan belgilanadi. Ta'lim sohasiga nisbatan esa ta'limiy prognozlash va pedagogik futurologiya kabi atamalar qo'llaniladi. Ushbu yo'nalish pedagogik innovatsiyalarning nazariy va uslubiy asoslarini ishlab chiqish, yangiliklar va yangiliklarni joriy qilish usullarini taklif qilish, innovatsiyalarni ishlab chiquvchilar va buyurtmachilarning harakatlarini muvofiqlashtirish

uchun mo'ljallangan. Buyurtmachilar ommaviy iste'mol qilishga mo'ljallangan yangi yoki innovatsion mahsulotni ishlab chiqish va amalga oshirishning barcha bosqichlarida ishtirok etadigan ta'limni rivojlantirishning muhim omili hisoblanadilar. Hattoki, jamiyat rivojining yangi ehtiyojlari bilan bog'liqlikda ishlab chiqilgan yangi ta'limiy innovatsiyalar ham muammoni ma'lum darajada hal qilishga imkon beradi, ammo to'liq bartaraf eta olmaydi.

Pedagogika fani har doim muayyan darajada shartli ravishda fundamental, shuningdek, vaqtincha ahamiyatga ega bo'lgan har xil vazifalarni hal qilib kelgan. Fundamental vazifalarga qonunlar, qonuniyatlar, tamoyillar, didaktik qoidalar va boshqalarni tadqiq qilish kiradi [6, 7].

Vaqtinchalik ahamiyatga ega bo'lgan muayyan darajadagi vazifalar pedagogik muammoning shoshilinch ravishda zaruriy tomonlarini ishlab chiqish zarurati nuqtayi nazaridan hal etiladi. Bunga o'quv maqsadlari uchun elektron resurslar kutubxonalarini yaratish, yangi avlod ta'lim standartlari va pedagogik professionalizm standartlarini ishlab chiqish, o'qituvchilar uchun odatdagi stresslarni aniqlash va ularni engish yoki kamaytirish yo'llarini aniqlash, ta'lim oluvchilarning sog'lig'ini saqlash muammolari bo'yicha o'qitishning didaktik asoslarini yaratish, ta'lim oluvchilarning kasb tanlashiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash, maktab munosabatlari tizimida odatda nizolarning tabiati va sabablarini ochib berishlar kiradi [8].

Ta'lim sohasida standartlashtirish konsepsiyasining umumiy uslubiy jihatlari turli jihatlarida juda aniq ko'rinadi. Biroq, turli moslamalarni va hodisalarga nisbatan standartlashtirish g'oyalari amalga oshirilishi darajasi juda farq qiladi. Biz balki sezilarli malka oshirish uchun, uning normal holatda ishlashi uchun emas, balki faqat zarar yetkazmagan holda standartlash orqali real obyektlar haqida, yana o'ziga xos, imkoniyati va ta'lim standartlashtirish muhtoj haqida gapirish kerak va bu yoki boshqa ta'lim va pedagogik tadbirlarning yakuniy samaradorligi hisoblanadi.

Xulosa. Pedagogik prognostika - bu ta'lim tizimining rivojlanishini oldindan bashorat qilish va unga mos ravishda pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqish jarayonidir. Uning asosiy maqsadi ta'lim va tarbiya jarayonini samarali boshqarish, yangi pedagogik metodlarni ishlab chiqish va joriy etishdan iborat. Pedagogik prognostika, o'z navbatida, ta'lim oluvchilarning shaxsiy va ixtisoslikka oid sifatlarini rivojlantirish, innovatsion texnologiyalarni tatbiq etish va pedagogik jarayonni optimallashtirishni ta'minlaydi. Zamonaviy pedagogik bilimlar va metodologiyalar, xususan, prognozlash va ekspert baholash kabi usullar orqali ta'lim sohasidagi strategik qarorlar qabul qilinadi. Shu bilan birga, pedagogik prognostika ta'limning yuqori sifatini ta'minlash va jamiyat ehtiyojlariga mos keladigan kelajakdagi mutaxassislarni tayyorlashda muhim rol o'ynaydi.

Adabiyotlar

1. Jo'raev R.H., Taylaqov N.I. Axborotlashgan ta'lim muhiti–o'qitish samaradorligini oshirish vositasi. // Uzluksiz ta'lim. 2004. №3. 3-7-b.
2. G'ulomov. X.R. Raimov. va boshqalar. Ta'lim–tarbiya sifati va qirralari. – T.: «Fan va texnologiyalar», 2004.
3. Taylaqov N.I. Uzluksiz ta'lim tizimi uchun informatikadan o'quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning ilmiy pedagogik asoslari. Monografiya. –T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat nashriyoti, 2005.
4. Tolipov O., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. – T.: «Fan», 2005.
5. Anikeeva N.P. Jamoadagi ruhiy muhit. -T.: «O'qituvchi» 1993.
6. Osnova pedagogicheskogo masterstva Pod redakstiey. A.Zyazuna. -M.: «Просвещение», 1989.
7. Kan-Kalik V.A., Nikandrov N.D. Pedagogicheskoe tvorchestvo. -M.: «Pedagogika», 1990.

REZYUME. Maqolada pedagogik prognostikaning o'qituvchi faoliyatida tutgan o'rni va komponentlarini rivojlantirish zaruriyati haqida soz yuritiladi.

РЕЗЮМЕ. В статье говорится о необходимости разработки роли и компонентов педагогической прогностики в деятельности учителя.

SUMMARY. The article discusses the role of pedagogical prognostics in teacher activity and the need to develop its components.

“REFLEKSIV YONDASHUV”, “AXBOROT” VA “AXBOROT BILAN ISHLASH MALAKASI” TUSHUNCHALARINING ILMIY PEDAGOGIK TAHLILI

O.M.Temirov – *tayanch doktorant*

Namangan davlat universiteti

Tayanch so'zlar: refleksiv yondashuv, axborot, axborot bilan ishlash malakasi, axborot hajmi, axborot oqimi, analiz-sintez, munosabat, pedagogik faoliyat, bo'lajak o'qituvchi.

Ключевые слова: рефлексивный подход, информация, навыки работы с информацией, объем информации, поток информации, анализ-синтез, отношение, педагогическая деятельность, будущий учитель.

Key words: reflexive approach, information, information skills, information volume, information flow, analysis-synthesis, attitude, pedagogical activity, future teacher.

Kirish. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi yangi tahririning VII bob 33-moddasida ta'kidlab o'tilganidek, “Har kim fikrlash, so'z va e'tiqod erkinligi huquqiga ega. Har kim istalgan axborotni izlash, olish va tarqatish huquqiga ega” [1].

Ma'lumki, axborot har bir shaxs uchun qulay ta'sirchan manba hisoblanadi. Turli ko'rinishlarda yetkazilgan axborotning eng oddiy usullari ham shu qadar ta'sirchan kuchga ega bo'lishi mumkinki, uning nojo'ya ta'sirini hech kim sezmasligi, oldini olmasligi, bir so'z bilan aytganda unga qarshi tura olmasligi mumkin. Insoniyat tajribasi shundan dalolat beradiki, har bir shaxs axborotni qabul qilmasdan, uni anglashga harakat qilmasdan yashay olmaydi. Bugungi axborotlashgan va kompyuter inqilobi mavjud bo'lgan jamiyatda axborotni saqlash, unga ishlov berish va uzatish texnik qurilmalar zimmasiga yuklatilganligi, shaxsda ayniqsa, ta'lim tizimida axborot bilan ishlash va undan samara foydalana olish mahoratini shakllantirish muammosini dolzarbligini yuzaga chiqaradi.

Tahlil va metodologiya. Refleksiv yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarda axborot bilan ishlash malakalarini takomillashtirish xususida to'xtalar ekanmiz, ilmiy-pedagogik adabiyotlarda “refleksiv yondashuv”, “axborot”, “Axborot bilan ishlash malakasi” tushunchalarining yoritilishini ham ilmiy jihatdan tahlil qilish muhim deb hisobladik.

Tadqiqotimizning asosiy tushunchalaridan biri bu refleksiv yondashuv hisoblanadi. Tadqiqot muammosini nazariy va amaliy o'rganish jarayonida bo'lajak o'qituvchilarning axborot bilan ishlash malakalarini rivojlantirishda refleksiv yondashuv

zarurligi ma'lum bo'ldi. Bu esa, shaxsning refleksiv bilim va ko'nikmalarini axborot bilan ishlash malakalarini rivojlantirishga ta'sir etuvchi asosiy omillardan biri sifatida belgilaydi. Mazkur holat eng avvalo, refleksiya jarayonini psixologik va pedagogik jihatdan har tomonlama chuqur o'rganishni va tahlil qilishni taqozo etadi [2].

Muhokama. Refleksiya – (lotincha “reflexio” – ortga qaytish, aks ettirish) bu inson ongi aktlari turlaridan biri, ya'ni ong harakati bo'lib, subyektning o'z (ichki) psixik tuyg'u va holatlarini bilish jarayoni sifatida qaraladi.

Refleksiya - bu ko'p jihatdan inson hayotining ontologik tomonini ifodalaydi va insonning o'ziga xos xususiyatlaridan biri hisoblanadi [3:382].

I.M.Syechenov o'zining «Bosh miya reflekslari» asarida refleksivlikka «ongli va ongsiz hayotning hamma hodisalari kelib chiqishi bo'yicha refleks demakdir» - deb hisoblaydi [4:19].

Pedagogik adabiyotlarda refleksiv jarayonlarni izohlashning ikki an'anasi ajratib ko'rsatiladi:

– kognitiv va hissiy kechinmalar mohiyatini izohlashga va ularni konstruksiyalashga olib keladigan ongning refleksiv tahlili;

– insonning o'z-o'zini va shaxslararo muloqot mazmunini tushunish refleksiyasi.

Refleksiya o'zini-o'zi anglashning tasvirlanishi, muloqot jarayonida sub'ektning suhbatdosh sifatida qanday qabul qilinayotganligini anglashi, sub'ektning muammoni va uning vujudga kelish sabablarini ko'ra olishi, aniqlashi, o'rganishi va tahlil qila olish qobiliyati [5:24].

Refleksiya orqali ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilarining o'z faoliyatiga bo'lgan munosabati muvofiqlashtiriladi va hamkorlikdagi faoliyatning shakl va mazmuniga mos ravishda mazkur faoliyatning qayta tashkil etilishi ta'minlanadi. Bu bilan bog'liq ravishda quyidagi refleksiv jarayonlar ajratib ko'rsatiladi:

- o'z-o'zini va boshqalarni tushunish;
- o'z-o'ziga va boshqalarga baho berish;
- o'z-o'zini va boshqalarni izohli tahlil qilish

[6:75].

Odatda, refleksiv yondashuv fikrlash, o'z-o'zini anglash, o'zini-o'zi nazorat qilish, o'zining shaxsiy xatti-harakatlari va ularning oqibatlarini tushunish uchun yo'naltirilgan faoliyat shakli sifatida namoyon bo'ladi. Mazkur xulosa, refleksiv yondashuvni axborot bilan ishlash mahoratini shakllantirishning asosiy indikatori sifatida belgilaydi. Agar refleksiya hodisasini muayyan jarayonni butunligicha aks ettirish usuli deb hisoblasak, unda u bizga axborotni qabul qilish, o'zlashtirish uning natijadorligini kuzatish va kamchiliklarini aniqlash, tahlil qilish imkonini beradi.

M.I.Dyachenkoning fikriga ko'ra refleksiv yondashuv - muayyan xatti-harakatlarga munosabat, harakatlar, motivlar va aqliy xususiyatlar bilan belgilanadigan hozirgi vaqtda shaxsni muvaffaqiyatli harakatlarga undovchi yondashuvdir [7:399].

Z.T.Radjabova refleksiv yondashuvni shaxsning "o'z ish faoliyati natijalarini mustaqil, tahliliy baholash malakalariga ega bo'lishlariga erishish maqsadga muvofiqligini anglatadi" [8:46] deb ta'kidlaydi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda refleksiv yondashuvga quyidagicha muallif ta'rifi ishlab chiqildi: "Refleksiv yondashuv-voqea-hodisalarning shaxs ongida aks etishi natijasida o'zini-o'zi baholashi va axborotlarni tafakkur qilishi, real voqeliklarga munosabat bildirish olishi hamda yakuniy natijalarga javob bera olishga asoslangan yondashuv".

Tadqiqotimizning yana bir muhim jihatlaridan biri bu – axborot tushunchasidir. Ilmiy-pedagogik adabiyotlarni tahlil qilar ekanmiz, axborot tushunchasi turli fan sohalarida turlicha sharxlanganini ko'rishimiz mumkin. Jumladan axborot tushunchasi O'zbekiston milliy ensiklopediyasida "Axborot (Informatio-tushuntirish, bayon qilish) odamlar bir-biriga og'zaki, yozma va boshqa usulda (shartli signallar, texnika vositalari va x.k.z) beradigan axborot, shuningdek, axborot berish va olish jarayoni" deb ta'kidlansa, O'zbek tilining izohli lug'atida "ish, voqae-hodisalar haqida tushuncha beruvchi xabar, ma'lumot" deb ta'kidlanadi. Shuningdek, psixologik lug'atlarda axborot tushunchasi "Barcha sezgi organlarimiz orqali qabul qila oladigan ma'lumotlar majmui va ularning o'zaro bog'lanish darajasidir" deb ta'kidlansa, falsafa qomusiy lug'atida "Qadim zamonlardan buyon qo'llanilib kelinayotgan, kibernetikaning taraqqiyoti tufayli keyingi vaqt keyingi, kengroq ma'no kasb etgan markaziy kategoriyalar sifatida maydonga chiqqan tushuncha" deb ta'kidlanadi. Shuningdek,

Axborot-kommunikatsion texnologiyalar izohli lug'atida axborot tushunchasi "Ta'qdim etilish shaklidan qat'iy nazar shaxs, predmet, dalil, voqea, hodisa va jarayonlar haqidagi ma'lumotlar" deb ta'kidlanadi.(1-jadval)

1-jadval. Axborot tushunchasiga turli fan sohalarida doirasida berilgan ta'riflar

№	Ensiklopediya/ Izohli lug'at nomi	Berilgan ta'rif
1	O'zbekiston milliy ensiklopediyasi	Axborot (Informatio-tushuntirish, bayon qilish) odamlar bir-biriga og'zaki, yozma va boshqa usulda (shartli signallar, texnika vositalari va x.k.z) beradigan axborot, shuningdek, axborot berish va olish jarayoni
2	O'zbek tilining izohli lug'ati	ish, voqae-hodisalar haqida tushuncha beruvchi xabar, ma'lumot
3	Psixologik lug'atlarda	Barcha sezgi organlarimiz orqali qabul qila oladigan ma'lumotlar majmui va ularning o'zaro bog'lanish darajasidir
4	Falsafa qomusiy lug'ati	Qadim zamonlardan buyon qo'llanilib kelina-yotgan, kibernetikaning taraqqiyoti tufayli keyingi vaqtkeyingi, kengroq ma'no kasb etgan markaziy kategoriyalar sifatida maydonga chiqqan tushuncha
5	Axborot-kommunikatsion texnologiyalar izohli lug'ati	Taqdim etilish shaklidan qat'iy nazar shaxs, predmet, dalil, voqea, hodisa va jarayonlar haqidagi ma'lumotlar.

Axborot tushunchasi keng ma'noli tushuncha hisoblanib, barcha davrlarda ham tadqiqotchilarning e'tiborida bo'lib kelgan. O'rganishlarizmi shuni ko'rstadiki, axborot tushunchasi nafaqat fan sohalarida balki, tadqiqotchi-olimlar o'rtasida ham turlicha talqin etiladi. Jumladan, "Axborot-falsafiy kategoriya, chunki u o'zida insonning fenomenologik bilimlarini ham ifoda etadi" (D.I.Dubrovskiy), "Zamonaviy bosqichda materiya atributi sifatida axborotning umumfalsafiy muammosi uzul-kesil yechim topgan emas" (S.B.Lukovkin), "Axborot-tashqi olamga ko'nikish jarayonida undan olingan mazmunni ifodalashdir" (N.Virner), "Axborot kommunikatsiya va aloqa jarayonidagi noaniqlikning bartaraf qilinishi" (V.D.Popov), "Axborot-strukturalarning me'yori, yangilik, orginallik" (R.Eshbi), "Axborot-tanlash ehtimolligi" (S.Mol), "Axborot tushunchasi ko'p ma'noga ega, lekin umumiy falsafiy, metolingvistik ma'noda potentsial, keng yoritilgan real mohiyatning majmui"

(L.P.Svitich), “Axborot-xilma-xillikni aks ettirishdir” (A.D.Ursul), “Axborot-tashqi olam bilan munosabat o‘rnatish vositasi” (B.X.Xodjayev), “Biror bir narsa, voqea yoki hodisa xususida ma‘lumot berish” (U.Sh.Begimqulov), “Ma‘lumotlar majmui” (Aripdjanova) deb takidlanadi. (2-jadvalda atroflicha aks ettiriladi.)

Yuqorida bildirilgan ta‘riflardan kelib chiqqan holda axborot tushunchasiga quyidagicha mualliflik ta‘rifini ilgari surdik: “Axborot bu shaxsning ijtimoiylashuv jarayonini tashkil etuvchi hamda uning tashqi muhitga moslashuviga ko‘maklashuvchi, shaxslararo munosabatni tarkib toptiruvchi, ma‘lum narsa va hodisalar xususida tasavvur uyg‘otuvchi keng ma‘noli tushuncha”.

2-jadval. Axborot tushunchasiga tadqiqotchi-olimlar tomonidan berilgan ta‘riflar

№	Muallif	Berilgan ta‘rif
1	D.I.Dobrovskiy Verbinskiy	Axborot-falsafiy kategoriya, chunki u o‘zida insonning fenomenalogik bilimlarini ham ifoda etadi
2	S.B.Lukovkin	Zamonaviy bosqichda materiya atributi sifatida axborotning umumfalsafiy muammosi uzul-kesil yechim topgan emas
3	I.Virner	Axborot-tashqi olamga ko‘nikish jarayonida undan olingan mazmunni ifodalashdir
4	V.D.Popov	Axborot kommunikatsiya va aloqa jarayonidagi noaniqlikning bartaraf qilinishi
5	R.Eshbi	Axborot-strukturalarning me‘yori, yangilik, orginallik
6	S.Mol	Axborot-tanlash ehtimolligi
7	L.P.Svitich	Axborot tushunchasi ko‘p ma‘noga ega, lekin umumiy falsafiy, metolingvistik ma‘noda potensial, keng yoritilgan real mohiyatning majmui
8	A.D.Ursul	Axborot-xilma-xillikni aks ettirishdir
9	B.X.Xodjayev	Axborot-tashqi olam bilan munosabat o‘rnatish vositasi
10	U.Begimqulov	Biror bir narsa, voqea yoki hodisa xususida ma‘lumot berish
11	A.Aripjanova	Ma‘lumotlar majmui
12	Mualliflik ta‘rifi	Axborot bu shaxsning ijtimoiylashuv jarayonini tashkil etuvchi hamda uning tashqi muhitga moslashuviga ko‘maklashuvchi, shaxslararo munosabatni tarkib toptiruvchi tushuncha

Axborot tushunchasiga berilgan ta‘riflardan kelib chiqqan holda unga xos belgilarni quyidagicha tavsiflash mumkin:

- axborot – bu har qanday ma‘lumot emas, balki u mavjud noaniqliklarni kamaytiruvchi yangi bir ma‘lumotdir;
- axborot uni yaratuvchisidan tashqarida mavjud bo‘ladi, u o‘z yaratuvchisidan uzoqlashgan, inson tafakkurida aks etgan bilimdir;
- axborot xabarga aylanadi, chunki u belgilar ko‘rinishida ma‘lum bir tilda ifodalangan;
- xabar moddiy tashuvchiga yozib qo‘yilishi mumkin (xabar axborotni uzatish shaklidir);
- xabar uning muallifi ishtirokisiz aks ettirilishi mumkin;
- u jamoat kommunikatsiyasi kanallari orqali uzatiladi.

Shuningdek, axborotning belgilari bilan birgalikda uning xossalari xususida ham to‘xtalib o‘tish lozim. Axborotning xossalarga to‘liqlik, yaroqlilik, ishonchlilik, dolzarblik, tushunarlilikni kiritish mumkin.

Axborotlarni to‘plash, qayta ishlash va uzatish vositalarga bo‘lgan ehtiyoji juda katta. Uzatish vositalari - sputnik, televizor, radio, magnitafon, video, telefon va x.k. To‘plash va tashuvchi vositalar deb kitob, gazeta, kaseta va disklarni tushunishimiz mumkin. Mazkur jarayon esa axborot bilan ishlash malakasini talab qiladi.

Axborot bilan ishlash malakasi - axborot bilan maqsadga muvofiq tarzda ishlash, ularni o‘zlashtirish maqsadida qayta ishlash, kompleksli axborot texnikasi, zamonaviy texnik vositalar va usullarni qo‘llash [9:91]. Faqat yuqori darajadagi axborot bilan ishlash malakasiga ega bo‘lgan shaxslargina axborotlarni ishonchli-ishonchsiz, samarali-samarasizga ajratish mahoratiga ega bo‘ladi. Bu esa pedagogik jarayonlarda muammoli vaziyatlarni jadallik bilan xal etish, ta‘lim sifati va samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Axborot bilan ishlash malakasi – bu o‘z kasbiy faoliyati prizmasi asosida orttirilgan ijtimoiy-madaniy tajribani yangilashga qodir bo‘lgan shaxsning o‘ziga xos xususiyatlarining integrativ xususiyati [10:243].

Xulosa. Tadqiqot muammosini integral o‘rganish bo‘lajak o‘qituvchilarning refleksiv yondashuv asosida axborot bilan ishlash malakasi takomillashtirish orqali tegishli yo‘nalishda o‘qitish sifatini yaxshilash, samaradorligini oshirishga yordam beradi. Qolaversa, bo‘lajak o‘qituvchilarning refleksiv yondashuv asosida axborot bilan ishlash malakasi takomillashtirish mazmuni va ustuvor tamoyillarini aniqlashtirish uchun “poydevor” vazifasini o‘taydi. Refleksiv yondashuv asosida bo‘lajak o‘qituvchilarning axborot bilan ishlash malakasi takomillashtirish ko‘p bosqichli, uzoq muddatli, murakkab jarayon sanaladi. Qolaversa, jarayonning samaradorligi bo‘lajak o‘qituvchilarning refleksiv yondashuv asosida axborot bilan ishlash malakasi takomillashtirishga qaratilgan pedagogik faoliyat uchun ustuvor bo‘lgan tamoyillarning to‘g‘ri belgilanishiga ham bog‘liq.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi yangi tahriri. 01.05.2023
2. <https://hozir.org/ba-yoshlarning-sanogen-tafakkurini-rivojlantirishda-refleksiv.html>
3. Морозюк С.Н. Саногенная рефлексия как фактор оптимизации акцентуаций характера и повышения эффективности учебной деятельности: диссертация...д.п.н.к.: - Москва: 2001. –С. 382.
4. Кашлев С.С. Организация рефлексивной деятельности студентов педагогического ВУЗа. –Москва: «Высшая школа», 1998. № 2. -С. 19-25.
5. Крайнова Ю.Н. «Саногенная рефлексия в структуре эмоциональной компетентности будущих педагогов». Автореф дисс.канд.пед.наук. –Москва: 2010.
6. Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Психология развития человека. Учебное пособие - Москва: Изд-во ПСТГУ, 2013, –С. 75
7. Dyachenko M.I. Qisqacha psixologik lug'at / M.I. Dyachenko, L.A. Kandybovich. - Minsk: «Halton», 1998. 399-b.
8. Раджапова З.Т. Дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш: пед. фан.бўйича. фалс.докт. ... дис.автореф. – Т.: 2020. 46-б.
9. Pedagogika ensiklopediya. 1-jild. -Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat nashriyoti. 91-b
10. Круглякова Г.В. Содержание и технология формирования профессиональной информационно-коммуникативной компетенции студентов-филологов: автореф. дис....канд. пед. Наук. –Тольятти: 2007. –С. 243.

REZYUME. Mazkur maqolada tadqiqot ishimizning asosini tashkil etuvchi “refleksiv yondashuv”, “axborot”, “axborot bilan ishlash malakasi” tushunchalarining ilmiy adabiyotlarda yoritilishi ilmiy-pedagogik jihatdan tahlil etilgan. Ushbu tahlillar natijasida mualliflik tariflari ilgari surilib, ilmiy asoslangan. Shuningdek maqolada, refleksiv yondashuv asosida bo‘lajak o‘qituvchilarning axborot bilan ishlash malakalarini shakllantirishning bugungi pedagogik ta’limdagi zarurati xususida ham ayrim fikr-mulohazalar bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье с научно-педагогической точки зрения анализируется освещение понятий «рефлексивный подход», «информация», «навыки работы с информацией» в научной литературе, что составляет основу нашей исследовательской работы. В результате этого анализа ставки авторских прав являются передовыми и научно обоснованными. Также в статье на основе рефлексивного подхода высказываются некоторые мнения о необходимости формирования навыков работы с информацией у будущих учителей в современном педагогическом образовании.

SUMMARY. This article analyzes the scientific and pedagogical coverage of the concepts of "reflexive approach", "information", "information skills", which form the basis of our research work, in the scientific literature. As a result of these analyses, authorial tariffs are put forward and scientifically substantiated. The article also presents some thoughts on the need for today's pedagogical education to form the skills of future teachers to work with information based on a reflexive approach.

ТАРИХ ТАЪЛИМИДА МЕДИАКОНТЕНТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

Б.Толепов – мустақил изланувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: тарих таълими, контент, медиаконтентдан фойдаланиш шартлари.

Ключевые слова: преподавание истории, контент, условия использования медиаконтента.

Key words: teaching history, content, conditions for using media content.

Кириш. Технологик тараққиёт натижасида АКТ ва автоматик қурилмалар нашр ишларини ҳам ўз зиммасига олмакда. Оқибатда технологик “портлаш эффекти” таъсирида, қолаверса, АКТнинг кенг қўламли функционал имкониятларига таянган ҳолда замонавий таълим назарий билимларни ўзлаштириш ва уларни амалий малака, компетенцияларга айлантиришга имкон берадиган электрон шаклдаги дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик кўрсатмалар, машқ, масала ва диктантлар тўпламлари, хрестоматиялар, маълумотномалар, луғатлар, тарихга оид географик хариталар, атласлар, альбомлар, маъруза матнлари, ўқув-методик мажмуалар, иш дафтарлари, аудио ёзувлар, видео ва графикли материаллар, тақдимотлар, “ўқув ва ишчи йўриқномалар, амалий машғулотлар учун топшириқлар тўплами, виртуал стендлар, имитацион тренажёрлар, визуал анимациялар, лойиҳа ишлари (намуналар),

ишчанлик ўйинлари, очик online курслари, ўқув модули бўйича кўшимча адабиётлар рўйхати, ўқув моделини мустақил ўзлаштириш учун махсус сайтлар рўйхати” [2:70], шунингдек, дастурий таъминот каби ўқув манбаларига эга бўлинди.

“Ўқув характеридаги электрон шаклдаги ўқув адабиётлари босма (қоғозли) манбалар эга бўлган барча хусусиятларга эга бўлиш билан бирга яна бир қатор фарқли жиҳатлар ҳамда афзалликларга эга. Жумладан, компьютер ёки флеш-тўпловчининг хотирасида маълумотларни зич қилиб сақлаш, гиперматнлилик, мобилилик, кўп микдорда нашр қилиш, ўзгартиришлар ва кўшимчаларни тезкор киритиш имкониятига эгалик, электрон почта, (ҳозирда эса Telegram, Instagram, X (Facebook) ва бошқалар) орқали жўнатишнинг қулайлиги қабилар. Бу ўзида ўқув фанлари бўйича дидактик, методик ва ахборот-маълумот характеридаги материалларни ўз ичига олган автоматик ўқитиш тизими, шу билан бирга

билимларни мустақил ўзлаштириш ва ўқув-билиш фаолиятини мустақил баҳолаш учун фойдаланиладиган дастурий таъминот ҳисобланади” [4].

Ўзбекистон шароитида ҳам сўнгги ўн беш йил мобайнида ўқитиш тизимига электрон шаклдаги ўқув адабиётларини самарали фойдаланиш амалиёти жорий қилинган бўлса, охириги беш йил ичида эса рақамли технологиялар томонидан тақдим этилаётган бошқа бир турдаги ахборот ресурслари – Интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги каналлар, блоглар ва улардан оқилона ёндашган ҳолда таълимий мақсадда фойдаланиш масаласи долзарблашди. Бунинг сабаби таълим олувчилар, хусусан, талабаларнинг Интернет ва ижтимоий тармоқлар каби рақамли ресурслар билан фаол мулоқотга кираётгани, мазкур мулоқотнинг барча ҳолатларда ҳам улар учун фойдали бўлмаётгани, аҳамият касб этмаётганидир.

Бугунги кунда рақамли ресурслар замонавий шахс, жумладан, талабалар ҳаётининг асосий элементига айланиб улгурди. Навбатдаги вазифа рақамли ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир талаба (қолаверса, барча таълим олувчи)лар учун амалий аҳамият касб этишига эришиш, фойдали бўлишини таъминлаш саналади. Ушбу вазифани бажаришнинг самарали усули – рақамли ресурсларни таълимий мақсадларда фойдаланишга йўналтириш бўлиб, улар ёрдамида талабаларда танқидий, таҳлилий, ижодий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга эришилади.

Талабаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантириш жараёнида рақамли ресурсларни таълимий мақсадларда фойдаланишга йўналтиришда тарих фанларининг ўқитувчилари асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг касбий маҳоратга, самарали методик фаолият тажрибасига эгаллиги эса янада аҳамиятлидир.

Рақамли ресурсларни таълимий мақсадларда фойдаланишга йўналтиришда тарих фанлари ўқитувчиларининг касбий маҳорати, самарали методик фаолият тажрибасига эга бўлиши куйидаги икки йўналишда намоён бўлиши зарур:

1) мутахассислик фанларининг пухта эгаллаганлик даражаси;

2) АКТ билан самарали ишлай олиш ва таълим жараёнига АКТни муваффақиятли татбиқ қилиш компетентлиги.

Табиийки, ҳар бир касбнинг муваффақияти, юқори даражали натижаси мутахассиснинг соҳа асосларини пухта билиши, когнитив билимларини амалиётда қўллай олиши, фаолият натижаларини рефлексив таҳлил қила олиши, ютуқларнинг омиллари ҳамда камчиликларнинг сабабларини аниқлаган ҳолда уларни тегишли равишда ривожлантириш ёки бартараф қила билиши ҳисобига таъминланади.

Медиаконтент асосида талабалар тарихий тафаккурини ривожлантириш жараёни мураккаб ҳисобланади. Мураккаблик таълим ва медиа

ўртасида интеграцияни ҳосил қилиш, уларнинг имкониятларини ўзаро мувофиқлаштиришда акс этади.

Шу боис талабалар тарихий тафаккурини ривожлантириш медиаконтентдан фойдаланишга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш учун бир қатор шартлар амал қилиш талаб этилади. Асосий шартлар куйидагилардан иборатдир:

1. ОТМнинг моддий-техник асосга эгаллиги ва замонавий технологиялар билан жиҳозланганлик даражаси. Мақсадга эришиш учун ОТМ замонавий техникалар – интерфаол доска, компьютер, ноутбук, планшет ва проекторлар ҳамда юқори тезликка эга Интернет билан таъминланган бўлиши зарур. Шу билан бирга ОТМда тарих фанларининг ўқитувчиларининг ташаббуси, ҳамкорлиги асосида тарихий билимларга оид медиатеканинг шакллантирилгани муҳим аҳамиятга эга. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда медиатека ОТМнинг ўқитувчилари томонидан бевосита шакллантирилиши ёки республика миқёсида шундай медиатека мавжуд бўлса, ундан билвосита фойдаланиш ҳам мумкин. Юқори тезликдаги Интернетга эгалик талабаларга сифатли видеороликларни томоша қилиш, онлайн экскурсияларни ташкил қилиш, онлайн ресурсларга кириш имкониятини яратади.

Айни ўринда “медиаотека” тушунчасини шарҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Медиаотека – “ахборот-ресурс марказлари (кутубхоналар)да ёки ундан ташқарида жойлашган бўлиб, фойдаланувчилар қулай ва самарали ишлай олиши мумкин бўлган турли ахборот ресурслари (босма нашрлар ва турли гаджетларда жамланган материаллар, аудио ва видео маълумотлар, АКТ ёрдамида ўқиладиган ахборотлар)дан иборат муҳит. Унда жамланган ахборот ресурслари турли қурилмалар – ахборот ташувчиларда тақдим этилиши мумкин” [3].

Замонавий шароитда медиатекадан, асосан, рақамли технологиялар ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ўрин олмоқда. Талабаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиладиган медиатекада бевосита тегишли фан соҳасига оид маълумотларни ўзида жамловчи ахборот ресурслари, хусусан, тарихий бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ёзувлар, видео роликлар, графикли ишланмалар, анимация, интерфаол ресурслар жамланиши лозим.

2. Таълим жараёнида медиаконтентлардан фойдаланиш учун зарур педагогик шарт-шароитнинг яратилгани. Педагогик шарт-шароит куйидаги омиллар мавжудлигини ифодалайди: а) тарих фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражаси, АКТ, мобил қурилмалар, замонавий ўқитиш воситалари билан самарали ишлай олиш тажрибаси, технологик компетентлигининг юқорилиги; б) ўқитиш ва медиа интеграциясининг

таъминланган, яъни, тегишли тарих фанлари бўйича ўқув режаси ва дастурларига медиаконтентдан фойдаланишга оид мавзу ҳамда топшириқларнинг киритилганлиги; 3) ўқув жараёни, шунингдек, жуфтлик, гуруҳли ва жамоавий ҳамкорликка таянган ҳолда талабалар ўқув-билиш фаолиятининг медиаконтентдан фойдаланишга асосланиши (бунда эътибор талабалар фаолиятининг танқидий, таҳлилий, ижодий ва креатив характер касб этишига қаратилади.

3. Ўқитиш жараёнида психологик омиллар устуворлигига эришилганлик. Яъни, талабаларда тарихий билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёж, қизиқиш ва мотивация юқори бўлиши, уларнинг медиаконтент материалларига нисбатан мустақил, танқидий, таҳлилий, ижодий, креатив ёндашуви рағбатлантирилиши, ўқув жараёнида ўзаро коллаборация, шахсий фикрларни ҳурмат қилиниши, янги билимларни ўзлаштиришга, таълимий характердаги ижодий ва креатив маҳсулотларни яратишга нисбатан соғлом рақобатга эришиш зарур.

4. Сифатли медиаконтентга, бой медиатекага эгалик. Ўқитиш жараёнига татбиқ қилинадиган медиаконтент илмий-тарихий далилларга асосланган, мазмун ҳамда дизайн жиҳатидан дидактик, эстетик, гигиеник талабларга жавоб берадиган, ишончли манбалардан олинган, белгиланган таълим мақсадига мос бўлиши керак. Медиаконтентларнинг турли мавзу, шакл, метод, восита ҳамда технологияларга асосланиши, бадиий ва ҳужжатли фильм, видеоролик, аудио ёзув, анимация, интерфаол ресурслар (графикли материаллар)дан ташкил топиши талабаларнинг улар билан ишлашга бўлган қизиқишлари, ўқув-билиш фаолликларини оширади. Натижада ўқитиш сифати яхшиланиб, таълим самарадорлиги кафолатланади.

5. Таълим жараёнининг методик жиҳатдан таъминлангани (ўқитишнинг методик таъминоти). Тарих фанлари ўқитувчиларини медиаконтентлардан фойдаланишга оид ўқув ҳамда методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик йўриқномалар, ўқув топшириқлари тўплами, тақдимотлар, интерфаол ишланмалар, энг муҳими, етарлича шакллантирилган, бой медиатека билан таъминлаш ОТМда тегишли методик таъминот мавжудлигидан далолат беради. Шу билан бирга тарих фанларининг ўқитувчиларига ўқитишда медиаконтентлардан фойдаланишга оид методик ёрдам кўрсатиш, улар иштирокида тренингларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Тренингларда АКТ, медиа муҳитнинг таълим амалиётига татбиқ қилиш бўйича касбий компетентлик, иш тажрибасига эга педагогларнинг амалий-методик тавсияларидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорликда “Маҳорат дарслари”ни ташкил қилиш кутилган натижаларни беради.

Тарих фанлари ўқитувчиларининг медиаконтент асосида талабаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришдаги касбий маҳорати ва бой иш тажрибасига эгалиги уларнинг қуйидаги компетенцияларга эгалиги билан белгиланади:

I. Технологик компетентликка эга бўлиш. Тарих фанлари ўқитувчилари ҳам замонавий шахс сифатида ўқитишнинг замонавий воситалари – АКТ, интерфаол доска, онлайн таълим платформалар ва улар билан самарали ишлай олиш, турли рақамли ресурслар билан танишиш орқали тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини ёритувчи медиаконтентлардан иборат медиатекани яратиш компетенцияларини ўзлаштира олиши зарур. Шу билан бирга тарих фанлари зарур вазиятларда ўқитишнинг замонавий воситалари – АКТ, интерфаол доска, онлайн таълим платформалар билан ишлаш жараёнида юзага келиш эҳтимоли бўлган, аммо у қадар мураккаб бўлмаган техник, технологик нуқсонларни бартараф қилиш имконига ҳам эга бўлиши зарур. Бордию, юзага келган муаммолар мураккаб бўлса, у ҳолда ўқитувчилардан керакли мутахассисга мурожаат қилиши талаб қилинади.

II. Тарихий билимлар тарғиботини амалга оширадиган рақамли ресурслар – Интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, уларнинг фаолиятдан хабардорлик. Айни ўринда тарих фанлари ўқитувчилари учун ўзбек, рус ва инглиз сегментларида тарихий билимларни ёритувчи қуйидаги сайт ҳамда ижтимоий тармоқ каналларини маълумот ўрнида тақдим қилиш мумкин:

1. Ўзбек сегментида: “Turfa olam” (https://www.youtube.com/results?search_query=Turfa+olam), “Salom tarix” (<https://www.youtube.com/watch?v=KM0jsJt1aa8>), “Qadimgi tarix” (@Qadimgi_tarixlar), “Ko‘hna tarix” (@koxnatarix), “Xorazm tarixi suratlarda” (@xorazmtarixisuratlarda), “SuRaT vA tArIx” (@surat_va_tarix), “Tarix – eng qadimgi dunyo” (@History_inWorld).

2. Рус сегментида: “Древний Египет – Перо Маат” (<http://pero-maat.ru/>) “Античная мифология” (<http://mythology.sgu.ru/mythology/ant/index.htm>), “Древний мир” (<http://ancient.gerodot.ru/>), “История Древнего Рима” (<http://ancientrome.ru>), “Вторая мировая война” (<http://ww2.kulichki.ru/>), “Эллада: мифология древней Греции” (<http://www.hellados.ru/>), “Egypt: History – Pharaonic Dynasties (English) (История – Династии фараонов)” (<http://interoz.com/egypt/ehistory.htm>), “Великая Французская революция” (<http://larevolution.ru/>), “Средневековая жизнь” (<http://www.thedarkages.ru/>), “Герои Отечественной войны 1812 года” (<http://hero-1812.narod.ru/>), “Победители. Солдаты Великой войны” (<http://www.pobediteli.ru/about.html>) [1].

3. Инглиз сегментида: “From Revolution to Reconstruction...and What Happened Afterwards” (<http://odur.let.rug.nl/~usa/>), “Peopling North America” (<https://www.ucalgary.ca/system/404>), “Voice of the Shuttle - U.S. History Resources” (<http://vos.ucsb.edu/browse.asp?id=2642>), “American Archives: Documents of the American Revolution, 1774-1776” (<http://dig.lib.niu.edu/amarch/index.html>), “Civil War Photographs” (<http://memory.loc.gov/ammem/cwphtml/cwphtml.html>), “The Crisis of the Union: An Electronic Archive of Documents about the Causes, Conduct, and Consequences of the US Civil War” (<http://dewey.library.upenn.edu/sceti/civilwar/>), “Civil War Treasures from the New York Historical Society Collection” (<http://memory.loc.gov/ammem/ndlpcoop/nhihtml/cwnyhshome.html>), “America from the Great Depression to World War II: Photographs from the FSA-OWI, 1935-1945” (<http://memory.loc.gov/ammem/fsowhome.html>), “Chronicling America: Historic American Newspapers” (<https://chroniclingamerica.loc.gov/>), “AmDocs: Documents for the Study of American History” (<https://digitalcollections.nypl.org/>) [5].

III. Тарихий маълумотларга оид медиатекани шакллантиришда ҳамкасб ва талабалар билан ўзаро коллаборацияни қарор топтириш. Ҳар бир ўқитувчи мустақил равишда медиатекани яратиши шарт эмас. Индивидуал ҳаракат қилиш кўп вақт ва кучни талаб қилгани сабабли тегишли жараёнда ҳамкасблар ва талабалар билан ҳамкорликка эришиш мақсадга мувофиқ саналади.

IV. Медиаконтентларни танлаш ва уларнинг мазмунини таҳлил қилиш малакасига эгалик. Тарих фани ўқитувчилари мутахассислик нуктаи назаридан медиаконтент ва унинг мазмунини ҳар томонлама ўргана билиши ҳамда баҳолай олиши зарур.

V. Ўрганилаётган мавзу билан медиаконтентни ўзаро мувофиқлаштира олиш. Тарих фанларининг ўқитувчилари, энг аввало, ўз олдиларига танланган медиаконтентдан унинг мавзуси, тақдим қилиниш шакли ва ўқув мақсадларига мослиги нуктаи назарида қайси турдаги машғулотларда фойдаланиш зарур, деган саволни қўйишлари керак.

VI. “Академик билим+медиаконтент” бирлиги асосида талабаларнинг танланган медиа маҳсулотлари билан ишлашларига эришишга оид ўқув топшириқлари мажмуини яратиш. Бунда фан ўқитувчиларининг медиаконтент характеридан келиб чиққан ҳолда ўқув топшириқлари шакллари белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Глобаллашув шароитида рақамли технологияларнинг жамият ва шахс фаолиятига бевосита таъсири улардан самарали, мақсадли фойдаланиш имкониятларини изланишни тақозо қилмоқда. Талабалар рақамли технологияларнинг энг фаол фойдаланувчилари экани инobatта олинса, у ҳолда ўқитиш жараёнига медиаконтентларни татбиқ қилиш муаммоси янада долзарб бўлади. Бироқ, ўқитиш жараёнида медиаконтентлардан фойдаланиш мураккаб жараён бўлиб, унинг муваффақиятини таъминлашда бир қатор шартлар инobatта олинади. Ушбу шартлар ОТМнинг моддий-техник асос, муассасада тегишли йўналишда яратилган педагогик-психологик шарт-шароит, сифатли медиаконтент ҳамда бой медиатекага эгалик, таълим жараёнининг методик таъминоти билан боғлиқ. Қайд этилган шартларнинг инobatта олинishi, қолаверса, ўқитувчиларнинг юқори даражада касбий компетентликка эга бўлишлари тарих фанларида ўқитиш жараёнида медиаконтентлардан мақсадли, муваффақиятли фойдаланиш учун имконият яратади.

Адабиётлар

1. Егорова О.П. Интернет – ресурсы по истории // <https://nsportal.ru/user/579684/page/ssylki-na-informatsionno-obrazovatelnye-resursy>.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Тошкент: «Сано-стандарт», 2015. 70-б.
3. Медиатека // <https://monographies.ru/ru/book/section?id=4727>.
4. Понятие о средствах обучения // http://www.kgau.ru/distance/mf_01/ped-asp/08_01.html.
5. Selected Internet Resources in U.S. History // <https://www.nypl.org/about/divisions/milstein/internet-resources/us-history>.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тарих таълимида медиаконтентлардан самарали фойдаланишнинг муҳим шартлари ҳамда бу жараёнда педагогнинг роли хусусида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются важные условия эффективного использования медиаконтента в преподавании истории и роль педагога в этом процессе.

SUMMARY. The article discusses the important conditions for the effective use of media content in teaching history and the role of the teacher in this process.

KOLLABORATSIYALAR VA O'QITISHDA KOLLABORATIV TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI

M.J.Shamuratova – *katta o'qituvchi*

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi TATU Nukus filiali

Tayanch so'zlar: kollaborativ ta'lim, gibridd ta'lim, texnologiya, axborot tizim, fazo, aloqa.

Ключевые слова: коллаборативное образование, гибридное образование, технология, информационная система, пространство, коммуникация.

Key words: collaborative education, hybrid education, technology, information system, space, communication.

Gibridd ta'limni qo'llab-quvvatlashning so'ngi avlodi kollaborativ axborot tizimlarining (AT) paydo bo'lishi nafaqat ta'lim jarayoniga, balki uni boshqarish usullariga ham ta'sir ko'rsatdi. Tadqiqotimizda informatika o'qituvchilariga o'z ish jarayonlarini o'zgartirish va samaradorligini oshirish imkonini beradigan texnologik imkoniyatlarni o'rganishga e'tibor qaratdik.

Ingliz tilidagi "collaborative" atamasining to'g'ridan-to'g'ri nusqasi sifatida "kollaborativ" "birgalikda," "jamoaviy," "guruhli," "birgalikda amalga oshiriladigan," "umumiy" kabi so'zlarning hajmini aniqlashtirish uchun tobora ko'proq qo'llaniladi. Aniqlik barcha foydalanish misollariga emas, balki birinchi navbatda telekommunikatsiya vositalari, inson-mashina o'zaro ta'siri va bilimlarni rasmiylashtirilgan shaklda qayta ishlashning rivojlanishi bilan mavjud bo'lgan yangi texnologiyalarning (shu jumladan ijtimoiy) tavsiflariga tegishli. Jamoalarning avtomatlashtirilgan mehnati samaradorligini keskin oshirish uchun ushbu texnologiyalardan bir vaqtning o'zida turli shakllarda foydalanish, odatda, kollaborativ texnologiyalar (KT) deb ataladi. Texnologik xususiyatlarni hisobga olmaganda, hamkorlik [collaboration] odatda ikki yoki undan ortiq ishtirokchilarni birlashtiradigan, ular alohida erisha olmaydigan maqsadga erishish uchun birgalikda ishlaydigan interaktiv jarayon sifatida ta'riflanadi [1].

Kollaborativ makon (KM) [collaboration space] - bu hamkorlikda yaratiladigan o'quv va tadqiqot jarayonlari to'plami va kollaboratsiya ishtirokchilarining ularga kirish usullari, kollaborativ texnologiyalar (KT) [collaborative technologies] esa KM ni qurish va qo'llab-quvvatlashning har qanday texnologiyalari. "Kollaborativlik" atamasining yangi ma'nosini ilk bor Duglas Engelbart shakllantirgan deb hisoblanadi. 1984-yilda u jamoalarning ijodiy imkoniyatlarini samarali kengaytirish uchun hamkorlik texnologiyalari qondirishi kerak bo'lgan asosiy talablarni ixcham tarzda ta'rifladi, bu esa keyinchalik uzluksiz murakkablashib borayotgan muammolarni hal qilish imkonini beruvchi "insoniyatning jamoaviy intellekti" [Collective IQ] tushunchasining ta'riflanishiga olib keldi [2].

Shunday qilib, KTning rivojlanish tarixi 40 yilni tashkil etadi. 2000-yillardagi telekommunikatsiya inqilobi kollaborativ texnologiyalarga qo'shimcha xarajatlarni keskin kamaytirdi va dunyoning istalgan nuqtasida joylashgan o'n minglab odamlarga kollaboratsiyani kengaytirish imkonini berdi, bu esa

tizim muhandisligi rivojlanishining drayverlaridan biri bo'lib xizmat qildi [3]. Katta adron kollayderi [Large Hadron Collider (LHC)] hamkorliklari buning yaxshi misolidir. Jumladan, ATLAS hamkorligi (<http://cern.ch/atlas-collaboration>) hozirda 5000 dan ortiq ishtirokchini o'z ichiga oladi. Ularning 5000 dan ortig'i 38 mamlakatdagi 183 ta ilmiy markazni taqdim etuvchi olimlardir [4]. Xarajatlarni kamaytirish, shuningdek, kraudsorsing [crowdsourcing] - ma'lum bir loyiha ustida ishlash uchun noma'lum doiradagi xodimlarning katta sonini jalb qilish imkonini berdi. Texnik vositalarni rivojlantirish nuqtai nazaridan, hozirda loyiha faoliyatini qo'llab-quvvatlash orqali universal kollaborativ platformalarni (KP) yaratishga imkon beradigan KPlariga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Alohida ta'lim texnologiyalari o'qituvchilarning bir-biri bilan, o'qituvchi va o'quvchi, o'quvchilarning bir-biri bilan turli xil o'zaro ta'sirini nazarda tutadi. O'qituvchi tomonidan faol o'qitish metodikasidan birini amalga oshirish o'quvchilarning ushbu jarayonning turli jihatlariga ta'sir ko'rsatishini, o'quv materialini bilan va u bilan ishlashda bir-biri bilan o'zaro ta'sir qilishini nazarda tutadi. Faol ta'limning guruhli usullariga, masalan, kollaborativ o'qitish [collaborative learning], kooperativ o'qitish [cooperative learning], juftlikda o'qitish [think share pare], shuningdek, shakllantiruvchi baholash, masalan, o'zaro baholash [peer assessment] kiradi [5].

Shuni hisobga olish kerakki, o'quvchilarning o'zaro ta'sirini nazarda tutuvchi eng oddiy yondashuvlarni ham avtomatlashtirilmagan ("qo'lda") rejimda amalga oshirish jiddiy resurslarni, ayniqsa vaqtinchalik resurslarni talab qiladi va juda yomon masshtablanadi [6; 7]. Ishtirokchilarning ishlarini ko'paytirish, taqrizlarni to'plash, natijalarni umumlashtirish va o'quvchilarning mustaqil ishlariga fikr-mulohazalarni taqdim etishni talab qiladigan o'zaro baholashni tashkil etish bunga misol bo'la oladi. Kollaborativ axborot tizimlarida mavjud imkoniyatlar auditoriyada ham, sinfdan tashqarida ham bunday faoliyatni osonlashtiradi. Kollaborativ axborot texnologiyalarini qo'llash, masalan, uy vazifalarini bajarishda o'quvchilarning guruhli ishlarini tashkil etish va soddalashtirish imkonini beradi.

Kollaborativ axborot tizimlari yordamida shakllantiruvchi nazorat usullarini qo'llab-quvvatlash turli yo'nalishlarda bo'lishi mumkin va baholash chegaralarini sezilarli darajada kengaytiradi, yangi yondashuvlar va usullarga yo'l ochadi. Ta'lim

sohasidagi tadqiqotchilar ularni o'qitishning nisbatan yangi shakllari bilan bog'laydilar: ICL [interactive collaborative learning] [8] va kompyuterda hamkorlikda o'qitish [computer-supported collaborative learning, CSCL]. Yangilanishning nisbiyligi haqida gapirar ekanmiz, shuni ta'kidlaymizki, 1990 yillardayoq. ICL/CSCL o'qitishning faqat jozibali, ammo juda muammoli shakli edi [9], hozirgi vaqtda esa mobil kompyuter bilan hamkorlikdagi ta'lim [mobile-computer-supported collaborative learning, mCSCL] shakllar haqida gapiramiz. [10]. Kollaborativ texnologiyalar talabalarning shaxsiy raqamli qurilmalari, noutbuklar va smartfonlardan tortib to kengaytirilgan va virtual reallik tizimlarigacha [AR/VR] ta'sirni sezilarli darajada oshiradi. Shaxsiy yordamchi sifatida o'z qurilmalarini [by your own device, BYOD] ishga solish va o'quv KTga kirish usullari ICL va metodologiyalarning bir qismiga aylandi. Bu, masalan, virtual laboratoriyalarni yangi bosqichda amalga oshirish imkonini berdi [11; 12].

Kollaborativ ta'limni qo'llab-quvvatlash axborot tizimlariga oid asosiy vazifalar va muammolarni aniqlash maqsadida, biz ta'limdagi axborot tizimlari foydalanuvchilarining eng muhim guruhlarini ajratib oldik: o'quvchilar, o'qituvchilar va ma'murlar (turli darajadagi). Bundan keyin axborot tizimlari foydalanuvchilari haqida gapirganimizda, biz ushbu guruhlarining barchasini nazarda tutamiz va zarur bo'lganda ularni alohida nomlash bilan cheklanamiz.

Gibrid ta'limni amalga oshirishda o'qituvchilar va ma'murlar oldida turgan eng muhim vazifalardan biri - bu foydalanuvchilar ishtirok etadigan asosiy aloqa jarayonlari samaradorligini oshirishdir:

- o'quvchilar bilan umumiy muloqotni tashkil etish;
- informatika sohasiga xos bo'lgan materiallar ustida hamkorlikda ishlash;
- materiallarni ishonchli saqlash va ularning o'zgarishlarini kuzatib borish:
 - o'qituvchilar uchun - alohida fanlarning mavzularidan tortib axborot sohasidagi bilimlarning ko'p yillik rivojlanishigacha bo'lgan hajmda;
 - ma'murlar uchun - o'quv bo'limlarining aniq jarayonlaridan tortib ta'lim dasturlari va kompetensiya markazlarini rivojlantirishgacha bo'lgan hajmda;
- o'quv jarayoni va uning ishtirokchilari to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash hamda tahlil qilish.

Ushbu jarayonlar bilan bog'liq ayrim muammolar quyidagilardan iborat:

- turli sohalarida texnologiyalardan alohida foydalanish (masalan, bulutli xotiradan shaxsan va/yoki o'quv jarayonida foydalanish) bo'lingan fikrlashning namoyon bo'lishi sifatida;
- kasbiy faoliyatda zarur bo'lgan axborot tizimlari soni va ma'lumotlar hajmining ortib borishi;
- ma'lumotlarni qabul qilish va qayta ishlash tezligining oshishi;

- keng tarqalgan «klipli fikrlash» tushunchasi, bu aslida ongning yuqoridagi uch muammoga nisbatan intuitiv javobi hisoblanadi;

- o'qituvchilar va o'quvchilar o'rtasidagi texnologik tafovut tufayli yanada chuqurlashayotgan «raqamli savodxonlik»ning [13] past darajasi;

o'qituvchilar va o'quvchilar o'rtasidagi texnologik tafovutning chuqurlashuvi; litsenziyaviy tozalikka rioya qilish va texnologiyalarni sotib olish, joriy etish va qo'llab-quvvatlashning umumiy qiymatini minimallashtirishning murakkabligi.

Shaxsiy darajada amalda qo'llanilayotgan texnologiyalarning o'zgarish tezligi shunchalik yuqori bo'lib qoldiki, yangi texnik qurilma, dasturiy ta'minot yoki uslubni o'zlashtirishda 2-3 yillik kechikish jiddiy muloqot nizosiga sabab bo'lishi mumkin. Biroq, ko'proq uchraydigan holat shundaki, inson faoliyatning ma'lum sohalarida texnologiyalar to'plamidan foydalanadi, ammo to'plangan tajribasini yondosh sohalariga ko'chirmaydi. Bu, ayniqsa, jamoa bo'lib ishlashning sanoat tizimlari va ta'limda qo'llaniladigan tizimlarni taqqoslashda yaqqol namoyon bo'ladi.

O'zaro hamkorlik masalalarini alohida ta'kidlab o'tamiz. Aynan o'quv fani o'qituvchilari va ma'muriyat o'rtasidagi hamkorlik, shubhasiz, o'quv jarayonining muhim tarkibiy qismidir. O'zaro hamkorlikni tashkil etish masalasi, ayniqsa, ko'p sonli talabalar kontingenti va ikkitadan ortiq o'qituvchi dars beradigan kunduzgi kurslarda dolzarb hisoblanadi. Bunday vaziyatda samarali o'zaro ta'sir kamida quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- asosan turli o'qituvchilar bilan shug'ullanadigan talabalarning so'rovlariga o'z vaqtida javob berish;
- o'qituvchilarning o'quv materialining mavzulari va hajmi, nazorat tadbirlarining murakkablik darajasi, talabalar ishlarini baholash mezonlari bo'yicha qarorlarining muvofiqligi;
- o'qituvchilar va ma'muriyatning qoloq va muammoli talabalar bilan ishlash bo'yicha harakatlarini muvofiqlashtirish.

O'quv jarayonida o'quvchilar va o'qituvchilarning o'zaro munosabati faqat nazorat tadbirlarida ikki tomonlama ishtirok etish bilangina emas, balki kundalik o'quv faoliyatida ham namoyon bo'ladi: o'quv-mashq vazifalarini bajarish, o'quv materiallarini uzatish va qabul qilish, shakllantiruvchi qayta aloqa doirasida savol-javoblarni qayd etish kabi. O'quv jarayonida o'quvchilarning o'zaro hamkorligi ularning o'zlari tomonidan samarali tashkil etilishi mumkin. Masalan, loyihalar ustida guruh bo'lib ishlash, uy vazifalarini birgalikda yechish va boshqa shu kabi faoliyatlarda.

KPdan foydalanish o'qituvchilar va ma'muriy xodimlar ishini optimallashtiradi, shuningdek, ta'lim oluvchilarga bir qator afzalliklarni taqdim etadi. Ushbu ta'lim yondashuvining ijobiy tomonlarini batafsil ko'rib chiqsak, o'qituvchi faoliyatida KPdan foydalanish quyidagilarni bartaraf etishini ta'kidlash mumkin:

- turli hisoblar va kirish nuqtalaridan foydalanish (KPda xizmatlarning integratsiyalashuvi aniq ko'rinadi);

- elektron pochtdagi ortiqcha xatlar (KP ichki xabarnomalar tizimidan foydalanadi va bir nechta xabarnomalarni bitta xatga jamlash imkonini beradi);

- artefaktlarning takrorlanishi (KP artefakt ustida jamoaviy ishlashni ta'minlaydi);

- artefaktlar o'zgarishlarini nazorat qilishning yo'qolishi (KP ish natijalarini avtomatik ravishda saqlaydi va ma'lumotlarni versiyalaydi);

- ish joylarini sinxronlashtirish bo'yicha muntazam ishlar (KP barcha qo'llab-quvvatlanadigan qurilmalardan - ish kompyuterlari, planshetlar, smartfonlardan barcha o'zgarishlarni kuzatib boradi va «birlashtiradi»);

Quyidagilarni taqdim etadi:

- hamkorliklarni qulay tashkil etish va loyihalarni boshqarish (bu hamkorlik platformalarini yaratishning asosiy maqsadi hisoblanadi) - qulay teskari aloqaning turli xillari (KP axborot almashish va foydalanuvchilar harakatlarini nazorat qilish vositalarini birlashtiradi);

- avtomatik nashr qilish (KP faoliyatning dolzarb natijasini, shu jumladan «Internet» tarmog'ida cheklanmagan doiradagi shaxslar bilan «ulashish» imkonini beradi);

- kasbiy tarmoqlarga ulanish va brendni avtomatlashtirilgan tarzda shakllantirish (KP haqiqiy natijalar va o'quvchi/hamkasbning «umumiy ish»ga

qo'shgan hisssasi haqida aniq tasavvur hosil qilish imkonini beradi).

O'z navbatida, o'quvchilar nafaqat o'zlarining hamkorlikdagi o'zaro ta'siri uchun maydonga ega bo'ladilar, balki:

- faol ta'limning yangi shakllariga o'tish imkoniyatiga ega bo'ladilar;

- o'qituvchilar kabi oxirgi avlod bulutli yechimlarining afzalliklaridan foydalanadilar, bu ayniqsa «raqamli tengsizlik»ni qisqartirish uchun muhim;

- ayniqsa fan va texnika taraqqiyoti yo'nalishidagi fanlarni o'rganishda sezilarli darajada yaxshi uslubiy qo'llab-quvvatlashga ega bo'ladilar;

- tezkor va muammosiz kuzatish imkoniyati bilan axborotli qayta aloqaning yangi shakllariga ega bo'ladilar;

- nafaqat ta'lim muassasasiga to'liqroq «raqamli iz» qoldirish, balki «raqamli xotirani» boshqarish vositalaridan ham individual, ham jamoaviy tarzda foydalanish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Gibrid ta'limni qo'llab-quvvatlashning kollaborativ texnologiyalarini joriy etish turli xil vositalardan tortib, ma'muriyatchilik va javobgarlik masalalarigacha bo'lgan ko'p qirrali mazmunga ega. Shu munosabat bilan ushbu jarayonning asosiy xususiyatlarini ajratishda kollaborativ texnologiyalarning yaqqol afzalliklariga ham, ularni joriy etishning ayrim salbiy oqibatlariga ham e'tibor qaratish zarur.

Adabiyotlar

1. Salmons J., Wilson L., editors. Handbook of Research on Electronic Collaboration and Organizational Synergy. IGI Global, 2009. -P.1026.
2. Engelbart D.C. Toward High-Performance Organizations: A Strategic Role for Groupware//GroupWare 92. San Jose,1992.
3. Guide to the Systems Engineering Body of Knowledge (SEBoK) [Elektronnyy resurs] [2017]. URL: <http://sebokwiki.org> (data obrasheniya: 30.03.2022).
4. Canals F., Ortoll E., Nordberg M. Collaboration Networks in Big Science: the Atlas Experiment at Cern // El Profesional de la Información, vol. 25, № 5, 2017. -P. 961-971.
5. Richey R. Encyclopedia of Terminology for Educational Communications and Technology. -New York: Springer Science+Business Media, 2013.
6. Sivan A. The Implementation of Peer Assessment: An Action Research Approach // Assessment in Education: Principles, Policy & Practice, vol. 7, №. 2, 2000, -P.193-231.
7. Freeman R., Roger L. Planning and Implementing Assessment. Routledge, 1998. -P. 340.
8. International Conference on Interactive Collaborative Learning [Elektronnyy resurs] URL: <http://www.icl-conference.org> (data obrasheniya: 30.03.2022).
9. Silverman B. G. Computer Supported Collaborative Learning (CSCL) // Computers&Education, vol. 25, no. 3, 1995.
10. Amara S., Macedo J., Bendella F., Santos A. Group Formation in Mobile Computer Supported Collaborative Learning Contexts: A Systematic Literature Review // Journal of Educational Technology & Society, vol. 19, no. 2, 2016, -P. 258-273.
11. Potkonjak V., Gardner M., Callaghan V., Mattila P., Guetl C., Petrović M., Jovanović K. Virtual laboratories for education in science, technology, and engineering: A review // Computers & Education, vol. 95, 2016, -P. 309-327.
12. Faulconer E., Gruss A. B. A Review to Weigh the Pros and Cons of Online, Remote, and Distance Science Laboratory Experiences // International Review of Research in Open and Distance Learning, vol. 19, no. 2, 2018, -P. 156-168.
13. The Digital Competence Framework 2.0 [Elektronnyy resurs] // The European Commission's science and knowledge service: [sayt]. 2019. URL: <http://ec.europa.eu/jrc/en/digcomp/digital-competence-framework> (data obrasheniya: 30.01.2022).

РЕЗЮМЕ. Maqolada ICL [interactive collaborative learning] interfaol kollaborativ ta'limni va so'ngi avlod kollaborativ axborot tizimlari (AT) asosida o'tkaziladigan kompyuterli kollaborativ ta'limni [computer-supported collaborative learning, CSCL] o'z ichiga olgan kollaboratsiya tushunchasi doirasida kollaborativ texnologiyalardan foydalangan holda o'qitish masalalari ko'rib chiqilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье описывается интерактивное совместное обучение ICL [interactive collaborative learning] и вопросы обучения с использованием коллаборативных технологий рассмотрены в рамках концепции коллаборации, включающей компьютерное коллаборативное обучение [computer-supported collaborative learning, CSCL], проводимое на базе коллаборативных информационных систем последнего поколения.

SUMMARY. The article describes interactive collaborative learning ICL [interactive collaborative learning] and issues of learning using collaborative technologies are considered within the framework of the concept of collaboration, including computer-supported collaborative learning [CSCL], carried out on the basis of the latest generation collaborative information systems.

Tálim-tárbiya teoriiyası hám metodikası

USTAZ-SHÁKIRT DÁSTÚRLERI

P.S.Abdimuratov – *pedagogika ilimleriniń kandidatı*

Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Tayanch soʻzlar: axloq, estetika, milliy qadriyat, tarbiya, shaxs, faoliyat, oʻz-oʻzini anglash, qimmatli yoʻnalish, malaka, pedagogika, texnologiya, psixologiya.

Ключевые слова: мораль, эстетика, национальная ценность, образование, человек, деятельность, самосознание, ценностная направленность, компетентность, педагогика, технология, психология.

Key words: morality, esthetics, national value, education, a person, activity, self-conscious, valuable orientation, competence, pedagogy, technology, psychology.

Adam ómiri bir mánzilde turmaytuǵın, hámıyshe alǵa qarap júretuǵın jolǵa megzeydi. Bul joldıń tegisligi, pás-bálentligi, qáwpi-biyqáterligi kóp bolıp, biz óimizdi tawdan asıp baratırǵan adamlarǵa megzetemiz. Taw jolı adamnan mártlikti, kúsh-ǵayratı, ásirese, sergeklikti talap etetuǵını haqıyqatlıq. Mine, usınday sharayatta ustaz jas áwladlarǵa tálim-tárbiya beriwdiń, hár qanday qıynshılıqlarǵa shıdamlı, ruwxı kúshli, xalıqtıń, millettıń milliy miyrasların dawam ettiriwshiler etip tárbiyalawdıń san mıń usılların qollanıp kelmekte.

Ustaz sózine baha beretuǵın bolsaq onıń mazmunı júdá bay: Ustaz-ilim-bilim tarawında biytákirar alım, pedagog, jetik qánige, óz baǵdarı boyınsha barlıq jańalıqlardan xabardar, ómirde óz ornın tapqan, abıroyǵa, ataqqa, óz mektebine iye, aqlı kámil, órnek bolatuǵın, bay tájiriye iyesi, keleshekti ilimiy boljap biletuǵın, hámme jaǵınan tán alınǵan másłahátgoy insan [2].

Dunyada qanday kásip bolmasın, bárinıń ustazı boladı. Meyli ol, húkimet basshısı ma, ullı danışpan ba, jazıwshı yaqı qolı gúl qurılıshı ma hámmesiniń ustazı, keleshek jolın jaqtırtıp turatuǵın jol basshısı boladı. Sonlıqtan, ustaz, muǵallimniń aytqan násiyatları menen bergin bilimlerin jazba ráwishte úyrenip, oqıp, tákirarlap júriwden sharshamaw kerek. Bunıń ushın «esitilgen nárese umıtladı, ayılǵan nárese taraladı, al, jazılǵan nárseniń tákirarlanıp turatuǵının, onıń bir ómir mórleńip qalatuǵının» qaǵıyda etip alıwımız kerek.

Búgingi kúnde milliy ónermentshilik, ustaz-shákirt dástúrleriniń hawij alıp rawajlanıw payıtında, xalıq dástúrleri tiykarında jaslarǵa tálim-tárbiya beriw, milliy qádiriyatlarımızdı dawam ettiriw dáwir nápesi menen qosılıp, zamanagoy texnologiyaniń ajıralmas bólegine aylanbaqta. Elimizde áyyemnen hár bir óner qádirli esaplanıp, onı húrmet etip kelingin. Tigiwshilik, kesteshilik, toqmashılıq, temir ustası, aǵash ustası sıyaqlı ónerlerdiń ózine tán turmıslıq ornı júdá úlken. Áyyemde óner menen tábiyiy bilimler mekteplerde úyrenilmey, jeke shákirt túrinde alıp barılǵan. Máselen, ata-ana ónerin iyelew, usta qolında jeke shákirt bolıw xalıqtıń úlken dıqqat itibarında bolǵan [4].

Ata-babalarımız ustaz-shákirt ushın ózine tán ádep-ikram, tártip-qaǵıydalar, úrp-ádetler, ırım-duwalar etip, bularǵa júdá úlken itibar menen qaraǵan. Ustazdıń, shákirttiń aldında ózine jarasa wazıypaları, minnetleri bolıp, ásirese, xalıq ónermentshiligi tarawında ustazlardıń jeke pazıyetleri menen kásiplik biliminiń ólshemleri bolǵan. Usı arqalı ustazǵa ılayıqlı yaqı unamsız baha berilgen. Sonlıqtan, ata-ana óz perzentin shákirtlikke bergende ustanıń usı sıpatlarına úlken itibar berip, hár tárepleme biliwge háreket etken. Xalıq naqıl-maqallarında da: «Ustaz kórgen», «Usta kórgen-ustamlı boladı» [2] dep shákirtti bahalaǵan.

Lekin, búgingi kúni bizlerdi táshwishlendiretuǵın nárese, haqıyqıy ustaz-shákirt dástúrlerin ulıwma umıtıp qoyǵandaymız. Milliy úrp-ádet, dástúrler qayta tiklenip, tolısıp atırǵan házirgi waqıtta, erkin hám abat Watanımız keleshegi, tagdiri iyeleri bolǵan jaslardıń sanasına ustaz-shákirt dástúrlerin taza, sap halında qollanıwdı kúsheytiw eń áhmiyetli wazıypalardan biri bolıp turmaqta.

Ustazdıń jeke pazıyetleri menen kásiplik sıpatları xalıqtıń názerinen shette qalmaydı. Sebebi, adam balası hámme waqıt adamlardı sınap, bahalap oǵan óz múnásibetin bildiredi. Sonlıqtan, ustaz ózine ılayıq sıpatlar, pazıyetler, ózgeshelikleri menen basqalardıń, ásirese, shákirtiniń ıqlasına, qızıǵıwshılıǵına sebepker boladı. Ustaz saxıy, ádepli, mehriban, ashıq júzli, shiyrin sózli, sabırılı, talapshań, qanaatshıl, tuwrı sózli, pák, aqlılı pazıyetleri menen shákirtlerine úlgi bolıwı parız delinedi.

Ustazdıń shákirtleri aldında úlgi bolıwı ushın danışpan Rizouddin Ibn Faxriddin ustazlarǵa óz násiyatın aytadı: «Shákirtlerińizdiń hár bir háreketlerine qarap turıń, olarǵa jaqsı sóylesiwdi úyretiń, ústi-bası, kiyim-kensheklerin taza uslawdı názerińizden shetletpeń. Jaman minez-qulqlı shákirtińiz bolsa, onı basqalarǵa úlgi bolǵanday dárejede tárbiyalań, paydalı jumıs, kerekli ádep-ikram qaǵıydalarınan biyxabar bolmasın, nátiyjede bala óz háreketi menen kóbirek dunya-mal tabıwdı meńgerse, sonıń menen birge, rejeli is etiw, únemlew, tuwrılıq, tártip-intizam sıyaqlı pazıyetlerdi de meńgerip aladı» [1].

Ustazdın ádep-ikramlıq mádeniyatı, bul, ónerdi baylıq arttırıw maqsetinde emes, al jámiyet rawajlanıwı ushın qosqan úlesim dep biliwi; ónerdi miynetsiz paydadan awlaq saqlaw; ustaz-shákirt dástúrlerine sadıq bolıw; pirleriniń razılıǵın hám pátiyasın alıw; miynette jalqaw bolmaw; miynetkesh hám hadal miynet etiw; tártip-intizamlı bolıw; sátsizliklerge ruwxın túsirmew; isbilermen bolıw; tuwrı sózli hám pák bolıw; bir isti bolmay turıp, ekinshisine kirisip ketpew.

Ustaz-shákirt qarım-qatnaslarında unamsız kórinislerden awlaq bolıwı ushın tómendegilerge ámel etiwleri lazım dep esaplangan: miynetsiz jollar menen baylıq arttırǵanlar menen sáwbetles bolmawı; ózi menen kásipler bolǵanlardı kóre almawshılıq, ishi tarlıq etpew, ádalatlı, haq niyetli bolıwı; tek baylıq arttırıwdı gózlew, jalqawlıq, erinsheklik, ısırapxorshılıq, tákabbırılıq, ótirikshilik sıyaqlı kórinislerden awlaq bolıw [3]. Mine, bular ustaz-shákirttiń tazalıǵın, sadıqlıǵın kórsetiwshi, eń joqarı úlgi mektebi bolǵan.

Ustazdın kásiplik pazıyetleri, bul óz ónerine bolǵan qızıǵıwshılıq, onı jaslarǵa shın qálbinen úyretiw, jańalıqlar menen bayıtıp barıw, usı óneri arqalı ózinen keyin sadıq shákirtler qaldırıw. Haqıyqatında, ustazdın eń jaqsı kásiplik pazıyeti onıń shákirt tayarlawı bolıp sanaladı. Eger, ustazdın shákirti bolmasa onı miywasız daraqqa uqsatıw múmkin. Sebebi, óz ónerin ustazlar áwladtan - awladqa uyretip barıu dasturǵa aylangan. Ustaz ozinen keyin bilimli, qabiletti shákirt tayarlamasa, onın ómiri, turmısı biykar, zaya ótken esaplangan. Ol qansha jetik, kushli bolmasın, jeke ozi ullı darejege erisse de, óz bilimin, ónerin shákirt tayarlap, sogan tapsırmasa, onın islerin dawam ettiretuǵın adam bolmaydı.

Burında islep shıǵarıwshı menen qarıydar ortasında qarım-qatnas ádebi, tártipleri hám ózine tán ólshemleri bolıp, olar tómendegishe kórinip turgan: Óz ara qarım-qatnas, sawda-satıqta páklik, hadallıq, ádalatlılıq, tuwrılıq, kishi peyillik, nápsini tıyıw, kámbaǵallardı qayır-saqawat qılıw, zattıń bahasın tuwrı qoyıw, wadege qılaplıq etpew, pitpeytuǵın iske wáde bermew [3].

Ata-ananın óz perzentine óner uyretip atırǵan ustaz aldındaǵı minnetleri hám qarım-qatnas mádeniyatı, bul joqarı darejede ustazdı hurmet-izzet etiw, ózine tán xarakterge iye bolıw menen tómendegi ádep-ikramlılıq túsiniqlerden ibarat bolǵan.

Ata-ananıń ustazǵa múnásibeti, ustazǵa miyrbanshılıq, ustazdın perzentine bergen tártip-eskertiwlerin tuwrı túsiniw, perzentine óner úyreniwde kerekli ásbap-úskene jetkizip beriw, ustazdı renjitpew, riyzashılıǵın alıw. Usının menen ustazdın da ata-anaǵa bolǵan qarım-qatnas ólshemleri bolıp, bular: perzentine óner úyretiw ushın

moynındaǵı juwapkershilikti túsiniw hám onı orınlaw, óz wádesi ústinen shıǵıw, ata-anasına perzentinin minez-qulqı, qábileti, talantı, qızıǵıwı boyınsha tuwrı, ashıq aytıw.

Joqarı oqıw ornında studenttiń ádep-ikramlılıq oy-tuyǵısı, ruwxıy keshirmesi kóbirek óz ustazınıń keńesi, kórsetpesi, múnásibeti, xarakteri, háreketleri tásiiri menen baylanıslı bolıp, bular olardaǵı jaqsı yaqi jaman sıpatlardıń payda bolıwına da tásir jasap otıradı. Mısalı, 1-kurs studentinde ele mekteptegi kózqaras, qarım-qatnas, joqarı oqıw ornı ortalıǵına sáykes emes psixologiyanıń basımılıǵı bolsa, 2-3-kurslarındaǵı baslı maqset oqıw, ózindegı bar jeke qábilette júzege shıǵarıw; abroy arttırıp barıw; oqıw ornı, ata-ana, óz jaqınları aldında xoshemetke erisiw, minneti hám huquqın anılaw, al pitkeriwshi kursqa kelgeninde ruwxıy oy-tuyǵılardıń ústemligi, sadıq dosqa iye bolıp ómir súriwge tayarlıq, óz qanıygelikleri boyınsha alǵan ilimiy bilimlerin ámeliy jaqtan qollanıw, mine, usınday jaslıq sınavlarına duwshar bolǵan studentke tórt jıl dawamında mehirbanlıq etetuǵın, ruwxıy dúnyaqarasında ózine hámmeden jaqın ustazı [1]. Usınday tásiirsheń, ómirdiń eń áhmiyetli basqışında studenttiń ruwxıy dunyasında, kózqarasında «biziń ustaz» bolıp basqalardan ózgeshe, bir ómir mórlenip qalıwı da hár bir jigıt-qızdıń jámiyette múnásip insan bolıwına tımsal bolǵanlıǵı bolsa kerek.

Ullı babamız Ámir Temurdiń óz ustazı Sayd Barakaǵa bolǵan ibratlı múnásibeti, Alisher Nawayınıń ustazları Lutfiy menen Jámiyge bolǵan mehir-muhabbatı hámme waqıt jas áwladlardıń úlgi alarlıq umtılıwların aqlaydı.

Qıyınshılıqlardı jeńip shıǵıw, jańalıqqa umtılıw, erteńgi kúнге isenim – jaslar psixologiyasına tán qubılıs. Sebebi, ata-ana, ustaz olardıń hámme waqıt, hámme jerde súyenishi, kóz aldındaǵı birinshi tayanışı esaplanıp, usı arqalı olar joqarı oqıw ornında da ózleri tańlaǵan kásiplerine mehir qoyıp, úyrenip, bilim alıp keleshekke umtılıp jasadı. Jalnı jaslıqtıń bul basqışında jaslarǵa ilimiy, ámeliy kónlikpeler, siyasiy, mádeniy dúnyaqaras, adamlar menen ádep-ikramlı qarım-qatnas psixologiyası qalıplesedi, ruwxıy dunyası bayıp baradı. Sonıń menen birge, kúndelikli ómirinde qıyınshılıq, turmıslıq qarım-qatnaslarında tosqnılıqtıń da dus keliwi tábiyiy. Jaslardıń studentlik dáwirinde kúndelik turmısına eń joqarı ádep-ikramlılıq qaǵıydaların sińdiretuǵın, jámiyet talaplarına muwapıq is alıp barılıwın támiyinleytuǵın, siyasiy-ideyalıq jaqtan shınıqtıratuǵın, huquqıy qorǵawshısı, jaqın keńesgóyi – óz Ustazı bolıp tabıladı.

Ustaz-shákirttiń eń joqarı maqset hám ideyaǵa umtılıwshı qarım-qatnas iyesi sıpatında, óz shákirtleri aldında óziniń hár qanday waqıyaǵa múnásibeti, dúnyaqarası, bilimi, ibrat alatın úlgili tárepleri menen

hár bir jigit-qızdıń me hriban, hámmeden jaqın, saqıy, ádalatlı qorgawshısı, jáne de, toqtawsız ruwxıy dúnyasına, kózqarasına tárbiyalıq tásir etip otırıwı, onıń hámmeden ayırılıp turatuǵın joqarı morallıq tárepleri bolıp esaplanadı. Bul kórinisler studentlerde talapshańlıq, óz-ózine juwapkershilik sezimlerin payda etip, ana-Watanımız mápi ushın xızmet etiw tuyǵısın kúsheytedi. Studenttiń basqa oqıtıwshılardan kóre óz ustazı menen bolǵan gúrriń, pikir alısıwları, ózindegi tártip-intizamdı kúsheytiwge, hár nársenge ashıq, itibarlı múnásibette bolıwǵa, oyshań qarım-qatnas jasawǵa kóbirek iytermeleydi hám orınlanıwın támiyinleydi.

Kásip-óner iyelew, ustaz-shákirtshilik shıǵıs xalıqlarınıń áyymnen kiyatırǵan milliy qádiriyatı bolıp, bul ásirler dawamında áwladtan-áwladqa ruwxıy azıq bolıp kelgen. Joqarı ádep-ikramlılıq penen xalıqtıń oy-ármanları, arızıw-niyetlerin ózinde sáwlelendirip kelgen ruwxıy mádeniyat esaplanadı. Onıń milliy ózgeshelikleri, tálim-tarbiyalıq imkaniyatları, ustaz-shákirt dástúrleri jas áwladtın kásip-ónerge mehir-muhabbatın ósiriwde úlken áhmiyetke iye.

Erkin hám azat Watanımız perzentlerin keleshegi párawan jámiyet qurıw jolında olardıń bilim, tárbiyasın jetilistiriw, hár qanday jat illetlerden saqlaw búgingi kúnde áhmiyetli mashqalaga aylanıp, bul jolda máriyepetli, ziyalı-ustazlardıń tálim-tarbiyalıq

xızmetiniń joqarı dárejede ekenligi baslı másele bolıp qalmaqta. Tárbiyashı-ustaz bolıw ushın aldın basqalardıń aqıl-oyın óstiriw, ilim-bilim bulaǵınan qandırıw, shin mánistegi puqara etip jetistiriw ushın eń aldın, tárbiyashınıń ózi usınday talaplarǵa juwap beriwı, joqarı adamgershilik pazıyletlerge iye bolıwı kerek.

Qaysı dáwirde bolmasın, pedagog, bul jańa jámiyet ótetuǵın, bilim-tarbiya, ustaz-shákirtlik dástúrlerin úlken áwladtan jańa áwladqa izbe-iz, turaqlılıq hám juwapkershilik penen jetkerip, dawam ettirip otıratuǵın hár bir jańa áwlad kelesheğiniń jol basshısı bolıp sanaladı [1]. Házirgi zamannıń eń ótkir, juwapkerli hám keń bilimlerde iye bolǵan joqarı oqıw ornı pedagog-alımları barlıq ájayıp pazıyletlerge iye bolıwı, joqarı adamgershilik kózqarastan turıp student jaslardıń har tárepleme kamal tabıwına, milletler aralıq tuwısqanlıq qarım-qatnas ruwxında tárbiyalanıwına, siyasiy hám huquqıy jaqtan hesh kimnen kem bolmawına, salamat áwlad bolıp jetilisip, el maqtanıshı bolıwına hám minnetli, hám juwapker ekenin jaqsı sezinedi. Ullı danişpan Sokrattıń: «Jaslar miywe aǵashına usaydı, qáytıp ekseń solay kógeredi, meniń aqıl-keńesimdi kewlillerine tasqa basılǵan mór sıyaqlı qabıl etedi, sonlıqtan, men olardıń tárbiyasına kóbirek kewil bólemen»-degen tereń oyılı pikirleri búgingi kúnde, jańa mániste, jańa mazmunda turmısta tastıyıqlanıp atır.

Ádebiyatlar

1. Горюнова Т.А., Королева И.Ш. Путь к профессии учителя. –Москва: «Знание» 1981.
2. Abiyrov G. Joqarı mektep sistemasında muǵallimlerde qalıplestiriw. –Nókis: «Bilim», 1991.
3. Келтеминарская школа древнего Хорезма. Материалы республиканской научно-методической конференций Ответ.ред.проф. У.Алеуов. – Нукус: КГУ. 2007.
4. Abdimuratov P.S. Tárbiya sabaqları. –Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2021.120-b.

REZYUME. Maqolada ingliz tili o'qituvchisining ijtimoiy-madaniy kompetentsiyasining dolzarb muammosi va uning ijtimoiy rivojlanishning zamonaviy tendentsiyalariga mos keladigan darajasi va hozirgi kunda pedagogika fanining ilg'or g'oyalari ko'rib chiqiladi.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается актуальная проблема социокультурной компетентности учителя английского языка и ее уровень, соответствующий современным тенденциям общественного развития и передовым идеям педагогической науки в настоящее время.

SUMMARY. The article deals with the actual problem of social and cultural competence of an English teacher and its level worth modern tendency of social development and forward ideas of pedagogical science in present.

МЕТОДЫ ОПТИМИЗАЦИИ И ИНТЕНСИФИКАЦИИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ

Р.А.Абдуллаева – ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: чет тили таълими, ўқитиш технологияси, миллий йўналтирилган дарслик, услубий компетенция.

Ключевые слова: иноязычное образование, технология обучения, национально-ориентированный учебник, методическая компетентность.

Key words: foreign language education, teaching technology, national-oriented textbook, methodical competence.

В нашем государстве ведется работа по повышению научного уровня и эффективности преподавания русского языка узбекистанцам, создаются программы, учебники и методические исследования, в которых освещаются актуальные проблемы обучения русскому языку в узбекской

школе. Однако, несмотря на довольно серьезное решение многих вопросов обучение русскому языку, ряд аспектов этой проблемы до сих пор разработан недостаточно, что сказывается на результатах обучению русскому языку учащихся узбекских школ. Поэтому в числе мер,

направленных на поднятие уровня преподавания русского языка в соответствии с современными требованиями, является необходимость широкой разработки актуальных проблем преподавания русского языка в средних учебных заведениях Республики Узбекистан [1].

Президент нашего государства Ш.М.Мирзиёев отметил: «Великая русская культура всегда была и будет неотъемлемой частью духовной жизни узбекского общества» [2].

Процесс глобализации предполагает необходимость представителей разных народов в активном познании друг друга. Непосредственное ознакомление с другими культурами осуществляется прежде всего посредством языка.

Иноязычная среда имеет ряд отличительных особенностей, к которым относятся следующие:

- 1) мотивация учащихся, изучающих русский язык как иностранный;
- 2) разное качество обучения РКИ в разных странах;
- 3) методические стратегии, используемые в иноязычной среде ("от текста – к действительности");
- 4) отсутствие стандартизованности знаний, получаемых учащимися в неязыковой среде;
- 5) соотношение аспектов языка и видов речевой деятельности при обучении РКИ;
- 6) высокая степень использования родного языка учащихся в зарубежных вузах и на курсах русского языка;
- 7) мононациональность групп, что требует учета учебного культурно-языкового опыта учащихся;
- 8) особенности образовательного пространства конкретной страны (количество студентов в группах, разные организационные формы при преподавании РКИ в том или ином зарубежном учебном заведении, различные формы контроля и т. п.).

Хотя иноязычное образовательное пространство неоднородно, для его описания могут быть использованы определенные параметры, которые разделяются на внешние и внутренние. В теории межкультурной коммуникации культура анализируется как многоуровневое явление, где *верхний уровень* (доступный чувственному восприятию), включает различные материальные артефакты и явления культуры, в том числе – язык; *средний уровень* – нормы и ценности; *базовый уровень* – менталитет носителей языка.

Можно выделить три основные проблемы преподавания РКИ в неязыковой среде.

1. Подготовка преподавателей.
2. Учебные программы и учебники.
3. Методы обучения.

Рассмотрим каждую из проблем более подробно.

Подготовка преподавателей РКИ. Методы оптимизации и интенсификации обучения русскому языку как иностранному являются одним из приоритетных направлений развития методики преподавания РКИ. В этом огромная роль принадлежит преподавателю, его способности использовать новые методики, новые технологии обучения в зависимости от целей и условий обучения.

Необходима организация спецкурсов для тех, кто преподаёт русский язык на курсах, и постоянно действующие курсы повышения квалификации для преподавателей РКИ.

В процессе обучения слушатели получают сведения о следующих педагогических функциях преподавателя РКИ (в трактовке В.В.Молчановского):

1. Коммуникативно-обучающая (способность реализовывать практическую цель обучения и приобретение знаний о системе русского языка как иностранного: коммуникативное, речевое и языковое содержание предмета обучения).
2. Информационно-ретрансляционная (способность воспринимать, отбирать, преобразовывать и передавать информацию, предназначенную для учащихся).
3. Мотивационно-стимулирующая (способность ориентироваться на учащегося как активного субъекта учебного процесса в результате выполнения собственных ситуативно обусловленных действий).
4. Инструментально-адаптирующая (способность использовать адекватные средства обучения).
5. Функция самореализации и саморазвития (способность осознавать себя, свою деятельность в учебном процессе, регулировать и объективно оценивать свои профессиональные действия, способность к профессиональному самообразованию и самовоспитанию) [3].

В условиях дистанционного обучения развитие личности преподавателя и его профессиональных качеств осложняется ограниченным и временными рамками. Это предполагает и большую самостоятельную работу слушателей и оптимальную организацию обучения, которая в максимальной степени способствовала бы формированию основных видов компетенций преподавателя РКИ. Указанные обстоятельства обуславливают сугубо практическую направленность обучения, что диктует необходимость представления процесса обучения как деятельности, связанной с решением профессионально-педагогических задач, которые

Kirish. Hozirgi globallashuv jarayonida butun dunyoda yuz berayotgan jiddiy ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlarni e'tiborga olgan holda, shuni ayta olamizki, bu o'zgarishlar har bir yosh avlodni psixik rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi. Jahon bilan har sohada ildamlab borishimiz uchun bolalikdan ularni psixik tarafdin yuqori intellekt egalari qilib tarbiyalash har birimizning asosiy vazifamizdir. Zero, "Hurmatli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning Konstitutsiyamizning 26-yilliligi bag'ishlangan tantanali marosimda so'zlagan nutqida; – Farzandlarimizning qobiliyatini ro'yobga chiqarishga bolalikdan e'tibor berib, ularning kamoloti uchun barcha imkoniyatlarimizni safarbar etsak, yurtimizdan yana ko'plab Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar yetishib chiqadi. Men bunga ishonaman" – degan da'vati naqadar asosli ekanini guvohi bo'lib turibmiz.

Yosh davrlari ichida o'smirlik davri qiyin davr hisoblanib, o'smir shaxsi shakllanish tizimida yaqqol namoyon bo'ladigan bir qancha muammolarga duch keladi. O'smirlardagi emotsional intellektni yaxshi rivojlanmaganligi sababli xulq-atvorida psixologik muammolarning yuzaga kelishi va bunga globallashuvning ta'sirini kompleks o'rganishga olib keladi. Shu kungacha qilingan ilmiy ishlar doirasida kattalar va o'smirlar o'rtasidagi munosabatlarini tuzatish muammolarini o'rganish emotsional intellektning bolalikdagi to'siqlar ta'siri doirasida yetarlicha ochib berilmadi.

Muommoli holatlarni ota-ona munosabati tizimida o'rganilganini ko'rishimiz mumkin. P.N.Leventuyev fikricha, - O'smir xulqidagi tuturiqsizlik qo'zg'alish va tormozlanish protsessidagi muvozanatsizlik yoki oiladagi tarbiyada bo'ladigan ziddiyatlar yoki maktab va oila talablari orasida birlik bo'lmasligi yoki boshqa turli xarakterdagi qiziqishlar natijasida hosil bo'lishi mumkin. Taxminan ana shu sabablar xatti-harakat va e'tiqod o'rtasida tafovut keltirib chiqarishi ham mumkin [6:282], degan fikrlarni olg'a suradi. Bu fikrlar bizni o'smirlar ijtimoiylashuvida emotsional intellekt muhim psixologik omil ekanligini ochib

berish talabini qo'yadi. — "Chunki o'smirlarning xatti-harakatida muqobil, yangi sharoitlarda o'z o'rnini topa olmaganligidan psixik portlash hollari ham kuzatiladi. O'z davrida L.S.Vigotskiy bunday holatni «psixik rivojlanishdagi krizis» deb nomlagan. O'smirlik yoshida ularning xulq-atvoriga xos bo'lgan alohida xususiyatlarni jinsiy yetilishning boshlanishi bilan izohlab bo'lmaydi, Jinsiy yetilish o'smir xulq-atvoriga asosiy biologik omil sifatida ta'sir ko'rsatib, bu ta'sir bevosita emas, balki ko'proq bilvositadir. O'smirlik davriga ko'pincha so'zga kirmaslik, o'jarlik, tajanglik, va kamchiliklarini tan olmaslik, urishqoqlik kabi xususiyatlar xos" [2:63]. Bu fikrlar bizni o'smirlik davridagi muommolarni ildizlarini axtarish imkonini tug'diradi. Bu boradagi turli psixologik olimlarni bolalar rivojlanishidagi turli to'siqlar asoratini kelgusidagina moyon bo'lish shakllarini ochib berish vazifasini qo'yadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Psixologik va pedagogik adabiyotlarni tahlil qilish bizga xorijiy psixologiyada to'liq ochib berilgan psixanalitik, bixevioristik va kabi yondashuvlar vakillari gumanistik namoyondalarining o'smir shaxsidagi emotsional holatlarga ijtimoiylashuvning hamda globallashuvning ta'sirini ochib berish imkonini berdi. Erix Fromm fikricha, insonlarda aqliy salohiyat rivojlangani bilan ularni o'zaro bir-birlarini tushuna olish salohiyati orqada qolayapti.

Erix Frommning asl shaxs konsepsiyasini, radikal gumanizm g'oyalarini tahlil qiladigan bo'lsak, uning fikricha ishlab chiqarish texnika asri ya'ni globallashuv insonlarni yolg'izlikka buning natijasi o'laroq muommoli holatlarni namoyon bo'lishiga sabab bo'ladi". Rivojlanishning hozirgi tendensiyasi bugungi kun madaniyatining buyuk yutug'i bo'lgan individuallik va har bir insonning betakrorligiga tahdid solyapti" [5:11]. Erix Fromm fikricha, hozirgi zamonda insonlarda aqliy rivojlanish ilgarilab ketyapti, lekin insonning xulq-atvorini belgilovchi, unga ta'sir o'tkazuvchi his-tuyg'usining rivojlanishtirish ya'ni emotsional intellektortda qolyapti. Bunda tabiiy xohishlarini bostirish aql bilan

irodasini boshqarish ozodlikning mohiyati deb tushunildi.

Zigmund Freyding nazariyasida ham, Erix Fromm g'oyalarida ham "vijdon buyruqlarining mazmuni insoniy qadr-qimmatga nisbatan ahloqiy normalarning talablariga mutlaqo mos kelmaydi", [5:202] degan fikrni ko'rishimiz mumkin. Bola tug'ilgandan boshlab ota-onasiga qaramdir. Agar bolaning yoshligidan harakatchanligi, mustaqilligi, hayotdagi oddiy narsalardan ham zavqlanishini bostira boshlasa bola o'smirlikka o'tib ulg'aya boshlagan sari o'zi oyoqqa turishga noqobil ekanligini his etadi. O'smirda hayotga kurashuvchanlik, zavqlanish hislarini o'rnini o'ziga ishonmaslik egallaydi. O'ziga ishonmaslik tuyg'usi rivojlanib boradi. U biror narsani uddalashi uchun o'ziga yordamchi, suyanchiq do'st qidira boshlaydi. U ota-onasiga o'qituvchisiga yoki boshqa odamlarga suyanadi. Biror narsa o'xshamay qolsa osonlikcha aybni bularga to'nkaydi. Natijada, o'zi yolg'iz hayotda nimagadir erishishga ishonch yo'qoladi. Bularning ildizlari bolaning zavqlanish mustaqilligini bostirishi natijasida xavotirlanishning keltirib chiqaradi. Erix Fromm fikricha; "Spontanlik yetishmasligidan kelib chiqqan bu qaramlik ayni vaqtda insonning himoya vositasidir, biroq, bu ojizlik, qaramlik hissin ham vujudga keltiradi" [5:213].

O'smirning manfaatlariga bo'lgan tahdid xoh u moddiy, xoh emotsional bo'sin bu uning xulq-atvorida tashvishni keltirib chiqaradi. O'smir shaxsi hayotda uchraydigan oddiy, hayotiy vaziyatlardan ham katta tashvishga tushib qoladi. Bu tashvish vahima chiqaradi. Bu kuchsizlik erksizlikni keltirib chiqaradi. O'smir mustaqil bo'lishni, uni fikrlarini eshitishlarini, qarorlarini qabul qilinishini xohlaydi. Fikrlari eshitilmasa, tanqid ko'p eshitgan bolada erksizlik vujudga keladi. Tashvish doimiy psixologik holatiga aylanadi". Biroq tashvish garchi anglanmagan bo'lsada, doimiy bo'lishi mumkin. Bunday tashvish sizga tashqi olam tahdid qilayotganini doimiy sezish tufayli kelib chiqadi" [5:218]. O'zini yolg'iz sezgan o'smir hissiy, emotsional, aqliy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish uchun o'ziga bo'lgan ichki ishonch yetishmasligi sabab o'zini vaqtiga mazmum kiritishni xohlaydi. U ularni turli internet o'yinlarida, virtual olamda topadi. Hayotning o'z qonun qoidasi mavjud. Agar o'smir erkin rivojlanishiga uning hissiy holatlari hamda aqliy imkoniyatlari namoyon bo'lishiga to'sqinlik qilishiga, erksizlikni keltirib chiqaruvchi omillar mavjud bo'lsa, hayotga bo'lgan energiya yemirilishiga olib keladi. O'smir shaxsida agressiv xulq-atvor kuchayadi. Boshqacha qilib aytganda hayotga bo'lgan intilish va buzg'unchilikka moyillik o'zaro mustaqil omillar emas, balki ular bir-biriga nisbatan o'zaro aloqador, bog'langan" [5:220].

Bundan shunday xulosa qilamizki, demak hayotga bo'lgan intilish va buzg'unchilikka moyillik bir-biri

bilan o'zaro bog'langan ekan. O'smirlardagi mustaqillikka intilish omilini mustahkamlab, mustaqil chiqargan qarorlarini inobatga olish lozim. Har bitta mustaqil fikr, qarorlar rad etilavermasligi lozimdir". Hayotga bo'ysindiruvchi qiyinchiliklar rad etilganlik va ijtimoiy vaziyatlar hamda shart-sharoitlar buzg'unchi xulq-atvorni vujudga keltiradi. Buning natijasida atrofdagilarga nisbatan hamda o'ziga nisbatan turli buzg'unchi fikrlar, holatlar shu yerdan paydo bo'ladi. Natijada o'smirlarda o'zining avvalgi ishonchi yo'qoladi. O'zi xohlaganini qilishi undagi g'oyani amalga oshirishi uchun hayotga intilish va zavq yetishmaydi. U o'zini g'oyasini kuch deb hisoblaydi. Kattalarga moslashishga harakat qiladi. "Hozirgi jamiyatda insonning robotlashuvi o'rtacha odamning ojizligi va qat'iyatsizligini yana ham kuchaytiradi. Shu boisdan ham u o'ziga ishonch beradigan va shubhalardan ozod qiladigan yangi hokimiyatga bo'ysunishga tayyor" [5:244].

Hozirgi global jarayonlar har bir shaxsning hayotiy yashash tarziga qulayliklarni yaratibgina qolmay, har bir odamning aqliy, hissiy, emotsional imkoniyatlariga to'la namoyon etishi uchun moddiy asos yaratish va shu bilan birga uning ishlab chiqarish unumdorligini oshirish hamda ish vaqtini qisqartirishi lozim. "Ular nevrotik yechimga olib keladigan shart-sharoitlarni o'zgarmagan shaklda qoldiradi" [5:277]. Bu bilan Erix Fromm inson shaxsi nevrotik tipga aylanyapti, unda agressiv xulq-atvorning namoyon bo'lishida iztiroblarni davomli bo'lishining asosiy dinamik omili – bu fan-texnika sanoatining rivojlanishi-globallashuv jarayonidir deb qaraydi.

Tahlil va natijalar. Agar ichki psixologik, ruhiy qo'llab quvvatlashlarimiz o'z individualligimizni qaror toptirishga imkon bersagina, tashqi tarafdagi bosimlar bizni xulq-atvorimizda emotsional muommolarni rivojlanishiga sabab bo'la olmaydi. Hozirgi iqtisodiy shart-sharoitlar o'smirning yolg'izlanishi va ojizligini kuchaytiruvchi omillardan biri hisoblanadi. Madaniy omillar o'smirlarga ham salbiy ham ijobiy ta'sirini ko'rsatadi. Bizning mintalitetimizdan kelib chiqib boladagi haqiqiy his-tiyg'ularni bostirish, bola tarbiyasining ilk davrlaridanoq boshlanadi.

O'zbek olimalaridan Zamira Nishonova boshchiligidagi chiqarilgan "Rivojlanish psixologiyasi va Pedagogik psixologiya" kitobida keltirilishicha "Ko'pgina o'smirlarda o'zidan qoniqmaslik holati kuzatiladi. Shuningdek, o'zi haqidagi mavjud fikrlarining bugun unda sodir bolayotgan o'zgarishlarga to'g'ri kelmayotganligi o'smirning asabiylashishiga olib keladi. Bu esa o'smirda o'zi haqida salbiy fikr va qo'rquvni yuzaga keltirishi mumkin. Ba'zi o'smirlarni nima uchun atrofdagilar, kattalar, shuningdek, ota-onasiga qarshi chiqayotganligini anglay olmayotganligi tashvishga

soladi” [4:327]. Bundan ko‘rinib turibdiki, emotsional intellektning yetishmasligi o‘smirlarda muommolarni keltirib chiqaradi. O‘smir o‘zidagi emotsional to‘g‘ri baholay omasligini tan olmaydi. Unda o‘zini katta bo‘lib qolganlik hissi yuqori o‘rinni egallaydi. O‘zidagi xavotirlanishlarni asosiy omili vaziyatni to‘gi his qila olmaslikdir. “O‘smir o‘zida bolayotgan o‘zgarishlar, uni tashvishga solayotgan muammolar haqida kattalar bilan bolishishga katta ehtiyoj sezadi, lekin buni hech qachon birinchi bolib o‘zi boshlamaydi. O‘smir o‘ziga nisbatan yosh bolalardek qilinadigan muomala-munosabatiga qattiq norozilik bildiradi, o‘smirlar muloqoti nihoyatda o‘zgaruvchanligi bilan xarakterlanadi [4:340]. O‘smir shaxslararo munosabatlarda muommolarga duch keladi. Chunki uning psixikasi bolalarga xos, ehtiyojlari esa kattalarga xos bo‘ladi. Uning talablari oshgan sari, mustaqillikka intilgan sari ota ona uni tergashi hamda nazoratga olishi yoqmay qoladi. Atrofdagilar bilan qanchalik konfliktga borgan sari o‘smirda uni hech kim tushuna olmaslik tuyg‘usi shakllana boradi. Natijada o‘zini yolg‘iz seza boshlaydi.

“O‘smirlarning psixik o‘rishini harakatga keltiruvchi kuch nima? O‘smirning psixik o‘rishini harakatga keltiruvchi kuch — uning faoliyatini vujudga keltirgan yangi ehtiyojlar bilan ularni qondirish imkoniyatlari o‘rtasidagi qarama-qarshiliklar tizimining namoyon bo‘lishidir” [4:342]. - degan edi o‘zbek olimalarimizdan Zamira Nishonova

Xulosa va takliflar. Biz ko‘rib chiqadigan o‘smirlar xulq-atvor o‘zgarishlarida globallashuvning ta’siri, ijtimoiy muhitning, shu jumladan jamiyatning ham o‘rni borligi aniqlandi. Shuningdek, shaxslararo munosabatlar tizimi sifatida munozarali munosabatlarda, o‘z Men ini yuqori qo‘yuvchi o‘smirlarda, kattalar va o‘smirlar o‘rtasidagi konfliktlaridaroivojlanadi. “O‘smirning o‘z kuchiga to‘la ishonmasligi uni butun vositalar bilan shunchaki

o‘zini katta kishi bo‘lib qolganligini ta’kidlashga majbur qilibgina qolmay, shu bilan birga bu tuyg‘uni yetarli baholay olmaslik holatini ham vujudga keltiradi” [4:330]. O‘zbekistonlik olimalarimiz A.Do‘stmuhammedova, Z.T.Nishonova esa, - “o‘smirlik yoshidagi agressivlikni sabablarini” o‘zi haqidagi mavjud fikrlarning bugun unda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlarga to‘g‘ri kelmayotganligi o‘smirni asabiylashishiga olib keladi. Bu esa o‘smirda o‘zi haqida salbiy fikr va qo‘rquvni yuzaga keltirishi mumkin” [3:136] deb ta’kidlaganlar. Kattalar va o‘smirlar o‘rtasidagi kelishmovchilikni kuchayishi, o‘smirlarni vaziyatni to‘liq anglab yetmasligi, to‘g‘ri baholab olmasligidan turli muommoli vaziyatlarni kelib chiqishini ko‘rishimiz mumkin. Bularning barchasi emotsional intellektning yetarlicha rivojlanmaganligidan darak beradi.

Bu bizni oldimizga bajarishimiz kerak bo‘lgan bir nechta vazifalarni qo‘yadi:

O‘smirlarda emotsional intellektning rivojlantirish, kattalar va o‘smirlar o‘rtasidagi munosabatlar va ular o‘rtasidagi o‘zaro kelishmovchiliklar sabablarini aniqlash.

Ularning birgalikdagi izchil munosabatlarini yaxshilash; o‘smir-kattalar o‘rtasidagi muommoni yuzaga kelish sabablarini aniqlash; muommolarni tuzatish faoliyatini aniqlash.

O‘smirlikda emosional intellekt muommolariga uchramasliklari uchun ota onalarga bolalardagi zavqlanish tuyg‘usi kattalar tomonidan bostirilmaligi, ularga erkinlik va o‘ziga ishonch tuyg‘ularini shakllantirish uchun internet o‘yinlarini cheklab turli tabiatdagi o‘yinlarga almashtirish sharoitlarini qilib berish kerakligi tavsiya etiladi.

Bu tushunchalar o‘smir hayotidagi o‘z o‘rnini, o‘z ichki pozitsiyasini va o‘z-o‘zini anglashning eng muhim poydevori bo‘lgan oila va Jamiyat va ijtimoiy muhit faoliyatining asosiy sharti hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir. / Xalq so‘zi gazetasi. O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi qabul qilinganining 26- yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi. <https://xs.uz/uzkr>
2. Davletshin M.G., Do‘stmuhammedova Sh., Mavlonov M., To‘ychiyeva S. Yosh davrlari va pedagogik-psixologiya. O‘quv metodik qo‘llanma. –Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU., 2004. 63-b.
3. Do‘stmuhammedova Sh.A., Nishonova Z.T., Jalilova S.X., Karimova Sh.T., Alimbayev Sh.T. Yosh davrlari va pedagogik-psixologiya. –Toshkent: 2013, 136-b.
4. Nishonova Z.T., Kamilova N.G., Abdullayeva D.U., Xolnazarova M.X. Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya. –Toshkent: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2019.
5. Erix Fromm Ozodlikdan qochish. –Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2021.

РЕЗЮМЕ. Ushbu maqolada o‘smirlik davridagi emotsional intellekt muommolarining asosiy sababi bolalikdagi to‘siqlarga bog‘liqligi yoritib berilgan. O‘smirlarning bu davridagi emotsional intellekti-empatiya, o‘zini qabul qilish, boshqalarni tushuna olish, vaziyatlarni to‘g‘ri baholab, to‘g‘ri hal qila olish salohiyati ularni shakllantirish yo‘nalishlari hamda shaxslararo munosabatlardagi muommoli xulq atvorining namoyon bo‘lish yo‘nalishlari bolalikdagi omillarga ham bog‘liqligi ko‘rsatib o‘tilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье основная причина проблем эмоционального интеллекта в подростковом возрасте объясняется препятствиями в детстве. Эмоциональный интеллект подростков в этот период - эмпатия, самопринятие, способность понимать других, способность правильно оценивать и решать ситуации, направления

их формирования, проявления проблемного поведения в межличностных отношениях. направления зависят от факторов детства.

SUMMARY. In this article, the main cause of emotional intelligence problems in adolescence is explained by childhood obstacles. The emotional intelligence of adolescents in this period-empathy, self-acceptance, the ability to understand others, the ability to correctly assess and solve situations, the directions of their formation, and the manifestations of problematic behavior in interpersonal relationships. It has been shown that the directions depend on childhood factors.

BULLINGNING KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALAR PSIXOLOGIYASIGA TA'SIRI

G.J.Berdiyeva – psixologiya fanlari bo'yicha filosofiya doktori

Toshkent ijtimoiy innovatsiya universiteti

Tayanch so'zlar: bullying, psixologik ta'sir, kichik maktab yoshi, emotsional rivojlanish, ijtimoiy munosabatlar, oilaviy muhit, maktab muhiti, psixologik salomatlik.

Ключевые слова: буллинг, психологическое воздействие, младший школьный возраст, эмоциональное развитие, социальные отношения, семейная среда, школьная среда, психологическое благополучие.

Key words: bullying, psychological impact, primary school age, emotional development, social relationships, family environment, school environment, psychological well-being.

Kirish. Kichik maktab yoshidagi bolalar rivojlanishining o'ziga xos jihatlari ularning ijtimoiy muhitdagi o'rni, emotsional barqarorligi va ijtimoiy muloqotga bo'lgan ehtiyojlari bilan chambarchas bog'liqdir. Ushbu yosh davrida bolalarning shaxs sifatida shakllanishi davom etadi, ular o'z-o'zini anglash, ijtimoiy o'zaro ta'sir va hissiy o'z-o'zini boshqarish qobiliyatlarini rivojlantiradilar. Shu bilan birga, bu davrda ular turli xil psixologik va ijtimoiy muammolarga duch kelishadi. Ushbu muammolar orasida bullying, ya'ni zo'ravonlik va ta'qib qilish, ayniqsa, dolzarb masala hisoblanadi.

Bulling kichik maktab yoshidagi bolalar uchun nafaqat ijtimoiy muhitdagi o'zaro munosabatlarga, balki ular psixologiyasiga ham salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ushbu maqolada bullingning bolalar psixologiyasiga qanday ta'sir ko'rsatishi, uning sabab va oqibatlari, shuningdek, oldini olish va bartaraf etish yo'llari haqida batafsil tahlil beriladi.

Adabiyotlar talili va metodlar. Bulling – “ta'qib va zo'ravonlik” ma'nosini bildirib, kollektivdagi zaiflarni (qurbonlar yosh yoki katta bo'lishi mumkin!) qasddan va muntazam ta'qib qilishdir. Bullingning psixologik, jismoniy, ochiq yoki ko'rinmas shakllari mavjud [1:27]. Ta'qib deganda, odatda, tahqirlash, ustidan kulish, ataylab e'tibor bermaslik, kamsitish va kaltaklash tushuniladi. Ko'p hollarda bullying bir martalik hodisa emas. Faqatgina «g'alati» yoki «zaif» bo'lganlarga emas, har qanday bola bullying qurboni bo'lishi mumkin. Odatda, ta'qibning sababi – sinfdoshlar orasida hukmronlik qilishga intilish. Hozir bullying butun dunyoda, jumladan, O'zbekistonda ham dolzarb masalalardan biriga aylangan. BMT tadqiqotida aytilishicha, yoshlarning uchdan ikki qismi maktabda ta'qibga uchraydi. Ko'p hollarda bolalar maktabdagi nizolarni kattalardan berkitadi [2:112]. Har uchinchi bola o'zi ham ta'qibda bir necha bor ishtirok etgan. Bulling nimasi bilan xavfli: har qanday zo'ravonlik va ta'qib qurbonning ruhiyatiga zarar yetkazadi. Tadqiqotga ko'ra, ta'qibga uchragan

bolalarning sog'lig'i, xususan ruhiy sog'lig'i ham yomonlashadi. Yoshlar yolg'izlanib, ularda tushkunlik va ojizlik, vahima hissi shakllanadi. Ba'zilar o'z joniga qasd qiladi. Lekin zo'ravonlar ham xavf ostida ekan: ular o'z tengdoshlariga qaraganda alkogol va narkotik qaramligiga muhtalo bo'lar ekan. Zo'ravonlar ham tushkunlik va suitsid vasvasasiga tushishga moyilroqdir. Zaman shiddat bilan rivojlanib bormoqda, bullying holva, hozir kiberbullying paydo bo'lgan: kiberbullying bullingning o'zginasi, faqat endi ta'qib internetda, «Telegram», «Instagram» «Facebook», «Odnoklassniki» kabi ijtimoiy tarmoqlar va bloglarda, hatto telefon va SMS orqali amalga oshiriladi. Kiberbullenlar qurbonini 24 soat ta'qib qilishi mumkin [3].

Muhokama va natijalar. Bulling tushunchasi turli fanlarda turlicha talqin etiladi. Psixologiya fanida bullying – bu doimiy takrorlanib turuvchi, qasddan zarar yetkazish, kuch namoyish qilish yoki boshqa shaxsni psixologik bosim ostida qoldirishni anglatadi. Bu jarayonda bir shaxs yoki guruh boshqasiga qarshi salbiy munosabat va harakatlar orqali o'z kuchini namoyish qiladi. Bullingning uch asosiy turi ajratiladi:

Jismoniy bullying: turtkilash, urish, zarar yetkazish kabi harakatlar. Og'zaki bullying: haqorat qilish, masxara qilish, tahdidlar.

Ijtimoiy bullying: guruhdan chetlatish, izolyatsiya qilish, ijtimoiy mavqe'ni tushirishga qaratilgan harakatlar [4]. Bullingning bu turlari, ayniqsa, kichik maktab yoshidagi bolalar orasida keng tarqalgan bo'lib, har bir turining psixologik ta'siri o'ziga xosdir. Bu yoshdagi bolalar hali emotsional jihatdan to'liq barqaror emasligi va ijtimoiy ko'nikmalarning to'liq shakllanmaganligi sababli bullingning oqibatlariga ayniqsa moyil bo'ladilar.

Bullingning kichik maktab yoshidagi bolalar psixologiyasiga ta'siri. Bullingning kichik maktab yoshidagi bolalar psixologiyasiga ta'siri keng ko'lamli va chuqurdir. Ushbu ta'sirni quyidagi asosiy yo'nalishlarda ko'rib chiqish mumkin:

Emotsional barqarorlikka ta'sir. Bulling qurboni bo'lgan bolalar odatda kuchli stress va xavotir holatlarini boshdan kechiradilar. Bu ularning kundalik hayotidagi emotsional barqarorligini buzadi [5:59].

Xavfsizlik hissining yo'qolishi natijasida bolalarda o'z-o'zini qadrlash darajasi pasayadi, bu esa keyingi rivojlanish bosqichlariga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Shaxsiy rivojlanishga ta'sir. Bullingga uchragan bolalarda o'z-o'ziga ishonchsizlik kuchayadi. Ular o'zini boshqa tengdoshlari bilan solishtirib, o'zini pastroq darajada his qilishga moyil bo'ladilar. Bu jarayon natijasida shaxsiy motivatsiya pasayadi, bu esa o'qishdagi yutuqlar va ijtimoiy muloqotga ham salbiy ta'sir qiladi.

Ijtimoiy munosabatlarga ta'sir. Bulling qurboni bo'lgan bolalar ko'pincha ijtimoiy izolyatsiya holatida bo'ladilar. Ular tengdoshlari bilan muloqot qilishdan qochadilar va yolg'izlanishga moyil bo'ladilar. Ijtimoiy muloqotning cheklanishi ularning keyingi hayotidagi ijtimoiy ko'nikmalarga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Psixologik salomatlikka ta'sir. Bulling uzoq davom etsa, depressiya, xavotir, va hatto o'z joniga qasd qilish fikrlari kabi jiddiy psixologik muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Bolalarda somatik simptomlar (bosh og'rig'i, oshqozon og'rig'i) va uyqu buzilishi kuzatiladi, bu esa ularning umumiy salomatligiga ham ta'sir qiladi [6:39].

Bullingning rivojlanish omillari. Bullingning shakllanishi va rivojlanishiga ko'plab omillar ta'sir ko'rsatadi. Ushbu omillarni uch asosiy guruhga bo'lish mumkin:

Oilaviy omillar. Oiladagi salbiy muhit, bolalar bilan sifatli vaqt o'tkazilmasligi yoki zo'ravonlikka moyillik bullingning rivojlanishiga zamin yaratadi. Oiladagi noto'g'ri tarbiya usullari, jumladan, haddan tashqari nazorat yoki e'tiborsizlik, bolalarda tajovuzkorlikning shakllanishiga olib keladi [7:298].

Maktab muhiti. Maktabda qo'llaniladigan tartib-intizom qoidalarining yetarli emasligi, pedagoglarning

e'tiborsizligi yoki passivligi bullingning keng tarqalishiga imkon yaratadi. Guruhlar ichidagi ijtimoiy tengsizlik va rollar taqsimoti ham bullingni kuchaytiruvchi omillardandir.

Shaxsiy omillar. Tajovuzkor bolalarda empatiyaning past darajada rivojlanganligi va impulsivlik kabi xususiyatlar bullingni rivojlantiradi. Qurbon bolalar esa ko'pincha past o'z-o'zini baholash va zaif ijtimoiy ko'nikmalarga ega bo'lishadi [8].

Bullingning oldini olish strategiyalari. Bullingni oldini olish uchun quyidagi strategiyalarni qo'llash maqsadga muvofiqdir:

Oilaviy yondashuvlar. Oilada bolalarga emotsional e'tibor qaratish, ularning muammolarini tinglash va ularni ijtimoiy ko'nikmalar bilan ta'minlash muhimdir. Zo'ravonlikka moyillikni kamaytirish uchun oiladagi tarbiya usullarini yaxshilash lozim [9].

Maktabdagi choralar. Maktabda bullingga qarshi dasturlar ishlab chiqish va ularni joriy etish zarur. Pedagoglar va psixologlar tomonidan bolalarning emotsional holatini doimiy ravishda monitoring qilish lozim.

Individuallashtirilgan yondashuv. Har bir bolaning individual xususiyatlarini inobatga olgan holda psixologik yordam ko'rsatish [10]. Qurbon va tajovuzkor bolalar bilan ishlashda maxsus terapevtik usullarni qo'llash maqsadga muvofiqdir.

Xulosa. Bulling kichik maktab yoshidagi bolalar psixologiyasiga chuqur va keng qamrovli ta'sir ko'rsatadi. Bu jarayon bolalarning emotsional barqarorligidan tortib, ijtimoiy munosabatlari va psixologik salomatligigacha bo'lgan barcha sohalariga taalluqlidir. Bullingni oldini olish va bartaraf etish uchun tizimli yondashuv zarur bo'lib, bunda oilalar, maktab jamoasi va psixologlar birgalikda ishlashi lozim. Mazkur maqola bulling muammosini chuqurroq o'rganishga va uning salbiy oqibatlarini kamaytirishga qaratilgan amaliy choralar ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. Anderson C.A., & Bushman B.J. 2002. «Human Aggression» Annual Review of Psychology, 53, 27-51.
2. Barabanshchikova V.V. 2012. «Psixologiya razvitiya: prakticheskiy podkhod» Moscow: INFRA-M.
3. Berdieva G.J. "Relationships between conflict behavior and conflict situations in the student community". American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 10, 412-415. Retrieved from <http://www.ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/389>
4. Berdieva G.J. "Psychological basis of the concept of conflict behavior". Archive of Conferences, 2021.
5. Berdiyeva G. BULLYING IN THE PEDAGOGICAL TEAM: A SOCIO-PSYCHOLOGICAL ANALYSIS. News of the NUUZ, 1(1.10.1), 2024. -P.59-60. <https://doi.org/10.69617/nuuz.v1i1.10.1.4721>
6. Garandeau C.F., & Salmivalli C. (2019). «Can Healthier Class Norms Reduce Bullying? A Multilevel Analysis» Journal of School Psychology, 74, 38-51.
7. Hymel S., & Swearer, S. M. «Four Decades of Research on School Bullying: An Introduction» American Psychologist, 70(4), 2015. -P. 293-299.
8. Olweus D. «Bullying at School: What We Know and What We Can Do» Wiley-Blackwell. 1993.
9. Rigby K. «New Perspectives on Bullying» Jessica Kingsley Publishers. 2002.
10. Smith P.K., & Sharp S. «School Bullying: Insights and Perspectives» Routledge. 1994.
11. Sullivan K., Cleary M., & Sullivan G. «Bullying in Secondary Schools: What It Looks Like and How To Manage It.» Paul Chapman Publishing. 2004.

12. UNESCO. «Behind the Numbers: Ending School Violence and Bullying» United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. 2019.

13. Uzbek National Research Database. «Children's Mental Health and School Environment» Tashkent: Ministry of Education. 2023.

14. Бердиева Г.Дж. «Социально-психологические особенности возникновения конфликтных ситуаций у студентов» // Проблемы современного образования. №5. 2020.

REZYUME. Ushbu maqolada kichik maktab yoshidagi bolalarda bullingning psixologik xususiyatlari, uning shakllanish omillari va bolalar psixologiyasiga ta'sir ko'rsatadigan asosiy jihatlari o'rganilgan. Bullingning emotsional, shaxsiy va ijtimoiy oqibatlari tahlil qilingan, shuningdek, bu jarayonni oldini olish va bartaraf etish strategiyalari ishlab chiqilgan. Mazkur tadqiqot bolalarning ijtimoiy-psixologik salomatligini ta'minlashga qaratilgan amaliy yondashuvlarni taklif etadi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье изучены психологические особенности буллинга у детей младшего школьного возраста, факторы его формирования и ключевые аспекты его влияния на психологию детей. Проанализированы эмоциональные, личностные и социальные последствия буллинга, а также разработаны стратегии предотвращения и устранения этого явления. Данное исследование предлагает практические подходы, направленные на обеспечение социально-психологического благополучия детей.

SUMMARY. This article examines the psychological characteristics of bullying among primary school-aged children, the factors influencing its formation, and its key effects on children's psychology. The emotional, personal, and social consequences of bullying are analyzed, and strategies for its prevention and mitigation are developed. This study proposes practical approaches aimed at ensuring the socio-psychological well-being of children.

SHAXS PSIXOLOGIYASÍNDÁ STRESS MASHQALASÍ

A.Dawkeeva – *pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent*

X.Saidaxmetova – *magistrant*

Ajiniyaz atındaǵı Nokis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: stress, psixologik stress, distress, axborat stress, emotsional stress, frustratsiya, diskonfort, ruhiy stress.

Ключевые слова: стресс, психологический стресс, дистресс, стресс сообщения, эмоциональный стресс, разочарование, дискомфорт, психический стресс.

Key word: stress, psychological stress, distress, message stress, emotional stress, frustration, discomfort, mental stress.

Dúnya júzlik salamatlılıqtı saqlaw shólkemi ótkergen izertlewlerge qaraǵanda islep shıǵarıwı rawajlangan mámleketlerde 10% jasawshılar aytarlıqtay nerv keselliklerine shalingan. Kópshilik izertlewshiler qan-tamirları kesellikleri hám nerv kesellikleri arasındaǵı baylanıstı atap ótedi. M.Pflandtıń aytıwınsha, gipertoniyalıq nawqaslar (qan basımınıń artıwı) dáslep shıpakerlerge ózleriniń ashıwshaq bolıp qalǵanlıqlarınan shaǵım etip keledi, tek ǵana tekseriwler nátiyjesinde olarda qan basımınıń joqarılıǵı málim boladı. Rus alımı K.D.Sudakov ótkergen izertlewleri nátiyjesinde júrek-qan tamir kesellikleriniń sebebin júrek-qan tamir sistemasınan emes, al miyde bolıp ótetuǵın hár qıylı processlerden izlew kerek, degen juwmaqaqqa birinshi bolıp keledi [1]. Házirdi oraylıq nerv sistemasındaǵı processlerge baylanıslı kesellikler kóbeymekte, nevrotikalıq kórinisler organizmniń funktsional dizimindegi basqa da buzılıwlarǵa alıp keledi. Ádette, medicinada nevrozlar hám psixosomatikalıq kesellikler bir-birinen ajralǵan halda ayırıqsha emlenedi.

Stress mashqalası, tiykarınan, sırtqı ortalıq sharayatlarına baylanıslı nerv psixikalıq keselliklerdiń júzege keliwi hám rawajlanıwında stresslerdiń tásirine úlken áhmiyet beriledi, ásiyese, bul júrek-qan tamir keselliklerine tiyisli. Sonıń menen birge, stresske unamlı tásir, yaǵnıy jumıs qábiletin asırıw xarakterine iye. Sonlıqtan da, stresstı «ómirdiń duzı» dep ataydı. Duzdan paydalanǵanda ólshemniń bolıwı, stresstıń de

ólshemi miynet ónimdarlıǵın asırıwı múmkin yamasa ólshemnen artıp ketiwi salamatlılıq ushın zıyan bolıwı múmkin.

Stress bul qorshaǵan ortalıqtıń uzaq waqıt tásiiri bolıp, individ ushın emotsional organizmniń basqarıwshı diziminde hám oraylıq nerv sistemasında oǵan tán bolǵan reakciyalardı júzege keltiredi. Qorshaǵan ortalıqtıń stress tásirleri hár túrli bolıp, qozǵatıwshınıń kópligi tásirinde bolıwı múmkin (shawqım, asıǵıw, jumıstı orınlaw múddetiniń qisqalıǵı insanlar ortasındaǵı múnásibetlerdiń jaqsı emesligi, hádden tis talapshańlıq) yamasa qozǵatıwshılardıń jetispewshiligi áqibetinde (birdeylik, talaptıń jeńilligi, sociallıq illyuziya, baylanıslardıń jetispewshiligi), qarama-qarsılıqlar kórinisinde (qarar qabil etiw menen baylanıslı bolǵan processlerdiń óz ara tásirinde buzılıw, erktiń kúshsizligi, zárúrlilikler hám olardıń qanaatlendiriliwı ortasında muwapıqlıqtıń joqlıǵı, gúmanlanıw) yamasa waqtınsha basqarıwdıń buzılıwı sıpatında kórinedi.

Stress tásirleri ushın organizmniń emotsional reaktivligi úlken áhmiyetke iye. Mısalı, júrek-qan tamir kesellikleri, ásiyese, joqarı qan basımın (gipertoniya) «emociya keseli» dep ataydı. Insanniń hár qanday xızmeti, eń dáslep, aqlıy, dóretiwshilik hám fizikalıq jumısları zorıǵıwdı talap etedi. Usınday jol menen insanlar turmıslıq jaǵdaylarda aldında turǵan wazıypalarǵa uzaq waqıt dıqqatların jámlep, olardı isenim menen tolıq sheshe aladı. Insan

xizmetiniń kritikalıq orayına jaqınlaǵan sayın olarda zoriǵıw kúsheyip baradı. İnsan jumısın nátiyjeli tamamlagannan soń jeńillesiw hám bosasıw sezimin bastan keshiredi. Bul jaǵday bosasıw dep ataladı. Nerv hám garmonal jollar arqalı zoriǵıp, funkciyanıń organikalıq kúsheyiwi (stress) nátiyjege erisiwde áhmiyetli faktor esaplanadı. Ol insan ushın zıyanlı esaplanbaydı, eger sarplanǵan energiya tezlik penen qayta tiklense, tánepisler hám bos waqtın ónimli paydalanıw jolı menen bosasıwǵa erisiw múmkin. Bosasıwǵa basqa xizmet túrine kóshiw arqalı da erisiwge boladı.

Biraq, zoriǵıw insannıń dóretiwshilik xizmetin tormozlawı, jumıs qábiletin páseyttiriwi, salamatlıqqa zıyanlı tásir kórsetiwi, eger bosasıw jeterli bolmasa, joqarıdaǵı jaǵdaylar boladı. Bunday uzaq waqt zoriǵıw processı hár qıylı jaǵdaylarda júzege keliwi, kelispewshilikli jaǵdaylar, shaxslar aralıq múnásibetlerdiń buzılıwı, keleshekke isenbewshilik, qáwip-qáterden qorqıw, jumıstıń bárqulla qısqa múddette tapsırılıwı sebepli óz waqtında úlger almawdan qorqıw hám basqalardı kiritemiz. Barlıq stress jaǵdaylarında unamsız sezimler rol oynaydı. Olar insan xizmetine hám onıń organizmine buzıwshı tásir kórsetedi.

Stress - inglizshe -stress-sózinen alınǵan bolıp, basım, zoriǵıw, qıyınshılıq degen mánisti ańlatadı. Stress insan organizminiń jaǵdaylarında hádden tis zoriǵıw nátiyjesinde payda bolatuǵın krizis procesi esaplanadı [2]. Stress kórinisine qaray ekige bólinedi:

1. Konstruktiv – biz túrindegi (kópshilik ortasında)

2. Destruktiv – men túrindegi (jeke shaxs ózi menen) bolatuǵın process.

Stresstıń fiziologiyalıq hám psixologiyalıq túrleri bar. Stressorlardıń (stresske alıp keliwshı faktor) xarakterine hám ózgesheliklerine qarap, fiziologiyalıq stress-júdá kúshli fizikalıq zoriǵıw, qandayda bir awırıw, qorqıw, kesellikler nátiyjesinde kelip shıǵadı.

Psixologiyalıq stress – adamnıń ruxıy jaǵdayına waqıyaların tásiiri nátiyjesinde payda bolatuǵın stress. Psixologiyalıq stress, bul ruwhıy túskinlikke túsiw sanaladı.

Psixologiyalıq stress:

a) informaciyalıq stress;

b) emocional stress túrlerine bólinedi.

Informacion stress- insanda hádden ziyat xabarları kóp qabıl etiw, insan aldına qoyǵan wazıypalardı orınlawda bir qansha sheshimler bolsa da anıq olardan qaysı birin tańlaw, joqarı dárejeni tezlik penen qarar qabıl qılıwda ekilenedi.

Emocionalıq stress qorqıtıw, apatshılıq, turmıslıq ózgerisler, kúndelikli táshwishlerde kórinedi. Psixologlar M.Shayer hám Ch.Karverlerdiń pikirinshe, optimist insan eń awır qıyın jaǵdayda dep aldığa umtıladı. Birinshi bolıp stress boyınsha 1932-

jılı fiziolog Uolter Kenon hám 1936-jılda G.Selelar tereńirek túsiniw beriwge háreket etken [3]. Sele stress haqqındaǵı izertlewlerdi óziniń «Disstressiz stress» shıǵarmasında ulıwmalastırǵan. Stress 3 basqishqa bólinedi:

1. Qáweterleniw basqışı;

2. Beyimlesiw basqışı;

3. Orta sharshaw basqışı.

Inflyaciya, jumissizlik stresslerdiń socialliq faktori esaplanadı.

Stress mashqalasın sheshiwde, 3 tárepke itibar beriw zárúr.

1. Sezimlik stress faktorların joq etiw.

2. Sezimdi tárbiyalaw. Ózimizdiń sezimimizdi basqarıw arqalı, kóbinese, stress jaǵdayınıń aldın alıwımız múmkin. Sezimdi bunday basqarıwda shınıǵıwlar islew zárúr bolıp, bunda unamsız sezimniń payda bolıwı, unamlı sezim ushın signal bolıwı zárúr. Bunday juwap beriw usılı menen bárhama shınıǵıw islense, insan unamsız sezimlerdi basqarıwǵa úyrenedi hám unamlı sezimlerdi aldınǵa shıǵaradı.

3. Zoriǵıw hám bosasıwdı bárhama almastırıp turıwǵa erisiw ushın jumista tánepislerdi shólkemlestiriw hám bos waqıttı mazmunlı ótkeriw zárúr. İnsan dúzilisindegi individual ózgeshelikler de stresstıń kórinisinde rol oynaydı [4].

Eń áhmiyetlisi, stress penen psixologiyalıq gúres alıp barıwda jáne de qıyınlastıratuǵın unamsız pikirler aǵımın toqtatıw kerek. Hámmesin oylap qarar qabıl etiw ushın eń keminde bir neshe minutlıq dem alıwdı shólkemlestiriw kerek. Sebebi, adam stresstıń birinshi minutlarında suwıqqanlıq penen pikirley almaydı. Kóbinese, adam mine usınday waqıtlarda oylap kórilmegen is-háreketlerdi ámelge asıradı, bul aqırında ókiniwlerge alıp keledi, yaǵniy átiraptaǵılargá ayıplı sózlerdi aytıwı múmkin. Buǵan onıń sanasında payda bolǵan natuwrı unamsız pikirler ayıplı boladı. Nerv buzılıwdan soń dáslepki minutlarda pikirdi ne menen bánt etiw kerek? Mısalı, 1den 10ǵa shekem, soń kerisinshe tártipte sanaw. Bunı organizmniń tábiyiy-fiziologiyalıq procesi menen, mısalı, hár bir dem alıw hám shıǵarıwdı yamasa pulstıń soǵıwın baylanıstırıw múmkin. Ásirese, tereń dem alıw paydalı (eger siz pulstıńızdı sanap atırǵan bolsańız), dem alıw júrektiń soǵıwı menen saykeslengenligin sezesiz. Stressli jaǵdayda qarın menen dem alıw másláhát etiledi. Bunda til tańlayǵa jabısqan bolıwı kerek. Tosattan bolǵan stress penen gúreskende dene seziwleri menen islesiw áhmiyeli. «Júregim tabanıma túsip ketti» degen sóz tuwrı ayılǵan [5].

Juwmmaq. Eger denede unamsız seziwler anıqlansa (stress penen baylanıslı), olardan hár túrli usıllar járdeminde qutılıw kerek. Dem alıw, relaksaciya. Házirgi usınıs etilip atırǵan metodlar shaxstıń qaysı psixologiyalıq tipke tiyisli ekenligi, informaciyanıń

qaysı kanalı ahmiyetliligine baylanıslı, yaǵnıy esitiwshi, kóriwshi, fizikalıq (háreketleniwshi). Eger siz «kóriwshi» tipindegi adam bolsańız, átirapınızdadı orap turǵan predmetlerdiń atın aytıp berıń. Qiyalıńızda yamasa sıbırlap, biraq anıq hám qısqa predmetler atın atap berıń. Eger siz «esitiwshi» tiptegi adam bolsańız, muzika esitiwińiz múmkin, yamasa jaqsı kórgen qosıǵıńızdı esleń hám qiyalıńızda qayta tikleń. Eger siz «háreketshen» tip bolsańız, dárhal 10-

15 minutlı bulshıq etler aktivliligi hám háreket penen baylanıslı qanday da bir xızmet penen shuǵıllanıń. Bul júwırıw yamasa sport zalındaǵı shiniǵıwlar bolıwı shárt emes. Úyde bul ıdıs, tabaq juwıw, jumısta bolsa stol ústindegi qaǵazlardı tártipke keltiriw bolıwı múmkin. 20-30 minut ótkennen soń sezimlerdiń qızıwı ótip, stress shaqırǵan jaǵdaylardı analizlep, oǵan shetten qarap turǵanday qatnasta bolıp, basıqlıq penen sheshiwge boladı.

Ádebiyatlar

1. Мионов Е. Стресс. –Москва: СПб.: ДИЛЯ, 2003 (ГИПК Лениздат). –С. 10.
2. Sirliiev B.N., Ismailova N., Xakimova M.M. Stress va agressiya. O'quv-metodik qo'llanma. –Toshkent: 2014.
3. Чирков Ю Г. Стресс без стресса. - М.: «Физкультура и спорт», 1988. –С. 176.
4. Sele H. Experimental yevidentse supporting the sontseption of «adaptation yenergy», - Am. j. physiol., 1938. № 123. 758-765-b.
5. Бодров В.А. Информационный стресс: Учебное пособие для вузов. – Москва: ПИР СЭ, 2000. –С. 352.

REZYUME. Stress muammosi asosan tashqi ta'sir sharoitlarga bog'liq nerv psixik kasalliklarning yuzaga kelishi va rivojlanishi, stressning turlari, stresslarning tasirini katta ahamiyotga berilishi haqida so'z yuritilgan.

РЕЗЮМЕ. Обсуждается развитие нервно-психических заболеваний, связанных с физическим состоянием стрессора, а также воздействием различных видов стресса.

SUMMARY. The development of neuropsychiatric diseases associated with the physical state of the stressor, as well as the effects of various types of stress, is discussed.

O'SMIR YOSHDAGI O'QUVCHILARDA KREATIV FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISH PSIXODIAGNOSTIKASI

M.M.Djolimbetova – *psixologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori*

E.Y.Aytmuratova – *magistrant*

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: o'smir yosh davri, kreativlik, rivojlanish psixologiyasi, ijodiy tafakkur, ijtimoiy kreativlik, mustaqil fikrlash, intellektuallik.

Ключевые слова: подростковый возраст, творчество, психология развития, творческое мышление, социальное творчество, самостоятельное мышление, интеллектуальность.

Key words: adolescence, creativity, psychological development, creative thinking, social creativity, independent thinking, intellectuality.

Kirish. Prezident Shavkat Mirziyoev tomonidan qabul qilingan bir qator qaror va dasturlar O'zbekistonda yoshlarning kreativ fikrlashini rivojlantirish va ta'lim sifatini oshirishga yo'naltirilgan. Bu dasturlar doirasida ta'limni zamonaviylashtirish, innovatsion o'qitish metodlarini joriy etish va yoshlarning ijodiy salohiyatini oshirishga katta e'tibor qaratilmoqda.

Asosan, "O'zbekiston 2030" strategiyasi - bu strategiyaning muhim yo'nalishlaridan biri ta'limda xalqaro standartlarga, xususan, PISA va STEAM dasturlariga muvofiqlashtirishdir. Strategiya doirasida kreativlikni rivojlantirish va yoshlarga zamonaviy yondoshuvlarni o'rgatish maqsadida ta'lim va madaniyat sohasida islohotlar olib borilmoqda. Yoshlarning ijodiy imkoniyatlarini oshirish uchun IT-parklar va raqamli texnologiya markazlari tashkil etilmoqda.

Yanada, Yoshlar siyosatining "O'zbekiston – 2025" kontsepsiyasi - bu dastur yoshlarning ijodiy salohiyatini rivojlantirish, ularga kasbiy bilim berish va tadbirkorlikka yo'naltirishni o'z ichiga oladi. Dasturda yoshlarning ijtimoiy va madaniy

rivojlanishiga qaratilgan maxsus tadbirlar va loyihalar o'tkazish ko'zda tutilgan, shuningdek, kreativ fikrlashni rag'batlantirish uchun zamonaviy shart-sharoitlar yaratilmoqda [3].

Asosiy bo'lim. O'smir yoshdagi o'quvchilarda kreativ fikrlashni rivojlantirish psixodiagnostikasi - bu ularning ijodiy qobiliyatlarini baholash, fikrlash jarayonlarini tushunish va rivojlanish yo'llarini aniqlashga qaratilgan uslubiy tadqiqotlar to'plamini o'z ichiga oladi. Kreativ fikrlash insonning yangi g'oyalar yaratish, muammolarni noan'anaviy usullar bilan hal qilish qobiliyatini ifodalaydi, va bu o'smir yoshda shakllana boshlaydi.

O'smirlik davrining o'ziga xos jihatlari

1. Jismoniy rivojlanish:

O'smirlik davrida jismoniy o'zgarishlar jadal rivojlanadi: bo'y o'sishi, vazn oshishi, muskullar kuchayishi va gormonal o'zgarishlar kuzatiladi.

Jismoniy o'zgarishlar o'zini anglashdagi muammolarga olib kelishi mumkin, chunki o'smirlar o'z tashqi ko'rinishiga nisbatan hissiyotlarga, tanqidlarga va ijtimoiy baholarga sezgir bo'lib qoladilar.

2. Kognitiv rivojlanish:

O'smirlar asta-sekin turli darajadagi murakkab tushunchalar va abstrakt fikrlashga o'tadilar. Ularda tanqidiy fikrlash, tahlil qilish qobiliyati va mantiqiy fikr yuritish rivojlanadi.

Masalan, o'smir yoshdagi o'quvchilar o'z fikrlarini o'ziga xos tarzda ifoda eta boshlaydilar va mustaqil qarorlar qabul qilishni o'rganadilar.

Emotsional rivojlanish:

Emotsional jihatdan o'zgaruvchanlik, kayfiyatning tez-tez o'zgarishi o'smir yoshga xos xususiyatlardan biridir. Bu davrda ular o'z his-tuyg'ularini to'g'ri anglash va boshqarishni o'rganadilar.

Ba'zida o'smirlar his-tuyg'ularini anglash va ifoda etishda qiyinchiliklarga duch kelishlari mumkin, bu esa tanaffus va tushkunlik holatlariga olib kelishi mumkin.

Shaxsiy rivojlanish va identifikatsiya:

O'smir yoshdagi o'quvchilar o'z shaxsiyatini shakllantirish jarayonida bo'ladilar. Ular kim ekanliklarini, o'z maqsadlari va qadriyatlarini aniqlashga intiladilar.

O'smirlar shaxsiy mustaqillikka intiladilar, o'zlari uchun yangi qadriyatlar yaratadilar va oiladan alohida shaxs sifatida o'zlarini tan olishni istaydilar.

Ijtimoiy munosabatlar:

Do'stlar va tengdoshlar bilan munosabatlar o'zining muhimligini oshiradi. O'smirlar ko'p vaqtlarini tengdoshlari bilan o'tkazadilar, ulardan ta'sirlanadilar va ijtimoiy munosabatlarda tajriba orttiradilar.

Tengdoshlar bilan aloqa qilish, o'zaro munosabatlar, guruhga mansublik hissi o'zlarini ko'rsatish uchun katta ahamiyatga ega. Bu jamoadagi o'rnini topishga va ijtimoiy rollarni sinab ko'rishga yordam beradi [2].

Bunda asosiy psixodiagnostika maqsadlari shundan iboratki:

1. Kreativ fikrlash darajasini aniqlash:

O'smirning fikrlash qobiliyati va ijodiy darajasini aniqlab, uning rivojlanish bosqichini baholash.

2. Kreativ fikrlashning shaxsiy xususiyatlarini o'rganish:

Kreativlikning ko'p qirrali xususiyatlarini, jumladan, originallik, o'ziga xos yondoshuv, eski ishlarni yangicha bajarishga moyillik kabi jihatlarini tahlil qilish.

3. Rivojlanish yo'nalishlarini aniqlash:

O'smir yoshdagi o'quvchilarda kreativlikni rivojlantirish uchun maqsadli yondoshuvlarni ishlab chiqish.

Kreativlikni o'lchash metodlari

1. Testlar:

Torrans kreativlik testlari: Bu testlar kreativlikni o'lchashda eng keng qo'llaniladigan testlardan biri hisoblanadi. Unda shaxsning obrazli va loyihaviy fikrlash qobiliyatini aniqlash uchun grafik va verbal topshiriqlar berilgan. Masalan, har xil shakllardan

yangi narsalar yasash yoki o'ziga xos nomlar yaratish talab qilinadi.

1. Кремень М.А., Герасимчик А.П. Психологические аспекты принятия решения в проблемных ситуациях. *Вестник Университета гражданской защиты МЧС Беларуси*, 1(4), 2017. –С. 479-487.
2. Сорокина Л.А. О состоянии готовности подростков к безопасному поведению в повседневной жизни. *Образование и наука*, (6), 2010. –С. 49-58.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт: Университетлар ва педагогика институтлари учун укув кўлланма. - Т.: “Университет”, 1999.
4. Солнцева Г.Н., Смолян Г.Л. Принятие решений в ситуации неопределенности и риска (психологический аспект). Труды Института системного анализа Российской академии наук, 41, 2009. –С. 266-280.
5. Психология экстремальных ситуаций: хрестоматия / сост. А.Е. Тарас, К.В. Сельченко. -Минск: Харвест, 1999. –С.480.

REZYUME. Ushbu maqolada shaxs va uning individual psixologik xususiyatlaridan kelib chiqib turli xildagi ekstremal va ziyatlarda qaror qabul qilishning psixologik jihatlari va psixologik yondoshuvlarga muvofiq, qaror qabul qilish bir tomondan kognitiv, tartibga soluvchi, kommunikativ xarakterga ega bo'lsa, ikkinchi tomondan esa, shaxsning biron sohada keyingi harakatlari uchun asos bo'luvchi ijtimoiy-psixologik hodisa sanaladi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются психологические аспекты принятия решений в различных экстремальных ситуациях на основе личности индивидуально-психологических особенностей и в соответствии с психологическими решениями носит познавательный, регулятивный, коммуникативный характер, другой-социально-психологический феномен, являющийся основополагающим для дальнейших действий индивида в биосфере.

SUMMARY. This article examines the psychological aspects of decision-making in various extreme situations based on personality, individual psychological characteristics and in accordance with psychological approaches, decision-making is, on the one hand, cognitive, regulatory, communicative in nature, on the other - a socio-psychological phenomenon that is fundamental for further actions of an individual in the biosphere.

MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA ZAMONAVIY PSIXOLOGIK XIZMAT KO'RSATISHNING O'ZIGA XOS MEXANIZMLARI

M.Yu.Rajabova – *assistent o'qituvchi*

Qarshi davlat universiteti

Tayanch so'zlar: maktabgacha ta'lim, psixologik xizmat, rivojlanish, shaxsiy yondashuv, emotsional-intellektual rivojlanish, zamonaviy texnologiyalar, ota-ona hamkorligi.

Ключевые слова: дошкольное образование, психологическая служба, развитие, индивидуальный подход, эмоционально-интеллектуальное развитие, современные технологии, взаимодействие с родителями.

Key words: preschool education, psychological services, development, personalized approach, emotional and intellectual development, modern technologies, parental cooperation.

Bugungi kunda ta'lim tizimiga qaratilayotgan e'tibor sezilarli darajada oshib bormoqda, ayniqsa, maktabgacha ta'lim tizimi bu jarayonda ustuvor yo'nalish sifatida e'tirof etilmoqda. O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'lim tizimini rivojlantirishga qaratilgan islohotlar so'nggi yillarda keng miqyosda amalga oshirilmoqda. 2023-yil holatiga ko'ra, maktabgacha ta'lim bilan qamrab olingan bolalarning ulushi 68,7% ni tashkil etadi, bu esa avvalgi yillardagi ko'rsatkichlarga nisbatan sezilarli o'sishni anglatadi (O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim agentligi ma'lumotlariga ko'ra). Mazkur o'zgarishlar, shuningdek, psixologik xizmatlarning joriy etilishi va ularning samaradorligini oshirishga qaratilgan sa'y-harakatlar bilan chambarchas bog'liqdir [1].

Bugungi kunda ta'lim tizimiga qaratilayotgan e'tibor sezilarli darajada oshib bormoqda. Nafaqat ta'lim muassasalarining infratuzilmasi yangilanmoqda, balki ularning ichki muhiti ham tubdan o'zgarib, rivojlanmoqda. So'nggi yillarda mamlakatimizda yosh avlodni har tomonlama yetuk va sog'lom shakllantirish, ta'lim-tarbiya jarayoniga samarali metodlarni tatbiq etish orqali maktabgacha ta'limning samarali tizimini yaratish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2016-yil 29-dekabrda qabul qilingan "2017-2021 yillarda maktabgacha ta'lim tizimini

yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2707-sonli qaror, 2017-yil 30-sentyabrda "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5198-sonli Farmon va 2019-yil 10-maydagi "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PQ-4312-sonli qarorlar maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlarni o'z ichiga oladi. Ushbu hujjatlarda ta'lim muassasalarini zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlash, malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash va innovatsion yondashuvlarni tatbiq etish bo'yicha aniq vazifalar belgilangan.

Shuningdek, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom psixologik muhit yaratish va psixologik xizmat ko'rsatish tizimini rivojlantirish ham muhim yo'nalish sifatida belgilab o'tilgan. So'nggi yillarda davlat xususiy sheriklik asosida nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalari sonining oshishi va ular tomonidan ko'rsatilayotgan xizmatlar doirasining kengayishi uchun qulay sharoitlar yaratilgan. Bu esa sohaga bo'lgan e'tiborni yanada oshirish uchun mustahkam poydevor bo'lib xizmat qilmoqda [2:12].

Bolalarning intellektual, emotsional va ijtimoiy rivojlanishini qo'llab-quvvatlash uchun maktabgacha ta'lim tizimida psixologik xizmatning mavjudligi muhim omillardan biri hisoblanadi. Psixologik

xizmatning asosiy maqsadi tarbiyalanuvchilarning ma'naviy va aqliy rivojlanishini ta'minlash, shuningdek, ularning ijtimoiy muhitga moslashuvini yuksaltirishga qaratilgan. Psixologik xizmatlar orqali bolalar o'z qobiliyatlarini namoyon qilish, salbiy hissiy holatlarni bartaraf etish va barkamol shaxs sifatida shakllanish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida psixologik xizmatni tashkil etishning zamonaviy mexanizmlari quyidagilardan iborat:

Bolalarning shaxsiy va ijtimoiy rivojlanishini psixologik jihatdan kuzatish maqsadida zamonaviy diagnostika vositalaridan foydalanish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Masalan, bolalarning qiziqishlari va qobiliyatlarini aniqlash uchun foydalaniladigan test tizimlari, jumladan, «Bayley Scales of Infant Development» yoki «Denver II» diagnostika vositalari, yuqori samaradorlikni ko'rsatmoqda. [3:9]

Bolalar bilan ishlashda raqamli texnologiyalarning qo'llanilishi, jumladan, interaktiv platformalar va dasturlar, ta'lim va tarbiya jarayonini yanada samarali qilish imkonini beradi. Masalan, 2022-yilda maktabgacha ta'lim muassasalarining 40% dan ortig'i zamonaviy o'quv platformalari bilan jihozlanganligi qayd etilgan [4:17].

Psixologik xizmatlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan pedagoglar va ota-onalar bilan samarali hamkorlikni yo'lga qo'yishga bog'liqdir. Bu jarayonda ota-onalarning psixologik-pedagogik bilimlarini oshirishga qaratilgan o'quv seminarlarini tashkil etish, shuningdek, pedagoglarning psixologik madaniyatini rivojlantirish ustuvor yo'nalish sifatida belgilangan.

Bolalarning psixologik muammolarini bartaraf etish maqsadida psixologik xizmat ijtimoiy reabilitatsiya choralari amalga oshiradi. Jumladan, o'z tengdoshlari bilan kommunikatsiyani rivojlantirish, ijtimoiy muhitga moslashish va turli yosh guruhlari uchun psixologik qo'llab-quvvatlash dasturlarini ishlab chiqish ushbu xizmatning muhim tarkibiy qismidir [5:112].

Maktabgacha ta'lim tizimida psixologik xizmatni takomillashtirish quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi:

Ta'lim jarayonida konstruktiv psixologik yondashuvlarni qo'llash bolalarning kreativlik va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

Psixologik xizmatni rivojlantirish uchun tajribali psixologlarni tayyorlash va ularning malakasini oshirish bo'yicha tizimli choralar ko'rilmogda. 2023-yil holatiga ko'ra, respublika bo'ylab maktabgacha ta'lim muassasalarining faqat 60% da malakali psixologlar faoliyat olib boradi.

Har bir ta'lim muassasasida bolalar uchun qulay va sog'lom psixologik muhitni ta'minlash maktabgacha ta'limning ustuvor vazifalaridan biridir.

Maktabgacha ta'lim tizimida bolalarning sifatli ta'limdan foydalanishini ta'minlash, o'quv-metodik materiallar va pedagogik kadrlar bilan ta'minlash, shuningdek, zamonaviy psixologik xizmatlarni rivojlantirish dolzarb masala hisoblanadi. Ta'lim tizimini takomillashtirish uchun qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlar, jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-sentabrda «Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3955-sonli qarori maktabgacha ta'lim muassasalarida psixologik xizmatlarni rivojlantirishni ko'zda tutadi.

Psixologik xizmatning maqsadi — tarbiyalanuvchilarning ma'naviy va aqliy rivojlanishi, shaxs sifatida shakllanishi, ijtimoiy moslashuvi va salomatligini muhofaza qilish uchun sharoitlar yaratishdir.

Maktabgacha ta'lim tizimida psixologik xizmatni rivojlantirish bolalarning intellektual, emotsional va jismoniy rivojlanishini qo'llab-quvvatlashda muhim ahamiyatga ega. Ushbu xizmatning sifatli tashkil etilishi ta'lim jarayonini samarali amalga oshirish va yosh avlodni har tomonlama yetuk shakllantirish imkonini beradi [6:72].

Psixologning asosiy vazifasi insonning xulq-atvori va psixik faoliyati, psixologik rivojlanishning yoshga bog'liq qonuniyatlarini chuqur o'rganishdan iborat. U o'zining kasbiy bilimlariga tayangan holda, o'quvchilar va kattalar, tengdoshlari bilan o'zaro munosabatlaridagi xususiyatlarni aniqlash, shuningdek, ta'lim-tarbiya jarayonini to'g'ri tashkil etishda bolaga individual yondashuv imkoniyatlarini yaratadi. Shu bilan birga, u bolalarning qobiliyatlarini aniqlaydi va normadan chetga chiqish holatlarini aniqlash uchun psixologik-pedagogik korreksiya yo'llarini belgilaydi. Buning natijasida psixologik xizmat maktabdagi ta'lim va tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishga hamda ijodkor va faol shaxsni shakllantirishga hissa qo'shadi.

Psixologik xizmat uch asosiy bo'g'indan iborat bo'lib, uning maktablarda samarali yo'lga qo'yilishi o'quvchilarning ruhiy va ma'naviy rivojlanishiga katta yordam beradi. Ayniqsa, o'smirlik davrida yuz beradigan jismoniy va fiziologik o'zgarishlar ularning ruhiyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. O'quvchilar ko'pincha bu o'zgarishlarni anglashda qiyinchilikka duch keladilar. Bugungi o'smirlar o'tgan avlodga nisbatan jismoniy, aqliy va ijtimoiy rivojlanishda tezroq yetilmoqdalar. Shu sababdan, 10-11 yoshdan 14-15 yoshgacha bo'lgan davr o'smirlik yoshi sifatida belgilanadi [7:46].

Maktablarda psixologik xizmatni tashkil etishda ayrim to'siqlar mavjud. Masalan, psixologiyaga oid

maxsus fanlarning yoʻqligi yoki psixologning ishlashi uchun alohida soat ajratilmagani tufayli psixologning faoliyati boshqa fan mashgʻulotlariga toʻgʻri keladi. Bundan tashqari, erkak psixologning qiz oʻquvchilarga yordam berishi qiyin kechishi mumkin, chunki ular oʻz muammolarini aytishga uyaladilar yoki umuman aytmaydilar.

Bolalarning muammolarini qisqa vaqt ichida, ularga zarar yetkazmasdan hal etish va bu jarayonda ota-onalar bilan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga ega. Koʻpgina muammolar vaqtinchalik boʻlib, psixologning qisqa muddatli aralashuvi yetarli boʻladi. Shu bois psixolog har bir bola uchun individual va guruhli dasturlarni ishlab chiqishi kerak. Bolalar psixolog yordamidan keyin ijobiy oʻzgarishlarni sezilar, ularga nisbatan ishonch va hurmat oshadi, bu esa oʻz navbatida taʼlim muassasasiga boʻlgan munosabatni ham yaxshilaydi.

Maktabgacha taʼlim tashkilotida psixolog har bir bolaning psixik rivojlanishini toʻlaqonli taʼminlashga qaratilgan faoliyatni amalga oshiradi. Bu jarayonda bolalarning individual xususiyatlarini hisobga olish va ular bilan ishlashda mos strategiya va taktika ishlab chiqish muhimdir.

Yangi Oʻzbekistonni barpo etish jarayonida har bir bola, oʻquvchi va tarbiyalanuvchiga eʼtibor qaratish dolzarb vazifadir. Bola xatti-harakatlari, qaysarligi yoki oʻziga xos ginalariga vaqtida eʼtibor bermaslik ularning ruhiy salomatligiga salbiy taʼsir koʻrsatishi mumkin. Shu bois, psixologning faoliyati uchun zarur shart-sharoitlar yaratilsa, u bolalar bilan yanada samarali muloqot qilish va ularga mos choralar koʻrish imkoniyatiga ega boʻladi. Bu esa oʻz navbatida ijobiy natijalar berishi muqarrar [8:25].

Xulosa. Maktabgacha taʼlim tizimida zamonaviy psixologik xizmat koʻrsatishning oʻziga xos mexanizmlari taʼlim sifati va bolalarning intellektual rivojlanishini oshirishga sezilarli taʼsir koʻrsatadi. Psixologik xizmatning diagnostika, monitoring, reabilitatsiya va innovatsion yondashuvlarni qamrab olgan mexanizmlari yosh avlodni barkamol shaxs sifatida shakllantirishda muhim rol oʻynaydi. Statistik maʼlumotlarga koʻra, bunday xizmatlar joriy etilgan maktabgacha taʼlim muassasalarida bolalarning oʻzlashtirish darajasi va ijtimoiy moslashuvi 30-35% ga yuqori boʻlishi kuzatilgan. Shu bois, psixologik xizmat koʻlamini kengaytirish va uning samaradorligini oshirish maktabgacha taʼlim tizimini rivojlantirishning muhim yoʻnalishi boʻlib qolmoqda.

Adabiyotlar

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda “2017-2021 yillarda maktabgacha taʼlim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PQ-2707-sonli Qarori.
2. Bronfenbrenner U. The Ecology of Human Development: Experiments by Nature and Design. Cambridge, MA: «Harvard University Press», 1979.
3. Vygotsky L.S. Mind in Society: The Development of Higher Psychological Processes. Cambridge, MA: «Harvard University Press», 1978.
4. UNESCO. Early Childhood Care and Education: Global Challenges and Solutions. -Paris: UNESCO Publishing. 2021.
5. Bayley N. Bayley Scales of Infant Development III Manual. San Antonio, TX: Pearson. 2005.
6. Anderson J.R. Cognitive Psychology and its Implications. New York: «Worth Publishers», 2020.
7. Malikova S.B. Psixologik xizmatlarning maktabgacha taʼlim tizimidagi oʻrni. // Taʼlim va Rivojlanish Jurnal, 3(4), 2021. 45-52-b.
8. Yusupova G. Maktabgacha taʼlimda innovatsion texnologiyalarning roli. // Pedagogika Ilmiy Jurnal. 2018. 2(1), 23-29-b.

REZYUME. Ushbu maqolada maktabgacha taʼlim tizimida zamonaviy psixologik xizmat koʻrsatishning oʻziga xos mexanizmlari tahlil qilinadi. Bolalarning psixologik rivojlanish xususiyatlari, shaxsiy yondashuvni taʼminlash, taʼlim jarayonida psixologik muhitni yaratish usullari va ota-onalar bilan hamkorlik qilish masalalari yoritiladi. Shuningdek, bolalarning emotsional-intellektual rivojlanishiga taʼsir etuvchi zamonaviy metodlar va texnologiyalar qoʻllanilishining ahamiyati koʻrsatib oʻtiladi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются особенности современных механизмов оказания психологических услуг в системе дошкольного образования. Освещаются вопросы психологических особенностей развития детей, обеспечения индивидуального подхода, создания психологической атмосферы в образовательном процессе, а также взаимодействия с родителями. Кроме того, подчеркивается важность применения современных методов и технологий, влияющих на эмоционально-интеллектуальное развитие детей.

SUMMARY. This article analyzes the specific mechanisms of providing modern psychological services in the preschool education system. It highlights the psychological development characteristics of children, ensuring a personalized approach, creating a psychological environment in the educational process, and cooperation with parents. Additionally, the importance of applying modern methods and technologies that influence children's emotional and intellectual development is emphasized.

O'SMIRLIK DAVRIDA STRESS XOLATLARINING IJTIMOIY PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

T.G.Suleymanova – psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

Andijon davlat universiteti

Tayanch soʻzlar: stress, xavotirlanish, gomeostaz, muloqot, korreksion treninglar, koʻzgʻaluvchanlik.

Ключевые слова: стресс, возбуждение гомеостаз, общение, коррекционные тренинги возбудимость.

Key words: stress, arousal of homeostasis, mulokot, correctional training, excitability, Key concepts: stress, auto-training, coping, anxiety, arousa, communication, socialization.

Stress - inson tanasining haddan tashqari kuchlanish, salbiy va ijobiy his-tuygʻularga himoya reaksiyasi sifatida organizmning kuchlanish holatlaridagi oʻziga xos javob reaksiyasidir

Stress vaziyatlari chuqur genetik asoslarga ega boʻlib, tirik organizmning biologik hayoti saqlab qolish uchun oʻzidagi barcha imkoniyatlarni safarbar qilish jarayonida shakllanadi.

Har bir inson kundalik hayotida turli shakl va davomiylikka ega boʻlgan psixoemotsional zoʻriqish vaziyatlariga duch keladi Ijtimoiy xayot koʻplab kutilmagan vaziyatlar axborotlar taʼsiri ostida shaxsda stress holatlarini shakllantiradi

Psixolog olimlar tomonidan shaxsning hayot faoliyati bilan bogʻliq boʻlgan stress holatlarini oʻrganish yuzasidan qator tadqiqotlar olib borilgan

Stress muammosi boʻyicha fransuz fiziologi Klod Bernar ilk bora tirik organizmning ichki muhiti oʻzida barqarorlikni tashqi muhitdagi oʻzgarishlarga qaramasdan saqlab turishi zarur degan fikrni taʼkidlagan. Tadqiqotchi fikriga koʻra ichki muhitdagi barqarorlik xayotning mustaqilligini erkinligi uchun zarur.

XX asrning boshlarida Amerikalik fiziolog U.B.Kennon «gomeostazis» (yunon tilidan oligan homoios - bir xil stasis - holat), atamasini kiritadi .

Gomeostaz fiziologik jarayonlarni muvofiq-lashtirish organizm barqarorligini taʼminlash imkonini berishini taʼkidlagan [6].

Organizmning yaxlitligi va atrof muhitga nisbatan doimiy moslashuvi (adaptatsiyasi) rus olimi I.P.Pavlov tadqiqotlarida ham aks etgan.

Stress muammosi boʻyicha birinchi psixologik nazariya kanadalik fiziolog Gans Sel'e tomonidan yaratilgan boʻlib, quyidagi asosiy qoidalarni oʻz ichiga oladi:

1. Barcha biologik organizmlarda organizmni qoʻllab-quvvatlash va tizimlarining ishlashining ichki muvozanati uchun tugʻma mexanizmlar mavjud boʻlib, organizmning ichki muvozanatini saqlash

gomeostaz jarayonida taʼminlanadi. Gomeostaz - bu organizmning hayotiy muvozanatni saqlash vazifasidir.

2. Stressorlar (kuchli tashqi qoʻzgʻovchilar) organizmning ichki muvozanatini izdan chiqaradi. [4].

Organizmدا yuqorida koʻrsatilgan omillar taʼsirini yengishga qaratilgan stressorning kuchi, taʼsir etish muddati, odam yoki hayvonning fiziologik tizimi va ruhiy holatiga bogʻliq boʻlgan moslashuvchi biokimyoviy va fiziologik oʻzgarishlar rivojlanadi. Oliy nerv tizimiga ega boʻlgan inson va hayvonlarda, his-tuygʻu, koʻpincha, stressor vazifasini oʻtaydi va u fizik stressor taʼsiriga zamin tugʻdiradi.

Stress vaziyatlari muammosi buyuk sharq mutaffakiri Abu Ali Ibn Sino tomonidan ham oʻrganilgan.

Ibn Sino oʻz tadqiqotlarini hayvonlarda olib borgan boʻlib, bitta qafasga qoʻzichoqni joylagan, uning yonidagi boshqa qafasga boʻri joylashlashtirilgan. Qoʻzichoq xech qanday jismoniy xafvga ega boʻlmagan holda , yirtqich hayvonni koʻrish, uning xidini sezish, irrilagan ovozini eshitish unda psixoemotsional zoʻriqish holatlarini namoyon qiladi. Maʼlum bir vaqt oʻtgandan soʻng qoʻzichoq boʻrining qafasi yonida boʻlganligi uchungina oʻladi.

Yaʼni yirtqichning yonida boʻlish qoʻzichoqdagi adaptiv imkoniyatlar chegarsidan yuqorida boʻlgan [5].

Odamlarda bir xil turdagi stressli vaziyat organizm uchun ham xavfli, ham ijobiy boʻlishi mumkin. Shu bois maʼlum bir darajadagi stresslarsiz faol hayot kechirib boʻlmaydi, chunki stresslar boʻlmasligi bu oʻlim bilan barobar degan edi G.Sel'e boʻlgan [3].

Demak, stresslar nafaqat xavfli, balki organizm uchun foydali ham boʻlishi mumkin (eustress), bu holat organizm imkoniyatlarini ishga soladi, salbiy taʼsirlarga chidamliligini oshiradi (masalan, infeksiyalar, qon yoʻqotish va boshqa(lar), maʼlum

bir somatik kasalliklar (masalan, yara kasalligi, allergiya, yurak kasalliklari va boshqa(lar)) kechishini yengillashtiradi yoki bemorning ulardan forig' bo'lishiga yordam beradi.

Stressning organizmga ijobiy yoki salbiy ta'siri etishi organizmning ushbu stressorga nisbatan reaktisiga bog'liq.

Stress holatini faol o'zgartirishga qaratilgan choralar organizm chidamliligini oshiradi yoki, aksincha, faol kurashish bo'lmasa, moslashish sindromi susayib, og'ir holatlarda organizmni nobud bo'lishigacha olib kelishi ham mumkin.

Stressning ijobiy yoki salbiy ta'siri uning qanchalik uzoq davom etishiga va ularning ta'siri tufayli organizmda vujudga kelgan o'zgarishlarning dastlabki xolatiga qaytishiga bog'liq [7].

Gans Sel'e asabiylashishni odam yoki hayvon organizmining har qanday ta'sirga o'ziga xos munosib javob deb baholab stress xolati 3 bosqichda kechadi deb hisoblaydi: Har bosqichning davomiyligi stressorning kuchiga, ahamiyatligi, organizmning rezistentlik darajasiga bog'liq [5].

1. Boshlang'ich ta'sirchanlik (emotsional) tuyg'usi(g'alayon); organizmdagi imkoniyatlarni safarbarlikka tortilishi.

2. Qarshilik ko'rsatish bosqichi.

3. Toliqish bosqichi

Demak, stress organizmning umumiy moslashuv sindromidir. Unda kuzatiladigan nospetsifik alomatlarni G.Selegacha ham tadqiq qilishgan, lekin organizmda kechadigan patofiziologik o'zgarishlar bilan stress orasida bog'liqlik alomatini ko'rishmagan.

Stressning psixologik qirralari borasida Alekseeva O, Kovalev L.M., Reznik S.D., Urbanovich A.A., Kon I.S., Kogan B.M., Rubinshteyn S.L., Sudakov va boshqalar tomonidan qator tadqiqotlar olib borilgan .

Stress holatlari ontogeneznining har bir bosqichida shakllanishi mumkin.

O'smirlik davri inson hayotining eng murakkab davrlaridan biri hisoblanadi. Fiziologik o'zgarish va jinsiy yetilishlar, bosim ostidagi ijtimoiy va akademik talablar, kasb tanlash, sevgi muhabbat borasidagi ilk tasavvurlar va muammolar ko'pgina o'smirlarni qo'zg'aluvchan hamda tushkun holatlarga solib qo'yadi.

O'smirlik davrida rivojlanish tezkor tarzda borib, shaxs shakllanishi sohasida jiddiy o'zgarishlar kuzatiladi. O'smirlarning kattalar va tengdoshlari bilan munosabatlar ko'pincha tashqaridan

ko'ngildagidek ko'rinsa-da, yolg'izlik hamda o'zi va atrofdagilardan norozilikni his qilishadi. O'smirlarda kattalik hissi alohida e'tiborni talab qiladi. Bu yoshda kattalar o'smirlarni kamchilik va xatolarini ko'pchilik ichida uyaltirib, shaxsni kamsitish stress holatlarini chuqurlashuviga olib keladi.

"Tanqid kelajakning mevasi" iborasi o'smirlik davri uchun aslo to'g'ri kelmaydi. O'smir bilan o'zaro emotsional yaqin bo'lgan do'stona dialog shaklida munosabatlar uning psixologik tabiatini to'g'ri tushunish va o'zlarini katta tutishlariga to'sqinlik qilmaslik, aksincha ularning bunday hatti-harakatlarini ijobiy yuzaga solish uchun intilishi kerak.

O'smirlar uchun uy vazifalari, uy ishlari bo'yicha majburiyatlarni bajarishga qaraganda tengdoshlari bilan muloqot qilish muhimroqdir. O'z ishlarini sirlarini bola endi ota-onasiga emas, balki tengdoshiga ko'proq ishonadi. U endi salbiy va ijobiy tomonlariga alohida bir urg'u bermagan holda o'zi xohlagan kishisi bilan do'st bo'lish huquqini talab etadi. O'z tengdoshlari bilan muloqot va munosabat jarayonida o'z shaxsini erkinlik bilan to'la namoyon eta oladi. Shaxsiy erkinlikni u katta bo'lish huquqi deb anglaydi.

O'zgalarni anglash bilan o'z-o'zini anglash o'rtasida qarama-qarshiliklar paydo bo'ladi. Ko'pincha o'smir o'z imkoniyatlarini yuqori baholaydi, boshqalar esa uning kuchi, irodasi va salohiyatiga ishonchsizlik bilan qaraydi. Lekin, shunday bo'lsa ham o'zini nima qilib bo'lsa-da, tengqurlar jamiyati tomonidan tan olinishiga erishishga intiladi va ular bilan muloqot hayotining ma'nosiga aylanib qoladi. Agar o'smir shu davrda biror sabab bilan tengqurlari jamiyati tomonidan inkor qilinsa, u bunga juda katta mudhish voqeadek qaraydi, maktabga bormay qo'yishi, hattoki suitsidal harakatlarni ham sodir etishi mumkin [7].

Doimiy nazorat va mustaqillikka bo'lgan ehtiyoj o'rtasida nizolar; ota- ona o'rtasida o'smir ta'lim-tarbiyasi haqida bir fikrning bo'lmasligi, do'stlar tanlash, kiyinish, musiqa tanlash borasida, o'smir bilan do'st bo'lishga intilgan ota-onalar ibrat, lekin ko'p hollarda ma'ruza shaklidagi da'vatlar stress holatlarini shakllanishiga olib keladi.

Muloqotda u yoki bu o'ringa ega bo'lish shaxsga, uning psixikasi va boshqalarga moslashish qobiliyatiga, o'ziga istagan munosabatga erishish

uchun ongli harakati va individga atrofda gilar beradigan bahoga bog'liq bo'ladi.

Ushbu davrda o'smirlarda stress holatlarini keltirib chiqaruvchi stressorlar ekstropresonal va introperasonal omillarga ajratiladi [1, 3].

O'smirlarda stress holatlarini keltirib chiqaruvchi ekstrapersonal omillar:

- 1) alkogol va narkotik moddalarni iste'mol qilish;
- 2) ommaviy axborot vositalari ommaviy madaniyatni targ'ib qilish
- 3) o'smirlik yoshi xususiyatlari ;
- 4) ekstremal vaziyatlar, begonalashuv, yolg'izlik;
- 5) oilada, jamiyatda, ijtimoiy mavqening yo'qotilishi, ayniqsa tengdoshlari orasidagi o'z statusiga (o'rniga) ega bo'lmaslik;
- 6) nizoli va jarohatlovchi vaziyatlar;
- 7) disfunktsional oilalardagi munosabatlardagi nizolar

Stress holatlarini keltirib chiqaruvchi intropersonal omillar sifatida:

- 1) Xarakter aktsentuatsiyasi;
- 2) emotsional yuklamalarga nisbatan chidamlikni pasayishi;
- 3) kommunikativ jarayonlarning to'la qonli bo'lmasligi;(ota onalar, o'qituvchilar, tengdoshlari bilan)
- 4) o'z- o'ziga to'g'ri baho bermaslik;
- 5) hayotiy tajriba,bilim malaka va ko'nikmalar-ning yetarli emasligi
- 6) hayotiy qadriyatlar va ustanovkalarinng bo'lmasligi, yoki yetarli emasligi tan olinadi.
- 7) asoslanmagan qo'rquv;
- 8) o'zini yetarlicha tushunib yetmaslik;
- 9) o'quv fanlarini o'zlashtirishda qiyinchiliklar tufayli o'qituvchi va ota onalar tomonidan jazolanishdan xavotirlanish .

O'smirlik davrida stress holatlarini shakllanishiga olib keluvchi stressorlardan yana biri ta'lim-tarbiya jarayonidagi o'smir shaxsi va individualligini e'tiborga olgan holda ko'rsatilgan ta'sirni ham kiritish mumkin.

O'smir psixikasida stressli holatlarni mavjudligini quyidagilardan aniqlash mumkin:

➤ Fiziologik ko'rinishlar – uyquning buzilishi, umumiy holsizlik (darsda “uxlab o'tiradi” psixosomatik kasalliklar

➤ Emotsional ko'rinishlar - qo'zg'oluvchanlik, asabiylik, xavotirlanish, turli tabiatdagi qo'rquv, hissiy emotsional xolatlarining yorqin namoyon bo'lmasligi va boshqalar;

➤ Xulqiy ko'rinishlar - o'smir hatti harakatlarining betartibligi,biror bir faoliyatda diqqatini jalb etishdagi qiyinchiliklar, atrofda gilar nisbatan tajavvuzkorlik hatti harakatlari.

➤ Bilish sohalari (kognitiv) – diqqat kontsentratsiyasining buzilishi, o'smir intellektual qobiliyatlarining pasayishi [7].

O'smirda sanab o'tilgan belgilardan birini aniqlanishi unda stress xolatining mavjudligini tasdiqlamaydi, bu vaziyatda o'qituvchi tomonidan o'smirni kuzatish emotsional yaqin ruxdagi suxbatlarni olib borish kerak Agar o'smirda bir nechta omil namoyon bo'lishligi aniqlansa o'qituvchi ota- ona maktab psixologi bilan hamkorlikda stressli vaziyatlarni bartaraf etish uchun harakat qilishi lozim

Ta'kidlashimiz lozimki, stress holatidagi o'smirlar bilan ishlash davomida psixokorreksion blokni yaratish, ma'lum bir texnika va metodlarni qo'llash ushbu muammo bilan shug'ullanuvchi mutaxassis uchun individual hisoblanadi. U nihoyatda rang-barang yoki psixokorektsiyaning ma'lum bir yo'nalishida aks etgan bo'lishi mumkin. Asosiysi, bu dastlabki psixodiagnostik ma'lumotlarga tayangan holda psixokorreksiya ishida qaysi tezlik va jadallikda harakatlanish lozimligi, yo'nalishlarini belgilab olish hisoblanadi. Bu borada o'smir shaxsining ijtimoiy demografik omillari individual va yosh xususiyatlari stressli vaziyatning uning ahamiyatlilik darajasi, ijtimoiy muhitdagi vaziyat xususiyatlari psixologik korrektsiya jarayonida albatta inobatga olinishi zarur.

Adabiyotlar

1. Гринберг Дж. Управление стрессом. Дж.Гринберг. СПб. [и др.]. – Питер: «Питер принт», 2002. –С. 495.
2. Karimova V. M. Ijtimoiy psixologiya. –Toshkent: «Fan va texnologiya», 2002. 72-6.
3. Ismoilova N. Z. Talabalarda stressga chidamlilikning psixologik tahlili. // «Zamonaviy ta'lim», 2016, №8.
4. Одинцова М. А. Психология стресса: учебник и практикум для Вузов / М. А. Одинцова, Н.Л.Захарова. — Москва : «Юрайт», 2024. –С. 291.

5. Селье Г. Когда стресс не приносит горя. // Неизвестные силы в нас / Г. Селье. –М.: 1992. - С. 103-158.
6. Щербатых Ю.В. Психология стресса и методы коррекции: Учеб. Пособие. СПб. [и др.]. –Питер: «Питер принт», 2006. –С. 255.
7. Шульц Л. Стресс. –Мариуполь: «Рута», 2008. –С.82.
8. G'oziev E.G. Ontogenez psixologiyasi. –Toshkent: Universitet. 2018.

REZYUME. Maqolada stress muammosini o'rganishning asosiy ilmiy yondashuvlari ko'rib chiqiladi, o'smirlarga xos bo'lgan stressning psixologik jihatlari yoritiladi. Stressli vaziyatlarni keltirib chiqaruvchi ijtimoiy psixologik omillar tahlil qilinadi. Stressning havotirlanish, depressiya va ijtimoiy aloqalarning yomonlashishi kabi oqibatlariga alohida e'tibor qaratiladi. Maqolada, shuningdek, o'smirlarga qiyinchiliklarni engishga yordam beradigan psixologik korrektsiya usullari va strategiyalari imkoniyatlari tafsiflanadi

РЕЗЮМЕ. В статье освещаются основные научные подходы к изучению проблемы стресса, психологические аспекты стресса характерные для подростков. Анализируются причины стресса. Особое внимание уделяется последствиям стресса, таким как тревожность, депрессия и ухудшение психологического благополучия. В статье также рассматриваются возможности психологической коррекции преодоления стресса и стратегии, которые могут помочь подросткам справляться с трудностями.

SUMMARY. The article discusses the main scientific approaches to studying the problem of stress and examines the psychological aspects of stress characteristic of adolescents. The causes of stress are analyzed. Special attention is paid to the effects of stress, such as anxiety, depression and deterioration of psychological well-being. The article also discusses methods of psychological correction of stress management and strategies that can help teenagers cope with difficulties.

M A Z M U N Í

PEDAGOGIKA ILIMLERI

Pedagogika teoriiyası hám tariyxı

Akmalova D.T. Modeling the process of developing managerial competence	3
Allaniyazov I.B. Filosofiyalıq kózqaraslar evolyuciyasınıń bilimlendiriw tarawına tásiiri ...	6
Babasheva G.B. Baslawısh klass oqıwshılarınıń kritikalıq pikirlewin rawajlandırıwdıń tiykarǵı formaları	9
Baltabaev J. Raqamli ta'lim muhitida axborot texnologiyalaridan foydalangan holda ta'lim sifatini oshirish	11
Bekimbetova A.A., Alewova R.Sh. Mektepke shekemgi jastaǵı balalardı miynetke tárbiyalawda qaraqalpaq xalıq ertekleriniń ornı hám roli	14
Bobonorov X.T. Bo'lajak tarix o'qıtuvchılarining kasbiy kompetentligini rivojlantırishning tashkiliy-pedagogik shart-sharoitlari	17
Dawletnazarova D. Vitagen tálimdi ámelge asırıwdıń metodologiyalıq tiykarlari	20
Erkaboyev O.M. Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qıtuvchilarida kasbiy tafakkurni shakllantırish uchun pedagogik komponentlar	22
Haydarov X.H. Art pedagogika zamonaviy ta'lim-tarbiyaning integrativ omili	26
Каипова С.К., Далиева П. Модель диагностики качества обучения в педагогическом институте и в университете	28
Karimov B.B. Jismoniy tarbiya va sport darslarida pedagogik texnologiyalar: zamonaviy yondashuvlar	31
Kenesbayev A. Zamonaviy raqamli o'quv-metodik ta'minotning tarkibi	33
Kunnazarova B. Akmeologiyalıq qatnas tiykarında bolajaq oqıtıwshılardıń funkcionallıq kompetenciyasın rawajlandırıw	36
Kuttibekova G.T. Art-pedagogik texnologiyalar vositasida boshlang'ich sinf o'quvchilarini estetik tarbiyalash	38
Negmatova Sh.Sh. Samarqand jadidchiligidagi asosiy pragmatik yo'nalishlarida ta'lim-tarbiya masalalarining aks etishi	40
Nuratdinova N.B. The role of prepositions in english language instruction to young learners	43
Саламова Ф.Х. Инновационные методы коррекции слуховых пространств	45
Сапарбаев Е. Жисмоний сифатларни тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш хусусиятлари	47
Saparbaeva S.K. Boshlang'ich sinflarda o'yinli o'qitish va vizual materiallar yordamida ingliz tilini tezkor o'rgatishning ahamiyati	49
Seytmuratova T.Q. Pedagogik prognostikaning o'qıtuvchi faoliyatida tutgan o'rni hamda komponentlarini rivojlantırish zaruriyati	52
Temirov O.M. "Refleksiv yondashuv", "axborot" va "axborot bilan ishlash malakasi" tushunchalarining ilmiy pedagogik tahlili	54
Толепов Б. Тарих таълимида медиаконтентлардан самарали фойдаланишнинг муҳим шартлари	57
Shamuratova M.J. Kollaboratsiyalar va o'qitishda kollaborativ texnologiyalarning ahamiyati	61

Tálim - tárbiya teoriiyası hám metodikası

Abdimuratov P.S. Ustaz-shákirt dástúrleri	64
Абдуллаева Р.А. Методы оптимизации и интенсификации обучения русскому языку как иностранному	66
Allambergenova G. Mustaqil ta'limni tashkil etishda bulutli texnologiyalardan foydalanish	69
Aytbaeva X.B., Aymurzaeva L.G. Ximiya sabaqların integraciyalasqan oqıtıw	72
Gaypova R.T., Maxsetbaev N.B. Geografiya pánin oqıtıwda «joybar» sabaǵınan paydalanıwdıń áhmiyeti	74

Qalandarov U.E. Falsafiy, pedagogik va psixologik adabiyotlarda teatr san'ati vositalari orqali umumta'lim, oliy ta'lim muassasi o'quvchilarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash muammosining rivojlanish holati	77
Уразымбетова З. Сравнительный анализ традиционного обучения письму и обучения письму на основе аутентичных материалов	79
Utambetov B., Qalmuratova X. «Ónim tayarlaw texnologiyası» pánin aralıqtan oqıtıwda zamanagóy bilim beriw qurallarınıń ornı	82

PSIXOLOGIYA ILIMLERI

Alisherova Z.T. O'smirlardagi emotsional intellekt muommolarining bolalikdagi to'siqlarga bog'liqligi	86
Berdiyeva G.J. Bullingning kichik maktab yoshidagi bolalar psixologiyasiga ta'siri	89
Dawkeeva A., Saidaxmetova X. Shaxs psixologiyasida stress mashqalası	91
Djolimbetova M.M., Aytmuratova E.Ye. O'smir yoshdagi o'quvchilarda kreativ fikrlashni rivojlantirish psixodiagnostikasi	93
Душанов Р.Х., Хужанова Д.Р. Муомала психологияси	95
Клычева З.П. Результаты исследования по методу социометрии и рисуночным тестам	98
Najmiddinova M.Sh. Shaxs va uning ekstremal vaziyatlarda qaror qabul qilishning individual psixologik jixotlari	101
Rajabova M.Yu. Maktabgacha ta'lim tizimida zamonaviy psixologik xizmat ko'rsatishning o'ziga xos mexanizmlari	104
Suleymanova T.G. O'smirlik davrida stress xolatlarining ijtimoiy psixologik xususiyatlari	107

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutında Nawrız bayramına baǵışlangan xalıq seyili hám koncerti bolıp ótti



Usı jıldıń 28-mart kúni Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutında Nawrız ulıwma xalıqlıq bayramına baǵışlangan «Qádiriyatlarıń máńgi bolsın, Nawrız!» atamasındaǵı bayram seyili hám teatrlastırılǵan muzikalı-xoreografiyalıq koncert bolıp ótti.

Bayram ilajında institut rektori K.Kadirov hám Qaraqalpaqstan Respublikası «Nuraniy» qorınıń baslıǵı T.Abdijabbarov sózge shıǵıp, barlıq qatnasıwshılar hám miymanlardı ulıstıń ullı kúni, shıǵıs xalıqlarınıń jańalanıw hám jasarıw áyyyamı, mın jıllardan berli ruwxıy turmısımızdıń ajıralmas bólegine aylanǵan – Nawrız bayramı menen qutlıqladı.

Mámleketimizde Prezidentimiz bassılıǵında joqarı bilimlendiriw tarawın sapalıq jaqtan jańa basqıshqa alıp shıǵıw maqsetinde ámelge asırılıp atırǵan reformalardıń nátiyjeleri, ásirese, sońǵı jıllarda Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutınıń materiallıq-texnikalıq bazasın jetilistiriw maqsetinde islenip atırǵan qurılıs hám dóretiwshilik jumısları, usınday imkaniyatlardan nátiyjeli paydalanıp atırǵan institut student-jaslarınıń qolǵa kirgizip atırǵan tabısları ayrıqsha atap ótildi.

Dúnyanıń «TOP-163» dizimine kirgen Ál-Farabiy universiteti menen birge islesiw memorandumına qol qoyıldı



Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı rektori K.Kadirov xızmet saparı sheńberinde dúnyanıń eń abıroylı joqarı oqıw orınlarınıń biri – Ál-Farabiy atındaǵı Qazaq milliy universitetinde boldı.

Universitettiń Basqarma Baslıǵı – Rektor J.Túymebaev penen bolıp ótken ushırasıwda sońǵı jıllarda Ózbekstan hám Qazaqstan arasında sawda-ekonomikalıq, mádeniy-gumanitar, investiciyalıq baylanıslar menen bir qatarda bilimlendiriw tarawında birge islesiwler jańa basqıshqa kóterilgeni ayırıqsha atap ótildi.

Eki joqarı oqıw ornı basshıları birge islesiwdi ele de rawajlandırıw zárúrligin atap ótip:

- akademiyalıq mobillik;
- eki diplomlı qospa bilimlendiriw baǵdarlamaların jolǵa qoyıw;
- professor-oqıtıwshılardıń qánigeligin jetilistiriw;
- institutta Ál-Farabiy universitetiniń filialın ashıw;
- xalıqaralıq hám jergilikli grant joybarlarına qatnasıwda professor-oqıtıwshılardıń birgelikte jumıs alıp barıwı sıyaqlı máseleler boyınsha aldaǵı ámelge asırılatuǵın jumıslar haqqında sáwbetlesti.

Dıqqat, jazılıw – 2025!

Húrmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanısqaşlı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy-pikirlerińiz benen ortaqlaspaqshı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2025-jıl ushın jazılıwğa mirát etemiz.

Biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındağı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolğan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

Jazılıw bahası - 400.000 (tórt júz mın) swm.

<i>Redakciya mánzili: Nókis qalası, P. Seytov kóshesi, n/j.</i>	<i>«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:</i>
<i>Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998933652520.</i>	<i>BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri</i>
<i>JURNALDÍN BASÍP SHÍGARÍLÍWÍNA</i>	<i>Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010</i>
<i>JUWAPKER: Ájiniyaz atındağı NMPI baspaxanası.</i>	<i>MFO: 00014; INN: 201 122 919</i>
	<i>Ieke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0350 005</i>

<i>Maqalalardıń mazmunına hám durılıǵına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı</i>	<i>Jurnalǵa jıl dawamında jazılǵan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 6 betten kem bolmaıwı, 8 betten aspaıwı kerek.</i>
<i>Jurnal 1992-jıldan shıǵa basladı ISSN 2010-720X Indeksi: Ieke puqaralar ushın — 2101. Mákemeler ushın — 2102.</i>	<i>Basıwǵa ruxsat etildi: 29.03.2025 Buyırtpa: №0188 Format: 60x84 1/8 Kólemi: 14 b/t. Jurnal jılına 8 márte shıǵadı. Reestr № 089632</i>